



СН0000033794

Жуманазар Бекназар

ҚАШҚА ЙҰРҒА




*Заминнинг бағрида гуллайди ҳаёт,
Ёшлик йилларини эслайсан бот-бот.
Меҳнатинг самарин улугласа эл,
Шу азиз Ватанда қолдирарсан от.*

Жуманазар Бекназар

ҚАШҚА ЙЎРҒА

Қисса



927381

Тошкент
«Академнашр»
2016

УЎК: 821.512.133-3
КБК: 84(5Ў)7
Б49

Б49 Бекназар, Жуманазар

Қашқа йўрға [Матн] / Ж.Бекназар. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – 144 б.

ISBN 978-9943-995-87-1

УЎК: 821.512.133-3
КБК: 84(5Ў)7

От миниб ориятга йўлдош бўлган эр-йигитлар, соҳиби қалбидаги энг яширин туйғуларни-да илғаган тулпорлар, қаҳрамонга қанот бўлган бедавлар ҳақидаги ҳикоялар кишини беихтиёр ўтмишнинг сарҳадсиз ва сирли кенгликлариغا етаклайди. Шу йўсин юрт шаъни, эл номуси учун курашган улуғ аجدодларимиз билан ҳаёлан суҳбат қуриш, улар кўрсатган бетимсол жасоратларнинг шоҳидига айланиш қанчалар фараҳли...

Қўлингиздаги китоб ҳам узоқ ва яқин тарихимизда муносиб из қолдирган номдор отлар ва уларнинг ўз эгалари билан муносабатлари ҳақида, от билан тиллаша билиш натижасида эришилган улкан ютуқлар тўғрисида-дир. Шу боис ҳам у, айниқса, отга меҳрли инсонлар учун тенгсиз совға бўлса ажаб эмас.

ISBN 978-9943-995-87-1

© Жуманазар Бекназар
«Қашқа йўрға»
© Akademnashr, 2016

Инсон ва табиат уйғунлиги тараннуми

Инсоният отни хонакилаштирганига неча минг йил бўлгани аниқ эмас. От асрлар оша инсоннинг содиқ йўлдоши бўлиб келмоқда. Ҳатто отни одамдек гапира олмайди, холос, лекин эгасининг бир имосини тушунади деб алқашади. Қадимда у дунёда ҳам соҳибига хизмат қилади деб, жангда ҳалок бўлган саркардаларнинг тулпорлари эгаси билан бирга кўмилган. Дунё халқларининг оғзаки ижодида ҳам, жаҳон адабиётида ҳам отлар садоқат тимсоли сифатида таърифланади. Гўрўғлининг Ғиркўки, Алпомишнинг Бойчибори, Искандар Мақдунийнинг Буцефали, Жалолиддин Мангубердининг Самани, Амир Темурнинг Хонўғлони бунга мисол бўла олади. Аждодларимиз от боғланган ҳовлининг файзи бўлакча деб билишган. Ўғил боланинг хатна тўйида яқин қариндошлари той ясатиб келганлар. Бу одатнинг тагида ҳам йигитда ёшлиқдан отга меҳр уйғотиш, ундаги эркаклик ғурурини мустаҳкамлашга эътибор бор. Ёшлигидан от минган йигит соғлом, жисмонан бақувват бўлади. Ота-боболаримиздан қолган бир нақл бор: ҳар хонадонда битта от бўлсин, агар от бўлмаса ҳам, унга атаб уйнинг олдида яккамах қоқиб қўйилсин. Чунки яккамах ҳамиша отни тилаб тураркан. Отнинг баъзи бир хусусиятлари инсонникидан-да баланд экан. Масалан, от ҳеч қачон кўрмаган бўлса-да, ўз аждодини танийди.

Жаҳон адабиётида, хусусан, миллий адабиётимизда от ҳақида кўплаб асарлар мавжуд. Э.Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрға», Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари», Саид Аҳмаднинг «От билан суҳбат» асарлари, Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» тетралогиясидаги Хонўғлон, Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом»идаги Тарлон фикримизга далилдир. Бадий асарларда отнинг ўта сезгирлиги, вафодорлиги, умуман, ҳар томонлама инсонга яқинлиги алоҳида ифода этилади.

Адабиётимиз от ҳақидаги яна бир асар билан бойиди. Ўзининг шеърлари, қиссалари билан китобхонларга танилган Жуманазар Бекназар «Қашқа йўрға» номли қисса ёзиб, «Шарқ юлдузи» журналининг 2014 йилги 4-сонида эълон қилганди. Кейинчалик қиссани қайта ишлаб, тўлдирибди.

«Қашқа йўрға» қиссасида собиқ шўролар тузуми вақтида халқимиз бошига солинган қийноқлар колхоз ва у ерда яшовчи инсонлар тақдири мисолида жуда яхши ёритиб берилган. Парда раис ва унинг оти Қашқа йўрға тақдири асносида ўтмиш ва замон тутими тасвирланган. Асар инсон ва отнинг дўстлиги, бошқачароқ қилиб айтсак, инсон ва табиат уйғунлиги, инсон ҳамиша табиатни, жониворларни ҳис қилиши зарурлиги ҳақидадир. Аммо мана шу уйғунликни бузиш учун отларга қирон келтирилади. Отларни гўштга топшириш кампанияси авж олади. Ғалати бир ҳолат. Собиқ шўролар давлатида яшовчи кўпчилик халқлар от гўшти исътемом қилмаса, очарчилик даври ўтган бўлса, отларни нобуд қилишнинг нима кераги бор эди? Бу, аввало, халқнинг руҳини синдириш учун бир баҳона эди, холос. Бу ишнинг бошида турганлар отнинг Шарқ халқлари ҳаётидаги ўрнини ва бу халқларнинг отга бўлган меҳрини яхши билган-

лар. Инсонни энг азий нарсасидан жудо қилиш қанчалик оғирлигини англаганлар. Худди шунинг учун ҳам отларга қирон келтирилган. Бу ҳукмрон ғоянинг истаган нарсани истаган вақтида қила оламиз, хоҳлаганимизча зуғум ўтказамиз деганининг бир ишораси эди. Мана шу ҳолат халқ руҳига ёмон таъсир қилгани асарда яхши тасвирланган. Чунки ўзбекларда бекорга от йигитнинг қаноти дейилмаган экан, тулпорларни йўқотишдан мақсад мана шу қанотни қайириш, март йигитларни қаноти синган бургут ҳолига солиш эди. Қиссада воқеалар асосан қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинади. Мазкур усулнинг муваффақиятли томони шуки, бунда китобхон бевосита адабий қаҳрамонлар билан суҳбатлашгандек бўлади. Суҳбатдошидан кўрган-кечирганларини эшитаётгандек, дардлашаётгандек ҳис этади ўзини. Масалан, отнинг сифатлари ҳақида сўз кетганда муаллиф тилидан эмас, чавандозлар тилидан берилиши, чунончи, Элмурод чавандознинг, Содик чавандознинг ҳикоялари ўқувчини кўпроқ ишонтиради.

Муаллиф асарни ўқишли қилиш ҳамда китобхонга кўпроқ маълумот етказиш мақсадида тарихий воқеаларга бот-бот мурожаат этиб туради. Қиссада Атилла ва Алп Арслонхон ҳақидаги тарихий ривоятлар, бугунги кунда арзимас кўринган, аммо, отни бошқариш учун узанги, сувлуқ, жуган каби абзалларнинг ўйлаб топилиши ўша давр учун катта воқеа бўлганлиги, отнинг сезгирлиги қиссада жуда яхши тасвирланган: «Эгарда ўтирган жангчининг ҳар бир ишораси, узанги тепкиси, қамчининг бўйнига, чап ёки ўнг сағрисига тегиши, товушида фақат ўзлари тушунадиган ишоралар бор. Алп Арслон жангчиларининг устунлиги шу, холос». Шу фактнинг ўзиёқ аجدодларимиз азал-залдан от билан тиллашганининг ёрқин белгисидир.

Умуман, бу тарихий фактларнинг берилишида кичкина кашфиётларнинг катта кашфиётларга асос бўлганига ишора ҳам бор.

«Қашқа йўрға» қиссасида воқеалар турли даврларда кечса-да, композицион жиҳатдан тарқоқлик сезилмайди. Чунки воқеалар мантиқан бир-бирини тўлдиради. Асарнинг ўзига хос томонларидан бири воқеа кечаётган замон билан ўтмишдаги воқеалар силсиласининг уйғунликда берилишидир. Қиссани ўқиб бўлгач Қашқа йўрға, Гулистондек отингиз бўлишини орзу қиласиз. Улар сизнинг дўстингиздек бўлиб қолади. Гулистон ва Қашқа йўрғанинг аячли тақдирга ачинасиз. Замона зайли, собиқ шўролар сиёсати инсонлар тақдирида қанчалик фожиали из қолдиргани, «йигит қанотлари»нинг қайрилгани дилингизни хуфтон қилади.

«Қашқа йўрға» қиссаси от ҳақида битилган қасидадек ўқилади. Халқимиз бошига солинган оғир кунларни эслатади, қатағонларни унутишга ҳаққимиз йўқлигини англатади, қолаверса, сизни табиатга, жониворлар оламига янада яқинроқ бўлишга ундайди.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент

ҚАШҚА ЙЎРҒА

(қисса)

Баҳор!

Кенг дала.

Осмон тип-тиник.

Ҳаво мусаффо...

Узоқларда ястаниб ётган Ҳисор тоғ тизмалари ортидан осмон тобора оқариб келмоқда. Тонг отмоқда эди. Оқгузар қишлоғининг кунчиқар тарафидаги кенг ҳовли заррин нурларга чулғанганда Ҳисор чўққилари бағридаги чўнг харсанглар кўзга яққолроқ ташлана бошлади. Хаёлни зилдай босиб туришга қодир салобатли тоғ чўққилари худди чопса етиб оладигандай ажабтовур яқин кўринади.

Уни бу атрофда ҳамма Парда раис деб атарди.

...Асли исми Бекназар. Ўрта бўйли. Гавдаси тўладан келган. Бироз думалоқ юзидаги сийрак қора қошлари ораси анча очиқ бўлса ҳам, жингалак сочларининг бир тутами кенг пешонасига тушиб, аллақандай тушуниб бўлмас кўрк бағишлаб турарди. Сал қизғиштоб, озгина дуппайган яноқларида табассум пайдо бўлган маҳалида киши қалбини ўзига ром қилувчи қувноқ қиёфа,

истара намоён бўлар, бундай пайтда лабларининг озгина дўрдоқлиги ҳам билинмай кетарди. Унинг сал жилмайиб, мулойим боқиб турган кўзларига кўзи тўқнашган ҳар қандай одам, ҳатто зуғумини сочай деб турган бўлса ҳам, ўзи пайқамаган ҳолда дарров шаштидан қайтиб, ювошгина бўлиб қоларди. Зеро, қўрс муомала унинг қонида ҳам йўқ.

Парда раиснинг эл манфаати учун бўлса муаммоман деганнинг ҳаммасини ҳал этишни ўзига қонун қилиб олгани ҳам ҳўжаликда яшовчиларнинг барчасига аён.

Раис бугун ҳам чўққиларга узоқ тикилди. Қани энди қўли узун бўлсаю, ҳув узоқда ёлғиз қолиб ҳўрсинаётган катта харсангни силжитиб, шундоқ қияликнинг ёнбошига ўрнатса... Ўшанда бу уч баҳайбат харсанглар учбурчак шаклини олар, бошқалари билан мутаносиб жойлашиб, гўзал бир манзара ҳосил этарди. «Балки ҳозиргидай тургани ҳам маъқулдир, – деб ўйлади Парда раис, – буям бир хаёл-да...» Шу пайт ҳов наридаги ҳали қори кетиб улгурмаган тоғ чўққисининг шундоқ ёнгинасида оппоқ парга ўхшаган булут пайдо бўлди. Бир пасдан кейин куёш чарақлаб, қорлар янада беғуборроқ кўриниш олди, булут эса офтобнинг заррин нурларидан қизил-сарик бўлиб товланишга тушмоқда. Агар унга ҳозир шу чўққига мослаштириб шакл берилса ажойиб тасвир намоён бўлади ўзиям. «Эҳ, афсус, расом бўлганимда борми, мана шу манзарани роса

боплаб чизардим», – деб қўйди раис ўзига ўзи. Аммо унинг эътиборини энди чўққининг бошқа тарафидан чиқиб келган яна бир бўлтак булут ўзига тортади. «Буниси энди ортиқча. Агар сал қуюқлашса борми, манзарани буткул бузади. Ҳа, майли, табиат ўз ўйинини кўрсатаверсин, ахир бу ўз оти билан табиат...»

Парда раис катта дарвозадан ташқари чиқди. Кичик ҳовлининг кунботар тарафидаги от учун махсус қурилган икки устунли айвонда қозикқа боғланган Қашқа йўрға уни кўриб бошини кўтарди, бир-икки пишқириб, ўнг туёғи билан ер тирнади. Парда раис ҳам тўғри унинг ёнига бориб, бўйинини, ўмганини меҳр билан қашлади. Ҳар доимгидай от ўз хўжайинининг бундай меҳрига жавобан депсинишдан тўхтади. Бу асли мен тайёрман, эгарлайверинг дегани бўлади. Раис отининг феълини яхши билганидек, унинг ҳар бир ишораси, йўталию овозидаги оҳанг Қашқа йўрғага ҳам аён. Улар салкам ўн йиллик қадрдонлар, ахир!

Раис отга ўтирар экан, яна кўзи беихтиёр ҳалиги тоғ маназарасига эргашди. Тоғ ортидан чараклаб чиққан қуёшнинг булутдан ўтолмаган нурлари энди худди тароққа ўхшаб ёйилибди, манзара чиндан ҳам ғаройиб эди...

Раис от бошини кунботар тарафга – адоққа бурди.

Қашқа йўрға ҳар кунги одати бўйича, эгасининг буйруғини ҳам кутмасдан, мулойим юриб

кетди. Раис жиловни эркин қўйиб, ўнг оёғини узангига тираганча, ўнг қўлидаги жигарранг дастали қамчини ҳавода ўйнатиб, кўм-кўк гилам билан қоплангандай кенг далалар узра гўё сузиб борар, атрофга ҳавас билан боқарди.

Йўрға кенг тупроқ йўлга тушиб олди. Гарданига урилаётган майин шабададан ҳузур қилаётган раис бошидаги шляпасини учиб кетмасин дегандай ҳар-ҳар замонда қоши устига босиб-босиб кўяди. Қашқа йўрға ёллари хезланганча, шиддатини пасайтиришни истамай олға интилади. Пешонасига тушиб турган пўпаги эгар томонга қайрилиб, шабадада чиройли пирпирай бошлайди. Ерга тегай-тегай деб турган думи шамолда ўзини ҳар ёққа отиб ўйнаётгандай силкинади. Туёқларидан кўтарилган чанглар ҳам ўзларининг ҳолига ҳайрон қолгандек ёки оромини бузган бу жонивордан ўпкалангандек пастга тушмасдан узоқ вақт ҳавода муаллақ туриб қолади...

Йўрғанинг таърифи зўр, овозаси Қашқа воҳасини тутиб кетган. Унинг донғини эшитган одамлар аввалига «Унчалик эмасдиров, лоф ҳам эви билан-да...» дейишса-да, келиб кўришгач «Қойил-е, гап йўқ! Шундай йўрғани минганнинг армони бўлмаса керак!..» деганча ҳайратларини яшира олмай қолишади.

Чиндан ҳам, Парда раиснинг армони йўқ. Раис бўлганига ўн йилдан ошибдики, Қашқа йўрға у билан бирга. Иккаласи бир-бирига жуда қадрдон бўлиб кетишган. Бунинг эса сабаби бор...

Юртда обрўси баланд, гапда ҳам сўзамол
Элмурод чавандоз бир куни мақтовни жойига
қўйди:

– Биласизми, йўрғангизни кўрганимда, раис,
Амир Темур бовамизнинг тулпори эсимга туша-
ди. Сизнинг дулдулингиз айна Хонўғлоннинг
ўзи!

– Йўғ-е! Роса мақтаб юбордингиз-ку! – хижолат
тортди Парда раис. – Ўҳ-ҳў! Хонўғлон-а! Йўғ-е!..
Жудаям унчаликмас...

– Ҳа-ҳа! Қашқа йўрғангиз насли тоза, хосиятли
от.. Айна Хонўғлоннинг нақ ўзгинаси...

– Мақтовнинг ҳам кифтини келтирасиз-да..
Сизнинг Гулистонинингиз ҳам қолишмайди...

Аммо аслида Парда раис отини машҳур тул-
порга ўхшатишларидан ғурур туйишини яши-
ролмайди, чунки ўзи ҳам хаёлида уни Хонўғлонга
менгзаб юради.

Баланд бўйли, елкалари кенг, кафтлари рапи-
дадай, қулоқларининг шалпанглигини билин-
тирмай туртиб чиққан ёноқларию қалин қошла-
ри думалоқ юзига ярашган, полвон келбатли,
гулдираган йўғон овози билан ҳар сўзини атайин
чертиб-чертиб, салмоқлаб гапирадиган Элму-
род чавандоз эса Хонўғлондан гапиришни яхши
кўрарди. Ҳар гапирганида ривоятга қандайдир
янги тўқималар қўшилиб кетар, Хонўғлон воқе-
аси ўзгариб, тобора «бойиб» борар, от тавсифи
афсоналарга ўралиб тобора маҳобат касб эта бо-

рарди. Раис чавандознинг бироз лофга мойиллигини билса-да, унинг ҳикояси шу қадар самимий чиқардики, ишонмасликнинг иложи йўқ эди.

– Мақтамайман... – жилмайганча гапида давом этди Элмурод чавандоз. Сўнг у Хонўғлоннинг қулунлик пайтидан бошлаб қандай боқилганию, унга илк бор қандай эгар урганларигача ҳикоя қилиб, шундан кейин бироз нафас ростлади.

Элмурод чавандознинг биринчи ҳикояси

– Ҳа, Хонўғлон мисли йўқ от эди... – яна давом этди чавандоз. – Қарангиз, хожаси унинг жуганини нотаниш йигитга тутқазганида нохуш бир ҳодиса рўй бераётганини сизди ва бошини илкис силкитиб, бурун катакларини керганча, беозоргина пишқирди. Олдинги оёқлари билан бесабр ер депсинди. Ўзига қадрдон бўлиб қолган, Кўксаройнинг ялтироқ қобирғали ним кўк гумбази-га узоқ вақт тикилди-да ҳазин кишнаб қўйди. Бу галгиси унча ўхшамади. Хожаси аста келиб унинг пешонасига, бўйнига тушиб турган қалин ва дағал ёлларини силаб, бошини бошига тиради... От унга садоқатини яна бир карра билдирмоқчи бўлиб, хавотир олманг, мен Сизнинг шаънингизга доғ туширмайман дегандек, хожасининг бўйини узоқ искади ва лаблари билан қулоқларига тегинди. Хожаси астагина «Ўзимнинг Хонўғлоним!» дея пешонасини меҳр билан силаганида безовталиги минг чандон ошди. Нотаниш йигит унинг

эгари устига карсонини бесўнақай қилиб, дағаллик билан минганида бақувват белининг нозик сезгиси жабрланди, шу аснода от нохуш ҳодиса содир бўлаётганини тушунди, саросимада бир хожасига, бир атрофдаги одамларга қаради. Хожаси ҳар сафар минганида бир кишнаб сакраб олиш одатини канда этмайдиган тулпор бу сафар нима қилишини билмай талмовсиради, каловланди. Хожасининг ўзидан узоқлашиб кетаётганини кўриб, олдиндан айрилиқнинг аччиқ азобини туйгандай бўлди. Жугани таранглашиб, сувлиғи лунжини оғритар даражада қаттиқ тортилганини сезса ҳам, нотаниш йигитнинг «чух»ини эшитмаганга солиб, хожасининг изидан маъюс термулиб тураверди. Иккинчи «чух»дан сўнггина, истар-истамас, ўзидан анча узоқлашган бегона отлар изидан аранг қўзғалди. Аммо юриши доимгидек шахдам ва ўйноқи эмас эди.

... Бир кунлик йўлдан кейин отлиқлар тўхтадилар, аввал бир-бирлари билан қучоқлашиб, кейин ажралишдилар. Тулпор уларнинг аксарияти кузатувчилар эканини, энди улардан ҳам айрилиб, жуганини нотаниш йигит қаёққа бурса, ўша ёққа кетишга мажбур эканини ҳис этди...

От йўлнинг ҳар бутасини, дов-дарахтию тошларини, дўнглигу пастлик, текислигу ялангликларини диққат билан кузатиб, эсида сақлаб қолишга уринарди. Шу алпозда у нотекис йўлда бир неча бор суринди, тошларга қоқилди. Тулпорнинг бундай ер депсиниб, ўрмалагандай юриши, тагин

яна бўйнини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга буриб, бошини гоҳ пастлатиб, гоҳида адл кўтариб, қулоқларини динг қилиб теваракка қараши нотаниш йигитга ёқмади шекилли, от сағрисига кетма-кет қамчи босди. Қамчининг аччиқ азобини умри бино бўлиб тортмаган Хонўғлон эса эгарда ўтирган нотаниш йигитнинг ўзидан нимани талаб қилаётганинию нени истаётганини тушунмай, бошини у тарафга сал кўтариб қараган эди, бўйнининг чап тарафига икки бор жуда кучли қамчи тушди. Тулпорнинг ғазаби ортиб, олдинги оёқлари билан баланд сакради. Қаттиқ кишнаб, бошини олд тарафга чўзганча узокдаги ўтов ёққа шиддат билан елиб кетди. У гоҳ олд ва гоҳ орқа оёқларини ерга қаттиқ тирар, шарт тўхтар, сўнг шиддат билан яна олға интиларди. Қанийди, ҳар замонда унга аччиқ қамчи ураётган нотаниш йигит мувозанатини йўқотсаю, ерга ағанаса... Унинг тупроққа беланиб юмалаб ётганини кўрсаю, тезлигини янада ошириб, келган йўлига қайтса... Салт чопса изидан ҳеч ким қувиб ета олмаслигини у жуда яхши биларди.

Нотаниш йигит ҳам чайир-чаққонлардан экан, эгар устида маҳкам жойлашиб, ҳеч қимирламай отнинг бундай ажабтовур қилиқ ила чопишидан завқ олгандек қийқириб, ҳавода қамчисини ўйнатиб, узангиси билан унинг қорнига тобора қаттиқроқ ниқтаб-ниқтаб борарди. Ниҳоят тулпор бу ҳаракатларидан ҳеч нарса чиқмаслигини сезиб, чопишини секинлатди, аввал лўкиллаб, сўнг-

ра секин йўрғалашга тушди. Ўтовга ҳам етиб келишди. Тулпор бу ерда ўзининг шоҳона қозикқа эмас, балки бошқа отлар қатори оддий қозикқа боғланганини кўриб, уни камситиш, масхаралаш учун атайин шундай қилинаётганини, нотаниш йигит тулпорни хожасидан оддий қирчанғи от ўрнида қабул қилганини англатиш учун атай шундай йўл тутаётганини сизди. Сиздию, тани сўлиш олиб, пешонасида ҳар доим тиккайиб турадиган ёли ҳам шалпайганча кўзи устига тушди, қулоқлари ортидан аччиқ тер чиқиб кетди. Айни шу пайт нотаниш йигит ва бир талай одамлар уни ўраб олиб, бўй-басти, ёли, ўмгани, сағриси томоша қила бошлашди. Қулоқлари орқасидаги терни кўрганларида «қарибди» дейишди. Бу гап тулпорнинг ғашини келтирди, лекин унинг айрича хусусиятларини англашмасин учун бошини эгиб, бор нафасини чиқарди-да, қорнини ичига тортганича, олд ва орқа оёқларини икки томонга айириб, билинар-билинемас нафас ола бошлади. Буни кўрган одамлар энди «тулпор эмас экан» дейишди-да, ундан узоқлашишди.

Уч кун давомида сув ичмаган, арпа ҳам, беда ҳам емаган тулпор ўзини ҳолсиз сеза бошлади. Ниҳоят, тўртинчи куни уни бошқа отхонага ўтказишди. Тулпор у ердаги отларга назар солиб, бирорта ҳам ўзига тенг от кўрмади. Ниҳоят сув ва арпа келтиришди. Лекин унга эмас. Ёнидаги човкар отнинг маза қилиб арпа чайнаётганини кўриб, ҳаваси келди; у томонга сал яқинлашган

эди, човкар қизғаниб, уни орқа оёқлари билан чунонам тепдики, буни асло кутмаган тулпорнинг заҳа еган ўмганидан қон оқа бошлади. У ўзининг бу ерда энди кераксиз эканини тушунди-да, кеч тушиши билан қозиққа боғланган нўхтанинг арқонини чайнай бошлади. Ғажий-ғажий арқонни анча ингичкалаштиргач, қозиқнинг бериги тарафидан нариги томонига тез чошиб, бор кучи билан силтанди. Таранглашган арқон шарт этиб узилди. Тулпор отхонадан чикди-да, юлдузларга узоқ тикилиб, Кўксарой томон мўлжалини олди ва аввал тезроқ, ўтов роса кўринмай қолгач эса секин чопганча олға интилди. Ўзига таниш белгилар бўйлаб Кўксарой томон елди. Унда-бунда узоқдан отлиқлар кўриниши билан ўзини четга олиб, уларни айланиб ўтар, сўнг яна, аввалдан олган мўлжалига кўра, кунчиқардан сал ўнгга қараб йўлида давом этарди. Кўлмаклардан, кичкина ариқчалардан чанқоғини қондирар, аммо даладаги ўтдан тотинишга вақтини қизғанар, ўмганидаги яраси ачишиб оғриётганига, қорни очлигига қарамай, тезроқ хожасини кўришга, Кўксаройнинг сомон тўшалган бурчагига етиб боришга интиларди.

...Неча кун ўтганини билмади, аммо бир кун эрталаб узоқдан Кўксаройнинг қобирғали ним кўк гумбази қуёш нурида ярқираб кўринганида жойида таққа тўхтади, бошини баланд кўтариб, чуқур нафас олди, кўзи равшанлашгач, бир кишнаб қўйди. Қадамлари илдамлашди,



Nizomly nomli

TOPP

haridat

927384



баданига ҳузур бағишловчи қувват ва ирода инаётганини сезди-да, керилиб, роҳат қилиб пишқирди. Қуёш энди қиздира бошлаган чоғда Кўксарой дарвозаси олдига етиб келди ва қаттиқ кишнади. Аммо бу аввалгилари сингари ўктам ва жарангдор кишнаш эмас, анча қувватдан қолган отнинг саси эди. Бунини ўзи ҳам сезган тулпор дарвоза олдидагиларнинг ўзини танимасдан ҳайдаб юборишларидан хавотири ҳам йўқ эмасди.

Дарвоза олдидаги қоровуллар бир-бирларига нималар дейишганини эшитмаган бўлса ҳам, улардан бири келиб, унга диққат билан разм солганидан, сўнгра шошганича бурилиб, ичкарига кириб кетганидан юраги гурс-гурс ура бошлади. Тулпор хожасининг чиқишини ва ўзини Кўксарой ичкарисига етаклаб киришларини орзиқиб кутар, кўз ёшлари нўхтасини ҳўл қилаётганини сезарди. Ниҳоят, кифтига юпқагина чопон ташлаган хожаси кўринди. Тулпор бор қуввати билан наъра тортиб юборгандай бўлди, худди аввалгилардек олд оёқларини баланд кўтариб сакрашга уринди, аммо қуввати етмади. Хожаси етиб келиб, унинг бўйнидан қаттиқ кучоқлади, отнинг пешонасига пешонасини тираб «Хонўғлоним! Келдингми!» дея олди, холос. Иккаласи ҳам товуш чиқармасдан йиғлашарди...

Ана шундай, раис! Хонўғлонни минган Темур бобомиз туманлашкар ўртасида ҳам атрофдагиларга яққол кўриниб турган. Чунки Хонўғлон

гавдали, бошқа жуда бақувват отлардан ҳам икки қарич баланд; қомати тик, кўкраги кенг, узун, сағриси сўтадай тулпор бўлган.

Раис! Билиб қўйинг ва ёдингиздан чиқмасин, Сизнинг йўрғангиз, Гулистон ва Ғузор тўраларининг тарлонлари, Қалқон бованинг човқари, Жовли Очил чопоғоннинг тўриғи – бари-бари Хонўғлондан тарқаган тулпорлар, унинг авлодлари..

Парда раис Элмурод чавандознинг шу сўзларини эслар экан, ҳар гал меҳр билан отининг бўйинини силаганча эркалаб «Темур бобом отининг зоти! Йўрғам менинг!» деб қўярди.

* * *

Парда раис ёзми-қишми, баҳорми-кузми, қайси фасл бўлишидан қатъи назар, ҳар тонг соат бешда ўрнидан туриб, юз-қўлини ювгач, ички ҳовли дарвозасини ланг очиб, энг аввал ўнг тарафдаги бостирмага қарайди. У ерда боғланган Қашқа йўрға ҳам кўзи раисга тушгани заҳоти аввалига бошини эгиб, гўё салом бераётгандек майингина пишқиради. Сўнг бошини адл кўтариб, диққат билан кузатиб туради. Раиснинг қўли отининг ўмганига тегиши билан ўнг оёғини баланд кўтариб, аста ер тепинади. Отининг бу ҳаракати хурсандлиги аломати экани Парда раисга кундай аён. Шу боис Қашқа йўрға аста тепинган маҳали раис ҳам оҳиста майин товуш билан ҳиргойи бошлайди:

*Қашқа йўрға, о қашқа йўрға,
Ёлларингни майин тарайин.
Қувончимни яшириб зўрға,
Ғирқўкимсан дея алқайин.*

*Қашқа йўрға, о жийрон йўрға,
Яна сени қандай мақтайин?
Сен билан мен битта қобирға,
Бойчибордай бўлишинг тайин.*

Ҳиргойини эшитгани заҳоти Қашқа йўрға тинчланади, раис отнинг қаншарини, пешонасини, ўмганини, сағрисини, белини оҳиста қашиган сари қуйироқ эгилади, раиснинг кўкрагига бошини теккизиб, бир маромда нафас олади. Унинг бу феъли эъзозланганига жавоб, гўё хожасига таъзими эди.

Одатда раис отнинг охурига арпа солиб бўлгач ҳам ўнг кафти билан унинг сағрисига енгилгина шапатилаб қўяди. Шундай қилмаса от бошини олдинги оёқлари орасига солиб олиб, охурдаги арпага қайрилиб ҳам қарамайди. Мабодо хизмат сафари билан бир ёққа кетар бўлса ҳам раис келиб: «Йўрғам! Мен беш-олти кун бўлмайман, ўксинма, жонивор», – дея ёлларини майингина тараб, отнинг пуштан, қайиш, эгар-жабдуқларини ечиб олади. Шундай кунлари ички дарвоза тавақалари очилди дегунича от ўйноқлаб пишқириб хожасини кутади, агар кутгани кўринмаса, яна бошини осилтирганча хомуш тортиб, аллақаяқларга бефарқ қараб қолади.

Бир куни эрта тонгда Парда раис далага борди-да, Қашқа йўрғадан тушиб, жиловини қўйиб юборди. Ҳайдалган ер тафтини, ундан таралаётган ҳузурбахш ифори тўйиб-тўйиб ҳидлади, кўнгли севинчга тўлди. Сўнгра энгашиб, ҳовучига тўла тупроқ олар экан, она Заминнинг ҳидини туйди... Мана, 42 ёшга кирибдики, шу тупроқ ва тандирдан энди узилган ноннинг ифоридан зиёдроқ, инсон қалбини дарров яйратиб-яшнатадиган ҳидни бошқа топган эмас. У айти шу пайтда ҳам ўзини гўё фаришталар билан бирга учаётгандек, уларга «Тупроқнинг нечоғлик улуг эканини биласиз, бироқ қадрини биздек тушунмайсиз» деяётгандек ҳис қилди. Пайкал бошидан йигирма беш қадамча ичкарига қараб юрар экан, кафтидаги тупроқни эзғилаб, мушти билан сиқиб-сиқиб кўрди. «Етилибди, шу ҳафтадан қолдирмай чигит экишга киришса бўларкан» деди ўзига ўзи...

Раис миниши билан от сувлиғини бир чайқадиди-да, жуганнинг тортилишини ҳам кутмасдан чап томонга бурилиб, майин йўрғалай кетди.

Ўн йилдан ошибдики, Қашқанинг йўрғаси бир хил, ҳеч ўзгармайди. Эняптими, юқорилаяптими, юраётган йўли ўнқир-чўнқирми, теп-текисми, тупроқми ёки тошлоқми – фарқ қилмайди, сувдай бир текис йўрғалайди.

Парда раис бир воқеани доим мароқ билан эслайди, бағрига шамол теккандек ҳузурланади. Бу воқеа бундан беш йил аввал юз берган. Ўшанда

Ҳисор тоғининг анча ичкарасидаги Оққишлоқдан Қашқанинг йўрғасини кўриш, синаш учун келганлар у билан гаров ўйнади. Гаровга ҳисори кўчқор тикилди. Гаров шарти – йўрға юрганида от устидаги товоқ тўла чалобдан бир томчи ҳам тўкилмаслиги керак.

Раис Қашқанинг эгарига ўтиргач, унга тўкилай-тўкилай деб турган чалоб тўлдирилган тол товоқни узатишди. Раис идишни чап кафтига олди, астагина «чуҳ, жонивор» дейиши билан от майин йўрғалай кетди. Белгиланганидек айна мактаб тўғрисидадан от орқага бурилди ва жилган жойига қайтиб келганида оҳиста тўхтади.

Гаров бойлаганлар чопиб келиб товоққа қарашди. Улар ичида Элмурод чавандоз, Содик чавандоз, тегирмончи Тожи бова сингари элнинг кадхудолари ҳам бор эди. Адрас чопон кийиб, устидан белбоғ боғлаган, қорачадан келган, баланд бўйли Аллаберди (раис унинг оти шундай эканини кейинроқ билди) «қойил-е, қойил!» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Аммо сал ғўдайган, янги чарм этигининг товонини бир-бирига дам-бадам уриб, ўзини кўз-кўз қилаётган йигит шошилмай от олдига келди-да, салмоқ билан гап бошлади:

– Раис бова! Энди... отнинг йўрғаси бузилганида, йўртганида қўлингиз билан тол товоқнинг мувозанатини сақлаб турдингиз. Бўлмаса чалоб албатта тўкиларди. Агар товоқнинг таги эгар бошида турганида сиз бундай қила олмасдингиз.

– Ука, – деди йигитга раис босиқ овоз билан, товоқни Аллабердига узатаётиб (унга нисбатан нима учундир меҳри ийиганини сезди), – Отга сизни миндирсам, ўзингиз синаб кўрсангиз. Асли бундай ниятим йўқ эдию, бироқ бошқа ишонтириш йўли йўқлигини сезиб турибман. Гаров ҳақиқий бўлиши шарт. Йигит лафзи билан йигит!

Раис Қашқанинг бошига бошини қўйиб, ўмганини уч марта оҳиста эркалаб силади. Отнинг жировини бўшатмай, йигитга мининг дея ишора қилди. Йигит ҳам чаққонгина экан, эгарга жойлашиб олди. Парда раис чалоп тўлдирилган тол товоқни эгар бошига қўйди, мулойим ва сал титраган товуш билан «Йўрғагинам...» деди. Сўнг йигитга қаради:

– Аввал товоқни яхшилаб эгар бошига ўрнатинг, қўлингиз билан сал ушласангиз, кифоя. Мактаб тўғрисидан орқага қайтасиз. Фақат жировни силтаб тортманг – отга азоб берманг. «Чух, жонивор!» десангиз бас...

Қашқа мактаб томон йўрғалай кетди. Синчковлик билан қараб турган Аллаберди: «Ё, тавба! Худоё қудратингдан! Умрим бино бўлиб, ўзимни жуда уста сайис, синчи деб юрсам-да, бундай ақлли, эгасининг истагини қарашидан тушунадиган жониворни кўрган ҳам, эшитган ҳам эмасман», – деб юборди. Раис буни баралла эшитди. Ўзининг ҳам мақтангиси келди-ю, лекин жим туришни афзал билди.

Мактабнинг рўпарасида Қашқа ортига қайтди. Фақат қайтиш доирасини каттароқ олди. Бунни кўрган Аллаберди қойил қолиб, қўлини тиззасига урди. Йўрғанинг нима учун бундай қайрилганини Аллаберди фаҳмлаган эди. Раис бундан фахрланиб, томоғини қирганча баланд овозда «Ана шундай!» деб юборди. Қашқа йўрға маррага яқин қолганида юришини секинлатиб, раиснинг рўпарасига келганида оҳиста тўхтади.

Йигит тол товоқни қўлига олиб, чалобни охиригача симирди ва осмонга қараб кўкраги тўлгунича чуқур нафас олди. Бир эгар бошига, бир отнинг жабдуқларига қаради, истар-истамас ўнг оёғини узангидан чиқарди. У отдан тушишга шошилмас, нимадир демоқчи бўлар, дангал сўзлар қидирар, лекин фикрини бир жойга жамлаб олмаётгани боис бундай сўз топа олмай қийналарди. Ниҳоят, у чап оёғи ҳали узангида эканида ўнг қўли билан тол товоқни олиб, жиловни раисга тутқазди:

– Раис бова! Раис бова... ҳа... ҳа... сизнинг отингизга, йўрғангизга қойилман! Тол товоқни шу гаровдан эсдалик сифатида ҳеч кимга бермайман! Ўрнига ширбоз кўзи бераман. Раис бова! Сизники ҳалол! Гаровни ютдингиз! Ютдингиз!

Аллаберди Қашқа йўрғага таҳсинлар ўқиди.

Бу воқеадан кейин Парда раис отнинг нақадар ақлли бўлиши мумкинлигига яна бир бор ишонди. Ахир Қашқа йўрға раиснинг, чалоб тол товоқдан тўкилмасин-да, деган истагини англади-ку!

Отнинг ўзига яраша сеҳри бўлади, от эгаси буни сал тушундими, англадими, тамом, от ўз эгасининг чин вафодорига айланади.

* * *

...Тун ярмида раис идорадан қайтарди. Ярим вайрона чалдевор олдидан ўтар экан, кўнглида аллақандай тушуниб бўлмас ваҳима пайдо бўлди. Юраги озди, ўқчигиси келди. Шу кез кўкрагида қаттиқ санчиқ турди. Оғриқ босилиши учун отнинг бўйнига сал энгашиб, жоловини қўйиб юборди. Оёқларини узангидан чиқариб, чап тиззасини букди. Чап кафтининг бармоқлари билан юрак устини, оғриётган жойини ушлади, ўнг кафти билан чап қўлини босди. Шу вақт чолдевор ичида бир нарса қаттиқ тапиллади. Бундан от ҳуркиб, чап томонга кескин бурилди ва илкис йўрғасини югуришга алмаштирди. Бундай кутилмаган ҳаракатдан ўзини эгар устида ушлаёлмаган қолган Раис пастга қулади.

Раис қанча ётганини билмайди. Кўзини очганида осмонда саноксиз юлдузлар кўринарди. Ўрнидан туриб ўтирди. Шунда ўнг оёғининг зирқираб оғриётганини сезди. Жарроҳлик амалиётидан кейин бироз калта бўлиб қолган, тиззасидан букилмайдиган шу оёғи энди унинг туришига ҳам халақит берадигандай эди. Буни сизса-да, раис туришга бир уриниб кўрмоқчи бўлди, аммо оёғи зирқираб, беихтиёр «воҳ» деб юборди.

Шу «воҳ» баробарида унинг кўз олдидан ўнг тиззасининг жарроҳликдан олдинги азоблари, уни даволатишдан олдин жарроҳ билан қилган суҳбати, ухлатиш учун наркоз беришаётган ҳолати, уйғониб оёғини қимирлатиб юборганида пайдо бўлган қаттиқ оғриқ – барча-барчаси тезлатилган кино лентасидек ўтиб кетди...

...Катта ҳовлида олти оила жуда иноқ яшашарди. Топган-тутганлари ўртада эди. Бирининг рўзғорида буғдойи тамом бўлса, бошқаси ўзининг буғдойидан Тожи бовонинг тегирмонида ун тортиб келиб берар, ёғ ҳам бирининг рўзғоридан иккинчисига алмашинаверарди. Хуллас, «сеники-меники» деган тушунча бу ҳовли аҳли учун ёт бўлиб, бундан ҳаммалари бахтиёр эди. Кўнгил хотиржамлиги, кўзи тўқлиқ, бориға шукр қилиб яшаш, ҳасад ва ғайирликдан бегоналик саодати бу оилаларни кўринмас чайир ип билан бир-бирига боғлаб турарди.

Гарчи меҳмон келмаса бу ҳовлида иссиқ овқат жуда кам тайёрланса-да, дастурхондан эрталаб ҳам, кечқурун ҳам нон, майиз, туршак, сариёғ, қатиқ аримас эди. Якшанба ҳафтанинг боши ҳисобланиб, ҳар ким кучи етгунича, имкони борича бозор-ўчар қилар, оиласига яраша қўй гўшти сотиб олиб, шўрва пишириш одат эди. Эрталабдан қайнатманинг ташвиши бошланиб, байрамона тус оларди. Тонг саҳардан бозорга кетган ота ёки ўғил гўшт олиб қайтгунича уйда тандир қизитилиб, лочира ёки қатпатир ёпи-

ларди. Овқат пишгач, толтовоққа қатпатир ёки лочира тўғралиб, устидан шўрва қуйиларди. Оиланинг кексаси ёки бошлиғи болдоғи узун тол қошиқни олиб, «Бисмиллаҳ» дея икки марта тол қошиқдан иссиқ шўрвани ичгач, ичиш навбати ўнг тарафда ўтирганга бериларди. Шу тариқа тол қошиқ даврани айланар, шўрва суви тугагач, ивиган лочира ёки қатпатир шошилмасдан, оҳиста еб тугатилар, шундан сўнг майда тўғралган гўштга навбат келарди.

Қайнатма шўрва қилишга олти оиладан биронтасининг қурби етмай қолган ҳолларда бу оила аъзолари бошқасиникига чақирилиб, шўрва ўртада баҳам кўриларди. Мабодо бирон-бир сабаб билан бу оила чиқа олмаса уларга етарлича шўрва гўшти билан товоқда берилар, яъни «ҳам-соя товоқ» қилинарди. Бундай одатлар оилалар орасида қонун бўлиб қолган ва уни бузиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмас эди.

Парда раис ҳовлидагилар ўртасидаги бу иноқликдан қувониб, унинг бардавомиги учун интилар, шунинг учун бўлса керак, биров билан сўрашаганда ҳам энг яхши кўргани «Бардаммисиз?!» деган сўз эди. Баъзан бу сўз «Бардам-бавувват-мисиз?!» каби қўшалоқ ҳолда ҳам жаранглаб қоларди.

...Шундай ажойиб кунларнинг бирида ўнг оёғининг тиззаси лўққилаб оғриб, безовта қила бошлади. Аввал унчалик эътибор бермади, оғриқ кучайганида ҳам яна худди иши қолиб кетади-

гандай чидади. Ирода кучи билан оғриқни енгиб юрди. Ўз ишини сидқидилдан яхши кўриши, одамларга нафи тегаётганлиги ва бунинг баракаси кундан-кун ошаётганидан севиниш ҳисси, одамларнинг тинчини, оилавий шароитию туриш-турмушини яхшилаш учун жон куйдираётганидан фахрланиш туйғуси унга далда бўлаётган эди. «Э, бу оғриқ нима бўпти, жон оғриғи ўтиб кетади-да, руҳинг оғримасин, мана шуниси ёмон!» – деган фикр ҳам ирода кучини тўлдириб турарди. Лекин бу касал охири иситма бериб юборди, ўнг тиззаси қизариб шишиб, оёғини ҳам бука олмай, юриши жуда қийинлашиб қолди. Шиш аста-секин сон тарафга ҳам кўтарилиб, тизза қопқоғидан то тўпиғига бармоқ билан сал босса қаттиқ оғриқ бера бошлади. Шундан сўнггина Мансур тавибнинг маслаҳати билан тиззаси атрофини илиқ тузли ҳамирни қўйнинг думба ёғи билан қўшиб ўраб, иссиқ рўмолни тизза устидан тортиб боғлади. Аммо симсим оғриқ энди зирқираб оғришга айланди. Парда раис ўрнидан ҳам туролмай қолди.

Раис ана шундай бир ҳолатда иситмалаб, кенг дунё кўзига ҳаддан ташқари тор кўринса-да оҳ-воҳлашдан ор қилиб, руҳий тушкунликнинг азобини тортиб ётган маҳали хўжаликнинг кассири Туроббой ака кириб келди:

– Ҳа, Парда раис!? Сенга нима бўлди? Шундай норғул гавда, шундай куч билан аллақандай кичкина дарддан ваҳима қиялпсанми-а? Сени қараю, бу ётиш нима? Нима бўлди сенга ўзи-а?

– Бардам бормисиз, Туроббой ака?! Оёғимнинг тиззаси шишган, юролмаяпман. Қаттиқ оғриқ беряпти, иситмам ҳам бор. Дард оғирлашяпти, Туроббой ака.

– Гапингдан дардинг оғирга ўхшаяпти-ку! Давлат! Бермон қара, синглим! Шой бўлиши учун нима қиялпсизлар? Дўхтир кўрдими-а?

– Ҳали дўхтир кўрмади, ака! Кундан-кунга оғирлашяпти дарди.

– Э..э... Қани кўрай-чи! Эҳ-ҳе, анча чатоқ-ку! Бундай ётишинг яхшимас. Бир чорасини кўриш керак.

Туроббой аканинг қисик кўзлари катта очилиб, қошларининг чимирилганидан ва қорамтир юзида пайдо бўлган қаттиқ ачиниш ва ҳайронлик аломатларидан Парда раис ўз дардининг анча жиддий эканини тушунди.

Туроббой ака Парда раиснинг аёли билан ака-сингил тутинган. Бугун ҳам Туроббой ака сингилнинг ҳолидан бир хабар олай, рўзғорида камчилик йўқмикан, Парда раиснинг бунақаларга сал эътибори камроқ деб келган экан. Яхшиямки, келибди. Парда раиснинг аҳволини кўриб, уни юк машинасида бўлса-да дарров Қарши шаҳридаги вилоят марказий шифохонасига олиб борди.

– Эҳ! – деб юборди Парда раиснинг тиззасини кўрган дўхтир, – доим дард роса ўтиб кетганидан кейин келасизлар-а?! Нима деса бўлади? Жуда ажойибсизлар-да!..

Дўхтир Парда раисни дарҳол муолажа хонасига олиб кирди-да, тиззасини нима биландир авайлабгина артиб, тиззасининг ташқи тарафидаги айна қизариб, бўртиб турган терини ништар билан тилди. Шу заҳоти қуюқ йиринг отилиб чиқди.

Раис роса йиринг йиғилганидан, айниқса тилинганида ҳам оғриқ сезилмаганидан ҳайрон қолди. Йиринг чиққач, лўқиллаб жонига озор бераётган оғриқ ҳам йўқолди. У қувонганидан «э, раҳмат, дўхтир» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Икки кечаю кундуз оғриқ азобидан жабр тортиб мижжа қоқмаган Парда раис хонага ўтказилиши билан қаттиқ уйқуга кетди.

Раис уйқудан уйғонганида каравоти ёнидаги эскигина курсида сал сарикдан келган, қуюқ малла қошларига энди оқ оралай бошлаган, лаблари юпқа, ёноқлари сал қизарган дўхтир унга жиддий боқиб турарди. Тиззасидан йиринг чиқарган дўхтирни таниган Парда раис ўтирмоқчи бўлиб ётган жойидан қўзғала бошлади.

– Ётаверинг, раис, ётаверинг! Ухлаганингизда ҳам дала ишларини ўйлаб ётдингиз, шекилли, роса гапириндингиз. Хуллас, раис, энди гап бундоқ. Эшитинг, тизза суяклари чириган. Операция қилмасдан илож йўқ. Дард анча ўтиб кетган. Агар рози бўлсангиз, операцияга тайёрлаймиз.

– Майли, розиман!

Жонини қаттиқ қийнаган дарддан биратўла қутилишни «жон» деб хоҳлаётган раис ўйлаб

ўтирмасдан операцияга розилик берди. Қола-верса, кўзининг қораси, жажжи ва ширингина ўғиллари Жуманазар билан Абдуназарни тезроқ бағрига босишни ўйлаётган эди. Шу боис у операциянинг тафсилотларини ҳам сўраб ўтирмади. Балки тез-тез қадам ташлаб, чаққон юришидан ғайрати анча баланд эканлиги яққол билиниб турган ўртабўй ўрис дўхтирга ишончи ортганидан ёки унинг иссиқ истарасию ёқимли чехраси кўнглига бир хотиржамлик солганидан ҳам осонгина розилик бериб юборгандир.

Парда раис операция кунини жуда яхши эслайди. Ўшанда дўхтирнинг: «Раис, бардам бўлинг, ҳаммаси яхши бўлади», – деган сўзлари роса ёқимли чиққан, уни анча қувонтирган эди. Кейин болалик чоғлари кўзига кўрина бошлади. Узун таёқни от қилиб миниб, ошналари билан баҳор ёмғирининг кўлмакларини ялангоёқ кечиб чопиб юрганлари кўз олдидан ўтаётганида бир дағал идиш билан унинг оғзи-бурнини ёпишди-да, «Раис, сананг!» дея буйруқ беришди. Раис ўшанда нечага санаганини эслай олмайди, ўзига келганида сим каравот устига тўшалган қаттиқ мато устида ётган эди. Ўнг оёғи бир нарса билан ўралган. Қўл бармоқлари билан сийпалаб, унинг анча қаттиқ ва силлиқ эканлигини сезгач гипс деганлари шу бўлса керак деб ўйлади. Оёғини қимирлатишга уринганида эса жуда қаттиқ оғриқ сезиб, «воҳ!» деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди (Ҳозирги оғриқ ҳам худди ўша маҳалдагидай

оғриқ бўлган эди. Лекин бу сафар «Воҳ!» демади, қаттиқ ингради, холос).

Кейинчалик ўша ўрис дўхтир билан оға-ини бўлишди. Дўхтир Владимир Дмитриевич Предельский 1952 йили Москвадан Қаршига келиб қолган экан. У обрўли ва моҳир жарроҳ бўлиб, Москвада анча доврұқ қозонган, аммо туҳматга учраб, қамоққа олиниши хавфи пайдо бўлганидан кейин шу ёқларга келишга мажбур бўлган. Предельский катта операцияларни ўзи бажарар, аммо ёшларга устозлик қилишни канда қилмасди. Бисотидаги бор тажрибани ўргатишга қизғанмагани учун ҳам барча жарроҳлар уни чин дилдан ҳурмат қилишарди. Парда раис буларни дўхтирларнинг гап-сўзларию муносабатидан илғаб олди.

Бир куни у юрак ютиб, секингина сўради:

– Владимир Дмитриевич! Менинг касалим нима экан? Қандай операция бўлди? Гипсни қачон оласизлар?

– Раис, – бамайлихотир гап бошлади Владимир Дмитриевич, – Сизда сон суягининг пастги қисми, болдир суягининг боши ва тўпиқ чириган. Шунинг учун чириган қисмини арралаб олиб ташладик. Ҳозир оёғингиз гипсда. Гипсни олганимиздан кейин юрасиз. Оғриқ бўлмайди. Бироқ оёғингиз қайрилмайди, доим тикка бўлади. Аммо бу сизга қийинчилик туғдирмайди. Орадан олти ой ўтгандан кейин яна шу ерга қайтиб келасиз. Ўзингиз билан энди бир ёшдан ошган бузоқ ҳам бўлсин. Бузоқни сўямиз. Сон ва болдир суяклари-

ни олиб, сизда йўқ жойига ўрнатамиз. Аввалгидай юриб кетаверасиз.

Парда раис бу гапни эшитиб мийиғида кулиб қўйди...

Раис олти ойдан кейин шифохонага борди. Лекин бузоқсиз. Бунни қарангки, Владимир Дмитриевич ҳам Тошкентга ишга таклиф қилинган, катта шифохонада хирург бўлиб ишлаётган экан...

... Раис оёғининг оғриган жойини силаётиб, отидан хавотирда атрофга кўз югуртирди. Йўрға ўттиз қадамлар нарида унга тикилиб турар, бошини ҳар силкитганида кўзида фалакда балққан ойнинг акси шуълаланарди.

Парда раис ўрнидан астойдил турмоқчи эди, лекин оғриқ кучайди, юраги яна қаттиқ санчди. Раис секин ҳиргойи қилишга ўзида куч топди:

*Қашқа йўрға, о, Қашқа йўрға,
Ёлларингни майин тарайин.
Қувончимни яшириб зўрға,
Ғирқўкимсан дея алқайин...*

Қашқа бу товушни эшитиб, икки марта пишқирди-да, бошини қуйи эгиб, раисга яқинлашди. Раис бошини от бошига қўйиб, тиззасини сийпалади. Йўрға чўккалади, орқа оёғи билан тиззалаб, сурилиб раисга яқин келди. Раис судралганча эгарга қорни билан чиқди-да, бир амаллаб ўнг оёғини от устидан оширгач секингина: «Чух, жонивор!» – деди. От ўрнидан туриб,

уй томонга йўргалаб кетди... Шу воқеа сабаб раис уни «Қашқа йўрғам, халоскорим!» дейишдан чарчамайди.

... Парда раис ўйлар гирдобиди Мирзапўчоқ қишлоғига яқинлашганини ҳам сезмай қолди. Ҳайдалган кенг дала нақ қишлоқ ҳовлиларининг дарвозасигача тақалади. Бу ерда яшайдиганларга айниқча чигит экилгандан кейин қийин бўлади – мол-ҳолини далага туширмаслик учун сурувга ёхуд подага етаклаб олиб чиқиб қўшадилар. Шудгор учун мўлжалланган дала ҳудуди эса ҳар йили кенгайтирилади, чунки пахта топшириш режаси муттасил ошиб боради.

Раис отнинг бошини ўнгга бурди, ўқарик бўйлаб қишлоқдан олислайдиган йўлга тушди. Тунда Элмурод чавандознинг ҳовлисидан нарироқдан ўтгани маъқул. Мабодо от кишнаб қолса итлар ҳура бошлайди, кечроқ ётган одамларнинг уйқуси бузилади. Айниқса, мактаб болалари тўйиб ухлашлари керак. Улар пухта билим эгаллашлари учун яхши дам олишлари ҳам шарт.

Раис жуда яхши билади: Қашқа йўрға айна Элмурод чавандознинг ҳовлиси тўғрисида келганида бошини силкитиб, аввал пишқиради-да, кейин қаттиқ кишнайди. Ҳовли ичкарисидан эса бошқа отнинг ҳам кишнаши аниқ эшитилади. Парда раис бугун отларнинг бундай ўзаро кишнаши ҳам бошқаларга ҳалақит бермасин деб ўнгга бурилган эди. Ярим чақиримдан кейин от бошини чапроққа бурди. Лекин Қашқа, барибир, ўша ҳовли

тўғрисиға келганида йўрғасини секинлатиб, чап тарафға қараб икки-уч кишнади. Шундан сўнг ўн қадамча ташлаб улгурмаган ҳам эдики, ҳовли тарафдан бошқа бир отнинг ҳам қаттиқ кишнагани эшитилди.

«Гулистоннинг кишнаши! Шунча узоқ бўлсам бир-бирини билишади-я! Ҳа, зотдор отлар-да! Ақлли жониворларда фаросат ҳам кучли бўлар эканда-а... наслдан ўтарканда-а...» дея хаёлидан ўтказди раис.

Раис бундан бир ҳафтача бурун Содиқ чавандоз билан бўлган гурунгни эслади. У киришимли суҳбатдош, Элмурод чавандоздан ҳам кўра сўзамолроқ, воқеаларни қойилмақом, содда усулда ҳикоя қилишга уста одам эди. Айниқса, унинг сарғишдан келган юзидаги табассуми, ўсиқ қошларини сал кўтариб, «мен сизга айтсам, раис» деб салмоқлаб гапириш одати жуда ёқадди.

Ўша куни ҳам раис Содиқ чавандоз билан бирга шаҳар томонга кетишаётган эди. Отларнинг жилови қўйиб юборилган. Суҳбат қизғин. Раис хўжаликнинг келгуси режалари тўғрисида гапирарди. Тўсатдан Содиқ чавандознинг оти анча нарида кетаётган отлиқлар тарафға қараб, бошини баланд кўтариб, икки марта қаттиқ кишнади. У тарафдан ҳам жавобан от кишнаши эшитилди.

– Ҳа, Элмурод чавандоз ва оғайнилари Деҳқон-ободга кетишяпти. Катта кўпкари бор. Қаранг, раис, бир-бирини танишади-я, жониворлар!

– Қандай танишади? – ўсмоқчилаб сўради раис.

– Отларни айтаман-да! Менинг човкарим билан Элмурод чавандознинг тўриғи бир наслдан, зотлари бир-да. Раис, отларда хосият кўп. Агар насли бир бўлса, кўрганда албатта топишади. Пуштининг узоқ ёки яқинлигини эса бир-бирини искаб ажратади. Мабода пушти узоқлашиб улгурмаган бўлса, ўзаро искашади, суйкалишиб, ялаб-юлқашади. Пушти яқин бўлмаганда эса бир-икки марта искашади-да, бир-биридан узоқлашиб, депсиниб қўя қолишади. От уюрини боққанимда бунга кўп эътибор берганман. Аммо нечанчи пуштдан бундай ажралиш бўлади, буни пайқай олмадим. Билиб олардим-у, улгурмасимдан сиз мени бошқа фермага ўтказиб юбордингиз-да...

– Бу, энди, зарурат туфайли бўлди-да, чавандоз...

– Биласизми, раис, бу гап зотдор отларга тегишли, насли тоза бўлмаса, бир пуштгина ажраса ҳам бир-бирига парво қилмайди.

– Чавандоз, яхши гап бошладингиз, шу, от зотдорми-йўқми, кўпкарига ярайдими ёки ярмайдими, қандай билса бўлади? Сиз яхши синчисиз-да, шунинг учун сўраяпман...

– Мен сизга айтсам, раис, аввало, отнинг бўй-бастига қарайсиз. – жиддий давом этди Содик чавандоз. – Зотли от қаддини тик тутади, бўйнини пастга эгмайди. Бўйнини тик кўтарганида тумшуғи олдинги туёқлари тўғрисида бўлади. Чунки от кўпкарида ўмгани билан йўл очади. Ёли бўйнига ётмаган, тик бўлиб, фақат ярмидан юқориси

эгилади. Думи ҳам бироз тикрайиб, сўнг пастлайди. Бу унинг ғайратидан дарак. Агар сал эътибор қилсангиз, тез-тез узоқларга қараб олдинги чап туёғи билан депсиниб-депсиниб пишқиради. Бу унинг қуввати ичига сиғмаётганидан дарак. Зотдор улоқчи отнинг қулоқлари ораси ҳам кенг бўлади, пастки жағи орасининг кенглигига эса томоқ тарафдан муштингизни тиксангиз бемалол жойлашади. Бундан ташқари, айил тортилганида қоринбоғ билан отнинг олдинги оёқлари ўртаси бир қаричдан ошади. Бу унинг тўш суяги узунлигидан, кенглигидан, нафасининг чуқурлигидан дарак беради. Улоққа ярайдиган отнинг етим қовурғалари ҳам бўртиб-бўртиб чиқиб туради, унинг кўкраги кенг бўлади. Бундай от чарчамайди. Яна улоқчи отнинг туёқ изи тупроқда ёйилмайди, чуқур киради. Ана шундай зотдор отнинг узангисига оёқ солсангиз, албатта, у сизга «сен мени минишга лойиқмисан ёки йўқми, кўрамиз» дегандек ўқрайиб қарайди. Отга миниб, оҳистагина «Чух!» деб баланд деворга қараб ҳайданг, деворнинг олдига борганида узанги билан қорнига ниқтанг. Шунда у бўйнини баланд кўтаради, олдинги оёқларига тиралиб, ўмганини деворга зарб билан теккизади.

Мен сизга айтсам, раис, улоқчи зотдор от ўзини минмоқчи бўлган одамнинг кимлигини дарҳол фаҳмлайди. Ҳали эгарга ўтирмасидан унинг илгари кўпкари чопган-чопмагани, уста чавандоз ёки оддий ҳаваскор эканини аён илғайди. Агар

минган одам моҳир, кучли чавандоз бўлса, от бо-
шини баланд кўтариб, олдинги тўёқларини тиз-
заси бўйича баландлатиб, қаттиқ кишнайди. У
бунинг хурсанд бўлгани менинг ғайратимга, ку-
чимга лойиқ одам экан деганидир.

– Чавандоз, балки от улоқчининг бу сифат-
ларини унинг эгарга ўтиришидан англар, энди
буям бир қизиқиш-да. Уста чавандоз эгарга қан-
дай ўтиради ўзи?

– Раис, сиз моҳир, тажрибали чавандознинг
эгарга қай йўсинда ўтиришини сўраяпсиз. Аввал
боболаримиз тарихидан қизиқ бир ҳикоят айта-
ман, эшитинг-да. Эсини билган, таниган болалар
ҳам, ҳатто катталар ҳам «Улло, агар» дейишади-а.
«Улло, агар мен бундай демаганман» дея қасам
ҳам ичишади. «Улло...» дедими, тамом, шу гапга,
хатти-ҳаракатга, шу ишга ёлғон аралашмаган.
Уламоларнинг айтишича, аслида бу «Валлоҳ» де-
ган арабча қасамнинг тилимизда ўзгарган шакли
экан. Яъни «Аллоҳ номи билан қасам ичаман» де-
гани экан. Ажойиб-а!

Содиқ чавандознинг биринчи ҳикояси

Бундан бир ярим минг йиллар илгари халқи-
мизнинг ажойиб фарзандларидан бири туғила-
ди. Бу чақалоқнинг вазни одатдан ташқари тош
босганидан ташқари унинг қиёфаси ҳам ўзгача
эди. Ҳатто йиғисидан ҳам кескин буйруқ оҳанги
сезилиб турарди. Шу боис қабиланинг улуғлари

уни келгусида одамларга тўғри йўл кўрсатувчи раҳнамо, йўлбошчи бўлсин деб дуо қилишади. Шу жойда яна бир сўзимиз эсга тушди – «гана-ганада» деган бир жайдари гапимиз бор. Бу «баъзи-баъзида», «гоҳ-гоҳида» дегани. Ҳозир бу сўз анча таомилдан чиқиб қолди. Кўпчилик билмайди ҳозир «гана-гана»нинг маъносини. Майли-да, энди. Эшитинг...

...У оёғининг зилдек оғирлашаётганини сезди. Аввал тиззасидан пасти, сўнгра сон мушаклари бўшашганини туйди. Бор иродасини жамлаб, оёғини букиб-ёзишга ҳаракат қилса ҳам бунинг уддасидан чиқа олмади. Эмаклашга аранг куч топди. Кучсиз оёқлари билан у қандай қилиб саркарда бўлсин!.. Қўнғир оти бошини баланд кўтариб, думини ҳавода ўйнатиб, ёнидагиларнинг – бурнидан нарини кўра олмайдиган туманбошиларнинг ғашини келтириб, шамолдан тез елиб чопганида худди шу – ҳозирда бўшашиб шалвираб қолган оёқлари ёрдам берган эди-ку, ахир! У бўрбойи такакидан тикилган этигининг учларини чалиштириб ҳалқа ясарди-да, юзига зарб билан урилаётган шамолдан кўзларини қисиб, қиличини ўйнатганича: «Олдини ўра, ўраб ол, тез ўра!» дея ҳайқирарди-ку! Зарб билан оёқ учларини отнинг қорнига маҳкам сиқиб, бутун кучини қўлига тўплаган пайтлари-чи? Ҳайбатли қасрлари офтоб нурларида ранг-баранг товланаётган Римнинг маҳобатли дарвозаси олдида жиловни қаттиқ тортиб, этигини узангига қат-

тиқ тираб, учқур отини шартта тўхтатган шу оёқлари эмасмиди? Қўнғироқлар шовқини остида очилган дарвозадан шоҳона кийимдаги Рим папаси ўз мулозимлари билан ярим эгилган ҳолда чиқиб келиб, такаки этиги товонини уч марта устма-уст ўпганида оёқ мушакларининг таранг кучидан бармоқларининг қисирлагани ҳатто ўзига ҳам эшитилган эди-ку, ахир! Ўшанда бутун вужуди жимирлашиб, кўзига қувонч ёшлари қалққан, чуқур-чуқур нафас олиб, бўғзига тиқилиб келган ҳиссиётлар тўлқинини яшириш учун отни шартта орқага бурган эди. Шу кайфиятда айтган гаплари эса ҳали-ҳали аниқ эсида: «Эй менинг шавкатли, енгилмас биродарларим! Императур Волентиён учинчи амрила Рим папаси Левнийин биринчининг ўзи эгилиб этигимни ўпгани эвазига бу шаҳар таланмасин! Биронта биносига зарар етказилмасин! Аҳолисига омонлик берилсин!».

Қани энди ўша жўшқин куч! Бўлажак қаллиғи чап қўлини кўкрагига босиб, тавозе билан тилло гардишли косада қизғиш тусли гулоб узатди. Нимтабассум қилган қизнинг оппоқ юзига, нақш олмадек қизарган ёноқларига, ёйга менгзар қошларига, найза мисол киприкларига қаради-да, юраги қинидан чиқиб кетгудек типирчилаб, хурилиқонинг хушрўйлигидан ақл-хуши оғиб, гулобни бир томчисини ҳам қолдирмай сипқорди. Малика оҳистагина алланима деди-да ортига тисарилди. «Қувват берувчи шарбат экан. Бир оздан

кейин хузурингизда бўларкан». Тилмочдан бу гапларни эшитиб, ўзида бир ғайритабiiй дадиллик сезди-да, этигини шошилмай еча бошлади. Чапини ечиб, ўнгини тортар экан, оёқ бармоқларида сезги пасаяётгандай, тобора жонсизланаётгандай туюлди-ю, аммо буни ҳаяжондан деб ўйлади...

...Нега ичди-я шу гулобни?! Гулобсиз ҳам висол онларининг олий лаззатини бутун вужуди ва қалб туғёнлари билан тотмоқ мумкин эди-ку?! Бу тўйга етгунича қанча даҳшатли тунлару таҳликали кунларни, ғалаба қувончларини бошдан ўтказгани, бу пайтларда кўнглидан кечган ғалаёнлар, дарду изтироблар фақат ўзигагина аён...

...Икки йилгина муқаддам – 452 йили – фарангларнинг бош шаҳрига кириб борар экан, шоҳ кўчанинг икки тарафида равон тизилган Париж аҳли олдидан эгардан оёқларини осилтириб, отининг жilовини маҳкам тутганча қўлидаги яроғини ўйнатиб ўтар экан, хурсандликдан кўкси Хон Тангри чўққиси мисол юксалган эди-ку!

Ўшанда у кенг ва гум Идил дарёсидан ўтиб, тезоқар, шўх Танаис дарёсини ҳам ортда қолдириб, биринчи бор ёғий навкарларига дуч келди. Душман аскарлари яхши қуроолланган, бироқ уларнинг иккала оёғи ҳам отнинг ёки чап, ёки ўнг тарафида эди! Бу ҳолни кўриб у орқасига шарт бурилди-да, тез-тез гапирди: «Эшитинглар! Ёғий рўпарамизда. Уларнинг от устида ўтиришлари

жуда ғалати. Балки улар бу билан бизга фириб бермоқчидир. Эрмон! Гапимни эшит! Йигитларинг билан жангга кириш. Кучинг етса, эпини қилсанг, қириб ташла! Фириб ишлатаётганларини сезган маҳалинг ортга чекин. Биз жангга шайланиб турамыз. Қани, олға бос! Тангрининг ўзи сени қўлласин!

Оёқлари отнинг бир тарафида бўлгани боис зарб билан қиличлаша олмаётган, найзанинг енгилгина турткисидан от устидан осонгина ағдарилаётган ёғий тез ва ҳеч бир қийинчиликсиз бир ёқли қилинди.

Ёғий аскари шалвар ўрнига этаги тор узун кийим кийган, шу сабабли улар оёқларини кенг ажрата олмас, отнинг бир тарафига осилтиришдан бошқа иложлари йўқ эди. Буни кўриб, узун, кенг ва қалин чалвор ўз навкарларининг жангда ғоят устун келишига сабаб бўлганини тушуниб етгач, Оттиланнинг қалби худди тўлқинлари қирғоққа шиддат билан урилганча тўлиб оқаётган Энасой мисоли жунбушга келди. Ҳа, ёғий навкарлари учун отлар фақат манзилга тезроқ етказувчи улов сифатида хизмат қилар экан. Отларнинг жуганларсиз, фақат нўхталар билан бошқарилиши ҳам бунга далил эди.

Отни нўхталаб минишни Сом бобомиздан ўрганган экан-да булар? Аслида отни улов сифатида илк бор Улуғ Нуҳ алайҳиссалом қўлга ўргатган. Отни бошқариш учун жағи ва бошини айлантириб боғлаб, бошини чапга ва ўнгга тортиб буриш

учун сирғалиб чиқиб кетмайдиган чилвир тортмоқ қўллаган эса Сом бобомиз. Шундан сўнг бу нўхтанинг доврўғи кунботаргача ёйилган.

Бундан 21 йил олдин бўлган бир воқеа унинг хаёлида гавдаланди...

Қўшни қабила ва уруғ бошлиқлари билан иттифоқ тузиб, хоҳламаганини куч билан бўйсундириб, марказлашган эл ташкил қилишда кўрсатган жасорати учун қурултой уни улуғ етакчи қилиб сайлади. У қурултой оқсоқоллари олдида қасам ичди:

«Элатим орини сақлашга ва шаънини ҳимоя қилишга Улуғ Тангри номи билан қасам ичаман. Агар қасамимни бузсам, элим белгилаган ҳар қандай жазога тайёрман!»

Муқаддас қасамнинг эртаси куни тонг чоғида – қуёш тоғ ортидан чарақлаб энди кўтарилаётган маҳали жуссаси шердай, келбати айикдай, юзидан меҳр балққан отаси унинг билагидан кучли чайир бармоқлари билан маҳкам сиқиб ушлади-да, рўпарадаги тик тепаликнинг энг баланд ва сўлим жойига бошлаб чиқди. «Ўғлим! Сен Тангрининг инояти билан саркардасан», – ҳаяжондан титраб чиқди отанинг овози. Аммо у буйруққа хос кескин оҳангида давом этди: «Сен туғилганингда кўз қарашларинг ўткир ва дадил, жуссанг тош босадиган, чап қўлинг кафти очиқ, ўнг қўл бармоқларинг мушт бўлиб қаттиқ қисилган эди. Фазилатли ўғлон эканингни сезиб, қабила бошлиқлари бир бўлиб сенга хайрли исм

излаганмиз. Чап қўлингнинг очиқлиги оққўнгил ва сахийлигингдан, ишонувчан эканингдан дарақ берса, ўнгининг мушт бўлиб тугилгани рақибларга ўта шафқатсиз бўлишингни билдирарди. Шуларни инобатга олиб, келажакда баланд мартабаларга эришишингни яхши ният қилган ҳолда оқсоқоллар сенга Оттила, яъни қувонч келтирувчи, бахт келтирувчи деган исмни танлашди. Тангрим бунга хайрихоҳ эканми, мана, сен чиндан ҳам бугун элни яхшиликка бошловчи етакчига айландинг. Энди шу элатнинг тинч-омонлигини муқим сақлаш сенинг олий вазифанг. Аммо бундай мушкул ишни эплашинг учун ёнингда жасур ва ботир, жанговар аскарлар бўлмоғи шарт. Уларнинг жанг маҳорати юксак бўлишига диққат қилгайсан. Мана шу булутларни елкасида кўтарган юксак тепаликдан олис-олисларга қара. Атроф айлана яққол кўриняпти. Элнинг ғами, дарди, орзуси, ташвиши, қувончию шодликлари сенга худди шундай яққол ва аён кўриниб турмоғи зарур. Фақат шундагина элингнинг бирлигини, жипслигини сақлай оласан. Шу айтилганлар миёнга суқилган темир қозикдай маҳкам ўрнашиб қолсин! Бу оталик ва устозлик насиҳатим!»

Эртасига навкарлар билан машғулот ўтказаетганида ҳам отаси ёнига келди-да, унга ҳали минилмаган асов ғўнон тулпорнинг нўхтасини тутқазди. От бениҳоя келишган, салобатли, ўмгани олдинга туртиб чиққан, кўзлари синовчан чарақларди. Ғайрати танасига сиғмай гижинглаб,

ер тепиниб, бошини гоҳ чапга, гоҳ ўнгга кескин силкитиб-силкитиб, пишқириб-пишқириб нафас олар, нўхтасини узиб юборгудай тортиб-тортиб, олдинги оёқлари билан чим ерни ўпириб, сўнггра олд оёқларини баланд кўтариб, осмонга сапчирди. Оттила ўта чаққонлик билан от тўқими устига карсонини ташлаб, унинг кўкрагини тиззалари, қорнини болдирлари билан қаттиқ сиқиб, нўхтанинг учини чап қўлига маҳкам ўраб олди, сўнг ўнг қўли билан тулпорнинг бўйнини айри қилиб мустаҳкам ушлаганча нўхтани бир силтаб, «чуҳ» дея этигининг учи билан от қорнига енгилгина туртди.

Вўнон ҳам худди шуни кутиб турган экан шеклли, аввал ўгирилиб, Оттилага ўқрайиб қаради-да, сўнггра шиддат билан силтаниб сакраганча шитоб билан уча кетди. От шунчалик тез чопар эдики, Оттиланинг қулоқлари тагидан шамол шовқин солиб чийиллаб ўтар, у кўзларини қаттиқ қисиб, липиллаб ўтаётган кичик-кичик тепаликларни фақат киприклари орасидангина зўрға илғарди. Маҳоратини оширмақ ниятида терлаб-пишиб, ғайрат билан машқ қилаётган навкарлар ҳам аллақачон кўринмай қолди. Оттила кучли билакларига нўхтани маҳкам ўраб олгани туфайлигина от тўқими устидан сирғалиб тушиб кетишдан сақланиб борар эди. Шу боис у энди отнинг бўйнини икки қўллаб маҳкам қучоқлаб, этиги пошнасини отнинг учасига тираганча жойлашиб олди. Чунки у отнинг чарчаб

тўхташини кутишдан бошқа илож йўқлигини тушунган, ягона мақсади тўқим устидан сирғалиб тушиб қолмаслик эди. Аммо тулпор тезлигини пасайтиришни ўйламас, ўнқир-чўнқирларни писанд қилмай, катта-кичик ариқлардан ҳам чаққонлик билан сакраб ўтар, нўхтанинг чап ва ўнгдан қаттиқ тортилишига ҳеч парво қилмасди. Шу тариқа улар рўпарадаги жарликка ҳам яқинлашиб қолишди. Бу жарлик анча кенг ва чуқур, тулпорнинг ундан сакраб ўта олмаслиги аниқ эди. Шу боис ғўнонни тўхтатиш ёки жарликка етмай туриб буриб олмоқ керак. Акс ҳолда иккаласи ҳам жарга қулайди. Оттила жон-жаҳди билан нўхтани отнинг чап бўйни устидан ўнг томонига ўтказди-да, қаттиқ силтади. От бўйнини чап томонга қайириши билан унинг тумшуғини ўзи томонига яна бироз оғдирди-да, кўрсаткич бармоғини ғўноннинг лунжига тиқиб, қаттиқ тортди. Тулпор шунда кўзлари қинидан чиқиб кетгудек у тарафга қаради. Отнинг қорачиғи роса кенгайиб, унинг тубида нимадир ялтираб, қизил, сариқ, яшил бўлиб товланди. Оттила бунинг сабабини англай олмаган бўлса-да, отнинг шиддат билан чапга қайрилганидан суюниб қичқириб юборди: «О Тангрим, бахтим бор экан!».

Тулпор эса жарликка тескари тарафга қараб югуришда давом этди, у яна тезлигини тобора оширар эди. Шунда Оттиланнинг хаёлига ажойиб фикр келди. У отнинг тўқими устига қорни билан ётди-да, оёқлари билан тулпорнинг қор-

нини қисганча узалиб, кўрсаткич бармоқларини отнинг жағига икки томондан тиқиб, эгди. Шундагина от унинг амрига бўйсун бошлади: чап лунжини тортса – чапга, ўнгини тортса – ўнгга бурилар эди. Иккала лунжини биргаликда тортганида эса тулпор кескин тўхтади. Оттила энди тулпорининг тўлиқ хўжайинига, ғўнон эса мутлақо унинг асирига айланганди.

Шундан сўнг Оттила навкарлар томон қайтиб, улар орасига шиддат билан кирди-да, суворийлик маҳоратини намойиш қила бошлади. У отни гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга буриб, гоҳида бирдан тўхта-тиб, яна шитоб билан олдга сакратиб чоптирар экан, отни бунчалар усталик билан, тез ва чаққон бошқараётган инсонни илк марта кўраётган навкарлар ҳайратга тушиб, фақат «Оттила! Оттила!» дея баравар қичқиришарди.

Оттила отаси унга асов ғўнонни тутқазганида нималарни мақсад қилганини, ҳаётда арава-ни аранг тортаётган чўбир отдек депсиниб эмас, балки учқур тулпордай шижоатли ҳаракат қилмоғи зарурлигига ишора қилиб дуо берганини англади!

Шу баҳона эса отни бармоқлари билан бошқариб, янги усул кашф қилган Оттила уни янада қулайлаштириш ҳақида ўйлай бошлади. У худди бармоқлари каби отнинг жағлари тубидан ўтадиган, отнинг лунжини ташқари тортиш имконини берадиган темир илгак ясади. Унинг учларига ҳалқа кийгизди, ҳалқадан эса чилвир ўтказиб, от

бўйнининг икки тарафидан келган чилвирнинг учлари ушлашга қулай қилиб бириктириб боғлади. Энди ушбу темир илгакли тортмоқ ёрдамида отларни ўнгу чапга чаққонлик билан бошқарар, шиддат билан орқага қайириш мумкин эди.

Бундай қулайликка эга бўлган навкарлар ҳам энди отни эркин бошқариб, қўлларидаги найзаю қилични ўнг ёки чапга эпчил алмаштириб ўйната бошлашди. Шу тариқа улар ўта моҳир отлик жангчиларга айландилар. От устида қилич солиш, найза ўқталиш, санчиш, улоқтириш, рақибни от устидан арқон ташлаб ерга ағдариш машқлари айна қизиётган кунларнинг бирида Оттиланнинг кўзи отасига тушди. У ўғлига машқларни бир пас тўхтатиб туриш ишорасини қилди. Навкарлар тўхтаб, жамландилар. Отанинг товуши баланд ва дадил, ўктам ва шиддатли жаранглади: «Ўғилларим! Мен темир илгакли чилвир тортмоқни узоқ вақт синадим. Темир илгак отнинг жағи орасидан ўтказилганида тулпорнинг оғзидан сув ажраларкан. От бақувват, чопқир, ўйноқи, чаққон бўлса, сувнинг ажралиши кўпроқ бўлади. Сувнинг ажралмай қолиши эса отнинг чарчагани белгиси. Бундай ҳолдаги от жангга ярамайди. Ана шуни билиш имконини бергани учун мен бу темир илгакларни «сублиқ» деб номладим.

Ўғилларим! Тулпорнинг сублиқли тортмоғини сал тортиб, «чух!» десангиз шунинг ўзи етарли. Сизни истаган манзилингизга элтади. Гана-ганада уни тортиб, елкасига шапатиласангиз, тезли-

гини оширади. Ганада тортмоқни қаттиқ силтаб «чух!» дея ҳайқирсангиз, сакраб, шамолдан тез учади. Шу тариқа сувлиқли тортмоқ сизни ай-ғирнинг тўлиқ эгасига, ҳукмдорига айлантиради. Мен уни «чухган» деб атадим.

Фарзандларим! Улуғ Ёфас бобомиз не-не асов тулпорларни ўз измига тўлиқ бўйсундириб, моҳирлик билан бошқариб, жангда топқирлик кўрсатган жасур ботирларни «Хунғиротларим!» дегувчи эдилар. Отнинг бошида сувлиқли чухган бўлиши ҳаммангизни Хунғиротларга айлантирди.

Хунғиротларим! Сизларга сувлиқли чухган (жуган) муборак бўлсин!»


Кунлардан бирида Оттила кичик саркардаси Туромонни чақирди. Зийрак саркарда дарҳол ҳисоб берди: «Нўхтанинг ўрнига от бўшига жуганнинг солиниши бизни отнинг тўлиқ хўжайинига айлантирди. Ана энди тўқим панд бера бошлади. Навкарларимизнинг от устидаги шиддатли ва қалтис ҳаракатларидан тўқим икки ажралиб, жангчини қийин аҳволга солиб қўймоқда». Иккинчи саркарда Эрмон ҳам бу гапни тасдиқлади.

Кенг дала.

Айни ёз фасли.

Атроф ям-яшил...

Ям-яшил яйлов бағрида ҳар замонда йилқилар кишнашар, ўйноқлаб, ўзларидан сал узоқлашган қулунларини чақирганча ер депсиниб қўйишарди. Оттила қулунлар ва тойчоқларнинг сакраб-сакраб ўйноқлашига бир пас ҳавас билан тикилиб туриб,





Туромон ва Эрмонларнинг елкаларига мушти билан эркалаб уриб-уриб қўйди-да, секин деди:

– Балки тўқимнинг устига мустаҳкам, бақувват қаттиқ буюм қўйиш керакдир?.. Ўйланглар! Элимиз учун қиладиган ишларимиз ҳали кўп.

...Ҳа, ўшанда уларнинг елкаларига мана шундай қилиб муштлаган эдим-а, дея қўлини юмшоқ тўшакка зарб билан урмоқчи эди, бироқ қўлини, ҳатто бармоқларини ҳам қимирлата олмади. Наҳотки, энди шу тўшакдан туриб кета олмаса? Нима қилса экан? Ахир дарди жуда оғирлашяпти-ку! Содиқ хизматкорлари қаёқда? Хос тан соқчилари қайга йўқолди? Наҳотки, ундан хабар олувчи ҳеч ким бўлмаса?!

Оттила ҳеч ким ҳолидан хабар олмаётганидан, ёғий тузоғига тушиб қолдим, шекилли, деб ўйлади. Бақирмоқчи эди, бироқ товуши чиқмади. Бир вақтлар бу товуш саси неча туман аскарни оёққа турғазар, отлиқларни сафлантирарди. Минг-минглаб одамларни бош эгдириб, таъзим қилдирар, юкунтирарди. Қанча одам унинг ҳар бир амрни жон қулоғи билан тинглар, югургилаб қолар эди. Энди эса бир тутам гўшт ва суяк бўлиб, юмшоқ тўшакда қимирлашга ҳам ожиз ётибди. Бардам ва дадил, жарангдор овози ҳатто шивирлашга ҳам қодир эмас...

...Навкарларнинг гапида жон бор эди. От устида маҳкам ўрнашиб олиб жанг қилиш учун чидамли, оғиб кетавермайдиган, орқа ва олдга сурилмайдиган мустаҳкам ўриндиққа ростдан ҳам эҳтиёж

бор. Оттила бу ҳақда кечаю кундуз ўйлай-ўйлай қаттиқ ёғочли дарахт кесмаларидан ясаладиган, устига тери қопланадиган ўриндиқ ясаш керак деган хулосага келди. У тўқим устига қўйилиб, отнинг кўкрагига камар билан айлантириб маҳкамланади. Тажрибалар ҳам муваффақиятли чиқди, бу ўриндиқ навкарларга ҳам жуда ёқиб қолди.

Ўн минг отлиқ шаввоз айлана бўлиб текис сафланди. Навкарлар бир хил кийинган, бир хил қуролланган. Оттила қўшинга синчковлик ва эътибор билан назар солди. Туромон ва Эрмонларга бошини ирғаб, хурсандлигини билдирди. Унинг ўктам ва йўғон, баланд ва жарангдор овози янгради:

– Эй менинг азиз биродарларим! Содик навкарларим! Барчангиз от белига камар билан ғоят берч боғланган ўтирғични синовдан ўтказдингиз. Саркардаларнинг айтишича, бу ўтирғич жангчининг от устида мустаҳкам ўрнашиб, эркин ҳаракат қилишини таъмин этади, жанговарлик маҳоратини оширади. Мана шу ўтирғични «эгар» деб атагаймиз. Ҳаммамиз «Тангри номи билан қасам ичаман, агар шу сўзим ёлғон эрса, хиёнат қилсам, эл ва элатимнинг қаҳрига мубтало бўлғум» дея онт ичганмиз. Барчамиз бу қасамга содиқмиз. Ҳали орамиздан бирон қасамхўр чиқмади ва чиқмас ҳам. Бас, эгарга хиёнат қилиш ҳам қасамни бузмоққа тенг ҳисоблансин!

Шу заҳоти Туромон ва Эрмон «Тангри, тангри!», «Эгар, эгар!» дея ҳайқиришди. Қўшин ҳам бу сўзларни баланд товушда такрорлар, кенг

даштликда бу сўзлар жаранги тўрт томонга баравар таралмоқда эди. Оттила ўнг қўлини баланд кўтарди. Қўшин жим бўлди. Оттиланинг товуши гулдиради:

– Эгарларимизнинг тагида «чилгир» бор. У отнинг белини майиштирмайди, эгарни мустаҳкам ва турғун тутади. Нега уни «чилгир» дедим? Базимиз пайтидаги курашимизни эсланг! «Чилгир» дегани ёғий лашкарларининг белидан чил солиш дегани. Шундай чил солингки, ғаним осмонда бир гириллаб ерга гурсиллаб тушсин, то вони ёрилиб кетсин! Биз билан яроғ олиб кураш тушганига минг пушаймон бўлсин! Бизнинг бошимиз эса тошдан бўлсин!

«Тошдан бўлсин! Тошдан бўлсин!» деган ҳайқириқлар атрофни ларзага солди.

...Оттила шуларни ўйлади. О, қандай лаззатли онлар эди у кезлар!.. Аммо у даврларга фақат ҳаёлдагина қайтиш мумкин, жисми эса қайтмас...

...Қора отини шамолдай елдириб келаётган чағдовулни кўрган аскарлар бир қимирлаб, эгар устига янада маҳкам ўрнашиб олишди. Баронғор томонда гилар ҳам, жавонғор тарафдагилар ҳам ясовулнинг ишорасидан сўнг сафларини текислаб, қилич дастасини маҳкам сиққанча, қамчиларини бир силкитиб олдилар. Нимадир юз беришини сезган тулпорлар узоқ-узоқларга тикилишар, пишқириб, депсиниб, бошларини сал қийшайтириб, ҳеч хавfli нарса йўқ-ку, нега ортиқча безовта қиялпсизлар дегандек, эгар устидаги эгаларига ўқрайиб қарашарди.

Оттила эгар устидаги аскарларга, отларга хотиржам назар солди. Отлар дам олган, чопқирликда панд бермайди, чайирлиги боис чарчамайди ҳам. Тулпорлар сувлиқни оғзида бир чапга, бир ўнгга силжитиб, ютиниб-ютиниб, думларини силкитиб-силкитиб, оғирликларини бир оёқдан бошқасига дам-бадам алмаштириб турарди. Оттила англадики, шу алпозда аскарлар жуганни бир тортганча силкитиб, эгар устидан шиддат билан бир кўтарилиб ўтириш билан оғирликларини тулпорига билдирганча сал энгашиб «чух!» дейишса бас, шитоб билан олдинга отилади. Ёғий отлиқларини кўрганида эса оёқларини олд тарафга кескин ва илдам узатиб, бошини сал пастлатганча тезликни яна оширади, гўё ғаним отларига ўзининг ғайрати қайнаб тошаётганини, улар билан рўбарў келганида ўмгани билан қаттиқ зарба бериб, отни ҳам, унинг эгасини ҳам ерга қулатишга қодир чайир тулпор эканини кўрсатмоқчидек ҳаракат қилади. Шундай бўлмоғи Оттилага тажрибан аниқ.

Чағдовул қора қўнғир тулпорни елдириб келиб, Оттиланинг тўғрисиغا келганида жуганни қаттиқ тортди. Тулпор олдинги оёқларини баланд кўтариб, бошини чапга, эгар тарафга қайирганича кескин тўхтади. Эгар устига елимлаб қўйилгандек маҳкам ўрнашган чағдовул қилт этмади, бироқ бошини ярим эгиб таъзим қилди-да, сал шошиб, лекин ўктам овозда ҳисобот берди:

– Саркардам! Уст-ғўтлар экан. Кўшини тахминан йигирма тумандан сал ортиқ. Ҳаммаси от-

ларда. Яроғлари қилич ва найза. Совут ва қалқон билан ҳимояланган. Отлари ажабтовур нўхталанган, жабдуқланмаган. Устида фақат тўқим. Тахминан чошгоҳда шу ерда бўлишади.

Оттила чағдовулга диққат билан назар солди ва унинг хатти-ҳаракатларидан мамнун эканини билдирганча отини ниқтаб, йигирма қадамча олдинга чиқди-да, оқ саманнинг бошини орқага қайирди:

– Лочинларим! Чошгоҳда жангга киришамиз. Икки чақиримча орқага юриб, катта газанинг устини эгаллаймиз. Олдимизда кенг сайхонлик. Ёғийни ўша жойда кутамиз. Ўйланглар: тўқим зўрми ё эгар? Нўхтами ёки жуган?! Бироқ дадил ва жасур бўлмасангиз эгарнинг тўқимдан, жуганнинг нўхтадан фарқи бўлмас. Савашда албатта биз ғолиб бўлажакмиз!

Сурон авжга чиқди.

Оттила шошмасдан тепалик тарафга қайтар экан, лашкарбошиларни ўз ёнига чорлади:

– Газада ўн туман ҳировул аскаримиз ёғийга яққол кўриниб турсин. Баронғор ва жавонғорлар эса пастда – панада тургай. Токи ёғий аскарларимизни оз деб ўйлаб, осонгина енгилса, сайхонликдан от чоптириб газлага кўтарилсин. Душманнинг ярми тепанинг белига келганида биз шитоб билан пастга энамиз. Бир оз саваш қурамиз. Сайхонликда ёйилган ғаним аскарлари жамланиб ҳужумга ўтганида эса биз ортга чекинамиз. Шу пайт баронғор ва жавонғор

римиз ёғий ортидан ҳужум қилади. Оптимиздан ҳужумга ташланган ёғий отлари айна тезлашганида тулпорларимизни шартта қайириб, қалқон ва найзалар билан ҳимояланурмиз. Шунда душман отлари ва найзалари тулпорларимиз ва қалқонларимизга урилур. Ана шунда улар отлар тўқими устидан ерга қуларлар. Ортдагилари ўзларига урилиб юмалагайлар. Сувлиқ, жуган ва эгаримиз бизга устунлик бергай. Тангри бизга мададкор бўлгай!

Жанг тугади. Отдан ағдарилган ёғий аскарлари тавбасига таяниб, бошларини эгиб турарди. Уст-ғўтларнинг эгасиз қолиб ҳар тарафга тарқалиб кетган отларини Оттила ўз уюрига қўшиб олди.

Бош эгиб турган ёғий лашкари олдида икки улуғ ясовул қўллари икки ёнбошига чандиб боғланган қарияни қамчи дастаси билан туртиб Оттилага бош эгиб таъзим қилишга мажбурлаётган бўлса-да, у парво қилмай, дадил ва тик боқиб турарди. Оттила унинг юз ифодасида кўрқувдан ҳеч нишона йўқлигига, кийимларининг зийнатланганига эътибор берди. Ясовулар улуғидан сўради:

– Бу ким?

– Искифлар ва сарматларнинг заифлашгани ҳамда сийраклашганидан фойдаланиб, уларга ўз ҳукмини ўтказган, зулмини кўргазган, Фракия, Мақдуния, Юнонистон шаҳарларини талаб ўт қўйган, Исловон ва Варёг элатларининг қонини ичаётган уст-ғўтлар ҳукмдори Армонорех шул эрур.

Оттила отини ниқтаб унга яқинлашди, бир пас кўзларига тикилди. Кўзлар тўқнашди. Оттиланинг қалбида тушуниб бўлмас аллақандай ғалаён бошланди. Тулпори бир қадам ортга чекинди. Оттила жуганни тортиб, қиличининг дастасини сиқиб ушлади:

– Хукмдор, ёшингиз нечада?

– Юздан ошдим.

Оттила қиличини шарт қинидан суғурди. Жуган қаттиқ тортилганини сезган тулпор кескин орқага бурилди-да, олдинги оёқларини баланд кўтариб сакради, қаттиқ кишнаб, сувлиғини чайнади. Қиличини баланд кўтарган Оттиланинг шиддатли ва жарангдор овози барчага баравар эшитилди:

– Юз ёшдаги қариянинг ўз қасамига содиқ қолиб, саркарда ўлароқ савашда қатнашмоғи юксак ҳурматга лойиқ. От келтиринг!

Гижинглаб ўйнаб турган тўриқни келтиришди.

– Арқонни ечиб, хукмдорни отга мингдириринглар!

Икки улуғ ясовул Армонорех боғланган арқонни қиличлари билан кесиб ташлаб, унинг отга минишига ёрдамлашмоқчи бўлишди. Шунда у: «Бас!» ишорасини қилди-да, ўзи отга миниб, Оттилага аста бош эгди.

Эгарда ястаниб ўтирган Оттила баланд кўтарган қиличини ҳавода кескин зарб билан силтади-да, яроғини ялтиратиб боши узра баланд кўтарди:

– Армонорех! Сиз озодсиз! Сиз билан бирга бўлишни хоҳлаган ҳамтовоқларингиз ва аскарларингиз ҳам асирликдан озод!

Армонорех отнинг ёлига қадар эгилиб таъзим қилди. Унинг кўзида марварид доналаридек оқиб тушаётган ёшни кўриб, Оттиланинг қалбидаги қаҳр ўрнини меҳр эгаллади:

– Ясовуллар! Айтинг! Биз билан бирга бўлишни хоҳлаган ғаним аскарларини сафимизга қўшамиз. Хоҳиш билдирмаганларнинг ҳам эрки ўзларига ҳада, фақат отсиз ва яроқсиз.

Бу сўзларни эшитган, уст-ғутларга мажбуран қўшилган Искифлар, Аланглар, Сарматлар қийқириб, кучоқ очиб Оттила навкарлари томон интилди. Чувуллаб, бетартиб чопаетган ва бир-бирлари билан кучоқлашиб биродарлашаётганларни кўриб, «Ёфас ўғлонлари!» деганди ўшанда Оттила севиниб.

Базм авжида. Ислован ва Варёғ элатларининг етакчилари бирин-кетин тизилишиб, Оттилага букилиб таъзим қилган ҳолда унинг қўлини ўпиб сафландилар. Етакчиларнинг барвастаси ўртага чиқди:

– Эй олийнасаб Оттила! Уст-ғутларни ажойиб ғазо ила мағлуб этдингиз. Бизларни шармандали тобеликдан халос этиб, тутқунлик занжирини парча-парча қилиб узиб ташладингиз. Қузғунларни ер тишлатиб, уларга заминни тавоб қилиш нималигини ўргатдингиз. Инъом этилган ойдин саодат Ислован ва Варёғ элатларининг авлод-аж-

додлари томонидан абадий унутилмагай. Унутсак, Тангри ғазабига дучор бўлиб, даҳрийлик азобига учрагаймиз. Бугун севинчимизнинг чеки йўқ. Бизда сиздагидай шоҳона безатилган кигиз ўтовлар йўқ, қасрларга гадомиз. Базмингизга базм қўшмоқчимиз, холос. Қани, ўғлим, сенга навбат!

Сочлари елкасига тушган, малла соқолли барваста йигит силлиқланган икки таёқни бир-бирига уриб, баъзи-баъзида ўтириб туриб, ҳирқи-роқ овозда қўшиқ бошлади:

*Кўл қирғоғида тебраниб,
Турарди эскирган қайиқ.
Ўрмон четида хумрайиб,
Боқарди бир кулранг айиқ.*

*Мен балиқ ушлайман дедим,
Айиқнинг нияти бошқа.
Шу кун таъзимимни едим,
Шўр пешона бўлди қашқа.*

*Мен емоқчи эдим балиқ,
Айиқ эса ширин асал.
Асал бер деб қувди айиқ,
Чора топмай бўлдим ўсал.*

*Қайиқдан тез сузди айиқ,
Менда эса қолмади куч.
Парча-парча бўлди қайиқ,
Айиқвой олди мендан ўч.*

*Кулбам сари қўйдим қадам,
Шағал-қумни боса-боса.
Балиқ емай тўйдим, ўлай,
Хотиним қарғади роса.*

*Қилинглар дедим муроса,
Чиқиб кет деди хунаса.
Базмингизга келдим мана,
Узатинг майдан бир коса.*

Йигит қўшиғини тугатиб, бир пас жим қолди, бошини бир силкиб олди:

– Мен асли сарматларданман. Бобом ва отам Варёғ қавмларидан уйланган. Анча йиллар ўтмиш, аммо биз сарматларнинг кўпи ўз тилимизни унутмадик. Шу қўшиқни тоғамдан эшитиб, ўз тилимга ўгирдим. Сизлардан ўта миннатдор-миз. Ёўтлар бизнинг қаддимизни букди. Сизлар эса озодлик, эркинлик бердингиз. Сизлар... сизлар...

У сўзларини охиригача тугата олмади. Бўғзига тиқилиб келган йиғи йиллар давомида бижғиб ётган қайғу аламини баралла айтишига халақит бераётган бўлса-да, унинг ғурури паймол этилгани шу ҳолатидан ҳам аён эди. Ўғлининг шундай аянч ҳолда бўшашиб туришига отасининг ори келди, шекилли, уни қўлидан тутиб, чеккага олиб чиқди. Аммо унинг ҳам кўзлари нам эди.

Даврада йигитлар чопиб, сакраб, ирғишлаб, йўртиб, айланиб ўйин тушганларидан кейин гу-

риллаб ёнаётган оловга жуда яқин келган бахши дўмбирасини сайрата бошлади. Шўх, жарангли оҳанг аста-секин ўзгариб, елвизакнинг кенг далада шивирлашини, қамишнинг шабадада шитирлашини, тўқайнинг шамолда шовуллашини, Энасой, Ўкуз, Яксарт, Идил, Танаис дарёлари сувларининг шарқирашини, тулпорлар кишнашининг жарангини эслатар, қавмдошларини хаёллар денгизига ғарқ айларди.

Бахши қўшиғини шундай бошлади:

*Бургутдан учқур отим бор,
Хунғирот деган зотим бор.
Энасойдан кенгроқ қалбим,
Енгилмас бўри тотим бор.*

*Чандир қўлимда яроғим,
Отим ёрим – қароғим.
Юрагимда юртим яшар,
Абадий ўчмас чироғим.*

*Йўлбошчи дарғалар суюк,
Эмасдир бағримиз куюк.
Туркийлар бирлашди иноқ,
Бу кунда буюкмиз, буюк!*

Бахши турган жойида бир қимирлаб олди-да, ҳам дўмбирасининг жарангини, ҳам торларининг оҳангини ўзгартириб, товушини баландлатганча қўшиғини авж олдирди.

*Саман, тўриқ қашқаю бўз,
Тулпорларим кўкда юлдуз.
Узоғимни қилар яқин,
Таянчим кечаю кундуз.*

*Жангда тобланди улуғинг,
Чопқирларинг ҳам қувлиғинг,
Омон қолдим мен неча бор,
Жонаро кириб сувлиғинг.*

*Тулпорлар зотидан човкар,
Белинг безар пуштан-эгар,
Аҳволим не кечар эди,
Сакрамасайдинг сен агар.*

*Кўлимда бўлса жуганим,
Ҳадиксирар айёр ғаним,
Таянчим, суянчиғимсан,
Тулпорлар ичра саманим.*

Давранинг нариги тарафидан чиқиб келаётган шоп мўйловли йигит ўзига ирғитилган дўмбирани чаққонлик билан илиб олди-да, бахшининг ўнг ёнбошига келиб унга қўшилди. Дўмбиранинг ярим шўх, ярим ҳазин оҳанглари, айтилаётган жўровоз қўшиқ қавмдошларни ром айлади:

*Кенг газа ... бийдай, у ... дала,
Охирида қаср-қалъа,
Мени соғинган нигорим
Кутавериб қилар нола.*

Сакраб ўйнар, ай арғумоқ,
Изларидан ўпар тупроқ,
Кўзларининг ёнишидан,
Юрак-бағрим қувнар қўпроқ.
Нола айтма, бўлди, гулим,
Қара, атроф қандай сўлим,
Тез кунда сочларинг силар
Жуганни ушлаган қўлим.
Арғумоғим, жон тулпорим,
Сенсан менинг номус-орим,
Етакла мени юрт томон,
Кутар мени хумор ёрим.
Қувнайвер, қувна, айғирим,
Сенга таниш газа, қирим,
Келдим-а, ёрим, ёнингга,
Йўллар бўлди минг чақирим.
Ана... ана етиб келдим,
Келдим-у қувончга тўлдим,
Ўғлимнинг бўй-бастин қўриб,
Бағрингда бахтимдан кулдим.
Юрт соғинчи қаттиқ экан,
Ғайри гаплар бағрингга тикан,
Ранги-рўйи сўлғин бўлар,
Юрт ишқида кўнгли чўккан.
Элнинг тинчи-менинг борим,
Ширин ухлар тойчоқ-норим,
Эрта фаровон бўлғуси,
Юртнинг ори менинг орим.

Базм ўшанда эрталабгача давом этди.

...Оттила ҳозир бахшиларнинг ўша сўзларини эслар экан, айтилган қўшиқ мазмунига энди чуқурроқ тушуниб етди, бегона юртда оғир аҳволда тўшакка михланиб ётиш ҳаддан зиёд азоб эканини юракдан ҳис қилди. Тезроқ юртнинг шамолидан бир марта нафас олишимга ёрдам беринглар, биродарларим, демоқчи бўлар, бироқ бунинг уддасидан чиқа олмай жони тўлғанмоқда эди. Нима ҳам қилсин...

Нафас олиши оғирлашаётганини, юрак уриши бесаранжом эканини сизди. «Юрагим нега безовта, бирор ёмонликни сезяптимикиан, наҳотки?..» ўйлади ўзича. Шу кезде аввал Рим папасининг, унинг изидан тилмочнинг овози элас-элас эшитилди:

– Мураккаб макрнинг тузоғига илинган буюк соддалик...

Бу сўзлар қулоғига чалингач, саркардалари Туромон ва Эрмон шу ерда эканини фаҳмлади, кўз олди равшанлашгандек бўлди. Кўзларини очмоқчи бўлди, бироқ қовоқлари унга бўйсунмади. Ҳаво етишмаётганини сезиб, чуқур нафас олмоқчи эди, бироқ уддалай олмади. Кўз олдидан оқ, қизил, сариқ юлдузчалар учиб ўта бошлади. Бирдан қушдай енгил тортиб, тезда осмонга кўтарилди. Уфқнинг шундоққина ёнида дарё кўринди. У бургут мисол шиддат билан дарё томонга эна бошлади. Сув тўлқинлари қирғоқларидан тошиб оқаётган дарёнинг Энасой эканини таниди, унинг асов

ва шиддатли тўлқинлари узра оққуш мисол кенг қулоч ёзиб, равшан ёруғлик томон суза бошлади...

Содиқ чавандоз ҳикоясини тугатиб, ёруғлигини аямай ер узра сочаётган қуёш томон кўзини қисиб тикилди. Шу маҳал Парда раиснинг кўз ўнгида кенг, бийдай дала, қўнғир тулпори устида туғини баланд кўтарган Оттила намоён бўлди.

– Ана энди, раис, сизнинг саволингизга жавоб берай... Мен сизга айтсам, раис, моҳир чавандоз чап оёғини узангига қўйиб, куч билан бир силтанади-да, «Ё, пирим!» – дея ҳайқирганича, ўнг оёғини забт билан эгар устидан оширади. Силтанишда унинг карсони эгардан чамаси ярим қулоч кўтарилади-да, эгар устига кучли зарб билан тушади. Шу маҳал отнинг бели сал майишади. От шунда билади эгар устида ким ўтирганини. Одатда, улоқ чопишни бошлаган чавандозлар миниши билан отини бир-икки қамчилайди. Зотдор улоқчи от чавандоз эгарга ўтирган заҳоти олдинги оёқларини баланд кўтариб сапчийди, сўнгра шитобан олға интилади. Шу он чавандоз йиқилмаслик учун олдинга қараб эгилади, отининг ёлига ёпишиб олади. Сизгир от бу қилиғи билан ўзини қамчи тегишидан асрайди. Мен сизга айтсам, раис, кўпкарида улоқни ҳалол айириш ҳам отга, ҳам чавандознинг кучи, маҳоратига, айниқса, от билан чавандознинг бир-бирини тушунишига боғлиқ...

Парда раиснинг шу тобда отлар ва чавандозлар тўғрисида кўпроқ нарса билгиси келди:

– Чавандоз, сиз жуда ажойиб гапларни айтдингиз. Жуда ажойиб! Сиз ҳам донғи чиққан чавандозсиз. Улоқда қизиқ, ғаройиб воқеалар кўп бўлгандир-а, чавандоз?

– Мен сизга айтсам, раис, бизлар ўртача чавандозмиз. Чавандознинг зўри Худойкул эшабоши бўлган. Эшабошига тараф йўқ...

– Билишимча, эшабоши дегани тўқсабодан баландроқ даражада юксакроқ бўлган. Шундайми, чавандоз?

– Мен буни тушунмайман. Балки тўғридир. Лекин Худойкул эшабошилиқни тўқсабо бўлмасдан олган.

– Бу жуда қизиқ-ку! Қандай қилиб?

– Сиз ҳам суҳбатни чуқурлаштирдингиз-да, раис. Энди бўлмасам, келинг, отларни ўтга қўйайлик-да, чим устига ёнбошлаб бир гаплашайлик. Мен ҳам сизга эшитганимни айтаман.

Содиқ чавандознинг иккинчи ҳикояси

... Қуёш тоғ чўққиларидан анча кўтарилган. Баҳор ҳавоси этни жунжиктиради. Осмонда тўптўп булутлар сайр қилмоқда. Худди ерда нималар содир бўлаётганини кузатаётгандек, улар секин сузади. Бойсун тоғининг шундоқ этагида ястанган кенг, кўм-кўк адир бўйлаб гуруҳ-гуруҳ жойлашган отлиқлар ниманидир сабрсизлик билан кутмоқда. Ҳар бир гуруҳ бошида сумбати келишган, чиройли, шунингдек, катталиги, бўй-

нининг узунлиги, бошини ўйнатиб тик қараши билан бошқа отлардан яққол ажралиб турадиган човқар, бўз, жийрон, қуранг, саман, тўриқ, чибор, қорақашқалар ҳар-ҳар замонда оёқларини силкитиб-силкитиб ер тепинади. Бошларини силкитиб-силкитиб пишқирганда эгарда ястаниб ўтирган чавандозлар «тисс-тисс, жонивор» дея жуганни тортиб, отларни сабрга чақиради.

Гуруҳлар ўртаси ва орқасида чўбир, қирчанғи, ғўнон отлар ҳам кўзга ташланар, улар улоқчи эмас, шунчаки, томошага миниладиган отлар. Шунда қаердандир овоз эшитилди:

– Баковул, отлар кўп, мингдан ортиқ. Такаларнинг сал ёши ўтганлари, аммо семиз-семизларидан йигирматаси сўйилган.

– Бинойи. Ҳар бир зотда биттадан ташлаймиз. Жуда яхши бўлади.

– Бош совринга тона сўйдик, олтмиш килоча келади.

– Тўғри қилибсизлар. Бир терлашсин. Айтмоқчи, амирликдан чақирилган меҳмонларнинг барчаси етиб келишдими?

– Ҳа, етиб келишди. Сурхон, Самарқанд, Бухородан келган меҳмонларнинг ҳаммалари аллақачон шу ерда. Чавандозлари ҳам тувал. Туркманларга бироз олдин ош тортдик. Афғонлар ҳам етиб келишди. Туркманларнинг ҳам, афғонларнинг ҳам отлари бақувват, чопағон. Шундоққина кўриниб турибди. Ҳаммаси гижинглайди. Бош совринни шулар олар-ов...

– Ҳар доимгидай ўйламай гапирасан-да, Малла. Ўзинг ҳам худди малла отингдайсан, на ўртачисан, на четгир. Ҳа, майли, лекин ғузорликларни кўздан қочирманглар. Тўранинг йигирма битта кучли жуйруқ отлари бор-а... Тағин бойсунликларни доғда қолдирмасин. Амирнинг ҳар йилги кўпкарисида бош совринни олиш қанчалик обрў эканини биласизлар-а – донғимиз чиқади! Ўтган йили доғда қолдик. Бойсунликка бу йил навбат келар, ахир. Айтмоқчи Жовли Очил келганми?

– Шу ерда, баковул, шу ерда.

– Ҳамма умид ундан. Эй, Худо, шарманда қилма!

– Такани олиб келаверайликми?

– Олиб келинглар!

Баковул таканинг орқа оёқларидан икки қўлаб ушлаб, чаптастлик билан тақимиға олди-да, кенг майдоннинг ўртасига от бошини бурди:

– Эй, халойиқ! Азиз меҳмонлар! Чавандозлар! Яхши ниятлар билан катта кўпкари беришга жазм этган амиримиз жаноби олийларининг боши тошдан бўлсин! Умрлари зиёда бўлсин! Қўлни дуога очинглар: амирликда фаровонлик бўлиб, деҳқонларнинг уйи буғдойга тўлсин! Омин!

Бутун майдон бир тўлғаниб, ҳамма «Омин!» дея юзига фотиҳа тортди. Энди баковулнинг товуши аввалгидан ҳам кучлироқ гуруллади:

– Шунқорлар! Чавандозлар! Амирликнинг кўпкарисини бошлаймиз. Жигит бўлсанг, жигитлигингни кўрсат! Улоқнинг оёғини эгар бошига

ўрамайсан, арқон билан чиймайсан, узангидан ўтказмайсан, чавандозга қамчи ўқталмайсан, улоқни ҳалоллаб айирасан! «Ҳалол» демагунимча улоқни ерга ташламайсан!

Баковул улоқни ташлаган заҳоти ўзига хос «ур-йиқит» бошланди. Ўртага ташланган таканинг атрофини чавандозлар ўраб олган, кучли отлар ўмгани билан кўндаланг турганини суриб, бошқа бирлари эса тўда орасидан ўзига йўл очиб такага яқинлашарди. Чавандоз энди эгилиб таканинг оёғидан ушлай-ушлай деганида бошқа кучлироқ от суриб унинг отини асосий доирадан чиқариб юборади. Шунда эгаси отнинг сағриси-га уч-тўрт қамчи тушириб аламини олади, жуганини чап ёки ўнг тарафга тортиб, сувлиғини от жағини йиртар даражада таранглаштириб, отни така тарафга бурганча яна қамчи уради. От жонивор ҳам бошқа қамчи емаслик учун бошини эгганича бор кучи билан така томонга интилади, аммо унга етиб бориш осон эмаслигини, ҳали қувватини аяши кераклигини сезиб, то чавандоз узангиси билан қорнига қаттиқ ниқтамагунича нафасини ростлаб олади. Узанги қорнига текканида ҳам жойидан қимирламаса ё бўйнига, ё бошига, ё сағрисига аччиқ қамчи зарбаси тушишини, бу эса баданини ўяр даражада ачиштириб оғритишини ҳис этган от жон-жаҳди билан така томонга интилади. Аммо кучсизлигини, ўзидан ҳам қувватлироқ отлар борлигини сезганида бошини сал кўтариб, гоҳ у отнинг, гоҳ бунисининг

сағрисиға тумшуғи билан туртиб йўл беришни сўрайди. Бироқ уларнинг эгарида ҳам такага етиб бориш учун жонини жабборга бераётган чавандозлар бор...

Қашқа тўриқ така устига келиб, бор кучини йиғиб, то чавандоз эгилиб такани ушлагунича тоқат қилди – бошқа отларнинг ўмганига, қорнига, сағринига зарб билан урилишга чидади, бошини қуйи эгиб, эгасига қулай имконият яратиб берди. Эгаси узангини қорнига ниқтагандагина олға интилди. Бироқ чавандоз такани қўлидан чиқариб юборди, бир парча жун қолди, холос. Отнинг кишнагани ҳайф кетди. Қанча куч сарфлаган эди-я! Энди бунчалик қулай фурсат келмаса керак. Тўданинг четида қолган Қашқа тўриқнинг кўзларидан оққан ёш тумшуғидан томмоқда эди....

Така ташланган ерда отлар теридан кўтарилган буғ эринчоқлик билан осмонга ўрларди. Улоқни айириш учун «жанг» бўлаётган жой атрофини ўраб турган пиёдаларга майдон тарафдан «Кўзингга қара!», «Шундай ҳам қиласанми, галварс!», «Чапидан бор!», «Боврингни кўтар!», «Тақимингга ол!», «Мунча ҳаяллайсан?», «Четгирдан ҳазир бўл!», «Бошини қайтар!», «Икки қўллаб ушла!» каби хитоблар эшитилар, бу бақир-чақир орасида баковулнинг «Ҳалол!» деган овози камдан-кам қулоққа чалинади. «Ҳалол!» сўзи эшитилган пайтда отлар бир пас тинчиб қолар, сўнг яна бошқа такани ўртага ташлаш учун тайёрла-

наётган баковул томон ошиқарди. Мана, така ерга ташланди. «Жанггоҳ»даги отлар ва чавандозлар орасида ҳалол, қизғин олишув ҳамда тортишув бошланди. Баковулнинг ҳайқириғи эшитилди:

– Ҳалоллаб оласан! Зотига бир туя, бир бия, бир ғўнони бор. Устига ўн тилло танга. Улоқ айирганга ҳалол!

Баковул товуши борича ҳайқирар. Ҳа деб ҳайқираверганидан товуши тобора бўғилар, аммо у бунга эътибор берадиган ҳолда эмас, аксинча, ўз ҳайқириғидан ўзи маст эди.

Кўпқари ярмидан ўтавергач, Ғузор тўрасининг гулдираган товуши эшитилди:

– Ғузор, силар ўлдингларма?! Ҳали зот айирмадинглар?! Номус қани?! Ор қани?! Ё ўзим кирайинма кўпқарига?!

Бироқ тўранинг шу ҳайқириғидан кейин ҳам ғузорлик чавандозлар улоқ айира олмадилар. Зотнинг кўпи туркманларда кетди. Худойкул полвоннинг қони жўш ўриб, ғайрати ошиб, ахта жийроннинг эгарини эзмокчидай алам билан тўлғанар, бироқ бу ахта билан бирон-бир натижага эришиб бўлмаслигини тушунар, тишини ғижирлатиб, тобора тошиб келаётган ғазабини босишга интиларди, холос.

«Ғузор тўраси катта умид боғлаган йигирма битта улоқчи от эгарига қаққайиб ўтириб олган чавандозларнинг биронтаси ҳам зот айиролмади. Ўзларидан кўрсин! Ўзлари айбдор! Улар Худойкул полвонни назар-писанд қилмасдан, устидан ма-

зах қилгандай кулиб, ахта жийронга миндириб қўйишди». Шу фикр хаёлидан ўтгач, Худойқул полвоннинг фикри бирдан кескинлашди, ақли тийраклашди: «Худойқул, манови тулпорни мин, кўпкарига кир, деб айтиши шартми? Топқирлигинг қаёқда қолди? Ўзингнинг ким эканингни бугун кўрсатмасанг, яна қачон кўрсатасан?! Айни пайти-ку! Бундай қулай фурсат яна қачон насиб этади?! Эҳ, фаросатсиз Худойқул!»

Шу гаплар хаёлидан элакраниб ўтаётган бир пайтда Худойқул полвоннинг қулоқларига Ғузор тўрасининг аламли ҳайқириғи эшитилди:

– Эй-й....й, Ғузор! Нонингни ҳалоллаб емайсанма, нон кўр қилғурлар! Биттаям зот айирмадинглар-а?! Номус-орингди берма-да, Ғузор! Қонинг қайнама-яптима, қўнғирот?! Қонинг борми ўзи?! Ҳайт қонинг бўлмаса, жонинг бўлмаса, нима қиласан кўпкарида, номард?! Мардинг борма, аҳ, борма?!...

Бу гаплардан полвоннинг ғазаби келди, териси юпқа эмасми, атрофга разм солди. Кўпкари бошланганидан бери Элгелди отини тўдага солмасдан, бир гуруҳ баланд бўйли, бўйни узун, ўмгани кенг отлиқлар қуршовида кўпкарини кузатарди. Муғомбир туркман бош совринни кўзлаган. Қайси чавандознинг қандай маҳорати борлигию отининг нималарга қодирлигини ўрганиб бўлди. Агар шундай бўлса, улкағарнинг бош совринни айириши аниқ. Тажрибаси катта-да, ўзи ҳам чайир, улоқни тортиб олиш осон эмас. Нима қилсам экан?!

Бош соврин учун сўйилган тана ташланди. Не бир савлатли улоқчопар отлар обрўни кетказмаслик, фалончининг оти бош совринни айирди деган мақтовни эшитиш илинжида, яна элининг номус-ори учун пишқириб, жон-жаҳди билан танага интилар, бироқ ўзидан кучлироқ отлар уни нарига сурар, от эса бошқа тарафдан яна яқинлашмоққа уринарди. Боши, бўйни, сағриси, орқа сонига қамчи зарбалари кетма-кет тушаётганига чидай олмаган човкарлар олд оёқларини баланд кўтариб, эгарда ўтирган чавандозни устидан ағдаргиси келарди. Чавандозлар ҳам анойи эмас. Йиқилиб ағдарилиш у ёқда турсин, жуганни қаттиқ силтаб тортиб, отни тана тарафга яна бурилишга мажбур қилади, чавкарларнинг эса бўйсунмай иложи йўқ. Ана, ўнг томонда ҳам отлар орасида зич тиқилиб қолган саман чотига икки-уч марта қамчи зарбаси теккач, жон-жаҳди билан соврин томонга интиляпти.

Худойкул полвон ушбу манзарани кузатар экан, Элгелдининг ўз гуруҳи билан тўда ичига кирганини кўрди. Ана энди бошланади томоша! Кучли рақиб отларининг чарчаб қолишини пойлади-я, Элгелди! Жуда қув экан бу туркман! Ҳа, унинг асосий мақсади бош соврин! Тўғри-да, майдалари унинг баланд обрўсига тўғри келмайди. Озгина ичкинналигини ҳисобга олмаса, мард йигит Элгелди. Шундай катта кўпкарида қувлик ҳам жуда керак. Мен сени тушундим, Элгелди! Лекин мен ҳам борман-ку! Ўзимни қўнғиротнинг

алпларидан деб юраман. Энди менинг галим келди! Бобом Алпомиш-а!

Худойқул полвон шитоб билан тўранинг мирзаси минган тарлон томон борди-да, мирзанинг чап оёғи кирган узангини тепага кўтариб, кўлидан жуганни бир силтаб тортиб олди, уни эгарнинг устидан ўнг тарафга – пастга ағдариб ташлади. «Отни менга беринг, кўпкарига кирай» дейиши мутлақо иш бермаслигини аниқ билгани учун ҳам шундай қилди.

Худойқул полвон отнинг қаттиқ пишқириб нафас чиқариш пайтига тўғрилаб тезликда айил ва пуштанини кучининг борича маҳкамлаб тортиди, отнинг депсиниб пишқиришига эътибор ҳам қилмай, чап узангига оёқ қўйиб, қаттиқ силкиниб эгарга ўтирди; ўнг оёғини узангига киритди-да, жуганни қаттиқ тортиб «Чух, жонивор, тарлоним!» дея ҳайқирди. Бели майишиб кетганидан тарлон эгарга қандай полвон ўтирганини сизди. Хурсандлигидан олдинги оёқларини баланд кўтариб шиддат билан силтаниб сакради, сўнгра қаттиқ кишнаб, забтига олиб олға интилди. Худойқул полвон кўпкари майдонини, тўдани бир кўздан кечирди-да, соврин томонга туркман отлари йўқ томондан яқинлашди. У биладики, Элгелди тананинг орқа оёқларини тақимига олгани заҳоти туркманлар отнинг олдини бегона отлардан тўсиб, тўдадан чиқиб олишини осонлаштиради. Кейин эса, анча жойгача Элгелди билан бирга чопиб, четки ва қочқи отлардан ҳи-

моялаб, якка ўзининг тўдадан узилиб чиқишига йўл очади. «Ҳа, тушундим, сени Элгелди, кўрамиз, ким қувроқ, така туркманми ё қўнғирот? Ғиркўкми ё Бойчибор?» Худойкул полвоннинг хаёлидан ўтаётганларни тарлон тушунгандай бўлди. Кўпкарига қўшилмай, ғайрати танасига сиғмай турганидан ўзгача бир иштиёқ, ўзгача бир ҳаракат, ўзгача бир шиддат билан отлар орасини ёриб ўтарди. Аввал тумшуғи билан икки от сағриси орасини кенгайтирар, узун бўйнини гоҳ чапга, гоҳ ўнгга куч билан силтаб буриб, отлар орасидан бироз жой очилгач, орқа оёқлари билан тиралиб, ўша жойни эгалларди. Шу заҳоти ўмганини олдга ташлар, олдинги туёқларини ерга тираб, сал силжигач, бу жойни орқа туёқларига бўшатиб берарди.

Худойкул полвон тарлоннинг ўмганини ишлатмай кучини аяётганини сезиб, қулфидили очилди. Полвон отга қамчи урмас, фақат «Чух, жонивор, чух, Тарлон» дея унинг ўнг елкасига эркалаб шапатилар, мана шу шапатилашдан от рағбат олаётганини сезарди. У отнинг жуганини бўш қўйворган, мўлжални Тарлон худди ўзи ўйлаётгандай тўғри олаётганидан совринни қўлга киритиш иштиёқи кучайиб, ишончи янада ошиб борарди. Танагача озгина масофа қолганда, кўрдик, олдинда Қорабайир! Сағриси кенг, думғазаси анча қалин ва узун, чотининг ораси терламаган, демак кучини ҳали сарфламагани аниқ. Билдики, бу Элгелдининг оти. Чавандознинг юзига қара-

магани маъкул. Агар така туркман таниб қолса, фириб ишлатиши ёки ўз одамларига уни ўраб олинглар дея ишора қилиши мумкин. Худойқул полвон бошини отнинг бўйнига яширганича қорабайирга жуда яқинлашди. Элгелдининг улоқчи, тажрибали жуйрук қорабайирини жойидан силжитиш амримаҳол эканини билди-да, баланд пошналар чап этигини узангига маҳкамлади, ўнг узангидаги оёғини хиёл чапга ўтказиб олди. Шу заҳоти тарлон олдинги оёғини қорабайирнинг орқа оёқлари орасидан ўтказиб, сал пастлади-да, туёқларини ерга қаттиқ тиради. Худойқул полвон «Яша, Тарлоним!» дея шивирлаб, туркман отининг орқа оёқлари орасидан кириб, қўллари билан гоҳ ерга, гоҳ рақиб отининг оёғига тиралиб, қорабайирнинг нақ тумшуғи тарафида ётган танага яқинлашаверди. Полвоннинг гавдаси отдан пастда, фақат оёқлар узангида, қорни тарлоннинг олдинга узатилган оёқлари устида, эгар эса от устида оғишмай турарди. Чавандоз танани ўзи томонга озгина силжитишга эришди, холос. Кейин тортишга кучи етмагандай бўлди. Наҳотки шунчалик оғир бўлса, саксон кило бормикан, йўғ-е, унчалик бўлмаса керак, йўқ бу ерда бошқа сир бор деб диққат билан разм солди. Танани қорабайир ўнг оёғи билан босиб турар, Элгелди танани энди чап тарафга ўтказишга уринаётган эди. Тезликда ҳаракат қилмаса, полвон танадан айрилишини билди-да, фириб ишлатди: Қорабайир оёғининг тиззасини аста қашлади. Жуй-

рук бунӣ дарҳол тушунди, бироқ бу бармоқлар бегона эканини фаҳламади ва дарҳол оёғини кўтарди. Худойқул полвон шу заҳоти танани куч билан ўзига тортди, чайир бармоқлари билан тананинг орқа оёқларини ўзи томонга буриб олди, Тарлон шиддат билан ўмганини кўтарди, сўнгра тананинг орқа тарафини олд туёғи билан босди. Худойқул полвон ўнг оёғини отнинг ўнг тарафига ўтказиб, эгарга ярим ўтирди. Энди пухталики керак. У тананинг орқа оёқларини тақимга олиш учун тайёр ҳолга келтирди, танани бураб, унинг олдинги оёқларини тарлоннинг қорни тарафга қаратди. Қани энди бошқа чавандоз унинг оёқларини ушлашга уриниб кўрсин-чи, қанча моҳир ва чаптаст бўлмасин, бунга эриша олмайди. Лекин Элгелди ҳали таслим бўлгани йўқ. Унинг бир гуруҳ чавандозлари ҳам бор. Улар отнинг атрофини ўраб, бошқа чавандозларни танага яқинлаштирмасликка уриниши аниқ. Худойқул полвон қорабайирнинг орқасидан келиб, унинг нақ тумшуғи тагида турган совринни отнинг қорни тарафдан тортиб олгани Элгелди ва унинг шерикларини ҳув туширди. Тана энди унда! Аммо Элгелдининг шериклари тарлоннинг олдини ўраши ҳам аён. Ана, така туркман ҳам қулайлик туғдириш учун тарлоннинг чап тарафига ўтди. Унга ноқулай бўлса ҳам, ўнг тақимига тананинг олд оёқларини олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Полвон тушунди, Элгелдининг чавандозлари отларини сал кўндаланг қўйиб тарлоннинг югу-

ришини секинлатишмоқчи, шунда қорабайир тарлондан ўзади, тана ҳам қўлдан кетади. Худойқул полвоннинг бир ўзи, унга ҳимо берувчи чавандоз йўқ. Ҳа, тананинг совринга айланишига ҳали анча бор. Элгелдиннинг гуруҳини алдаш керак. Аммо қандай қилиб? Шу маҳал полвоннинг миясига ярқ этиб бир фикр келдию, тарлоннинг жуганини тортиб, отни орқага тислатди. Тарлон ҳам худди шуни кутиб тургандай, думини ўнгга, чапга силкитиб, кенг сағриси билан ортга юрди ва осонлик билан ўзига йўл очди. Худойқул полвон хурсандлигидан қийқириб юборди, чунки от думи ўмровларининг ўнг ёки чап томонига урилаётганини сезган улоқчи отлар, қарама-қарши тарафга бурилади.

– Чух, жониворим, тарлон!

Танага интилаётган отларнинг деярли барчаси Тарлон тарафга қараб қолди. Бир-икки қамчи зарбасини еган улоқчи отлар Тарлонга қапишиб келди. Худойқул полвонга худди мана шуниси керак эди. Полвон отнинг бўйнига маҳкам ёпишди-да, тананинг орқа оёқларини тақимиға адл олиб, «Чух, тарлоним!» дея ҳайқирди ва шу заҳоти узангиси билан отнинг қорнига қаттиқ ниқтади. Тарлон узун бўйнини олдинга чўзиб, боши ва ўмгани кучи билан отлар орасидан жой очди-да, шиддат билан олға интилди. Тарлон улоқчи отларга тескари ҳаракат қилгани учун ўнг тарафдаги чавандозлар уни кузатганича, чап тарафдагилар эса танага энгашиб, бироқ оёғидан

ушлаёлмасдан, бир парча узилган жунидан кўлларида тутганларича қолаверди.

Полвон Тарлонни тўғри тик тепаликка ҳайдади, чавандоз билдики, ҳали от чарчайдиган даражада кучини сарфламаган, шунча юк билан бўлса-да тепаликка чиқиш Тарлонга қийин эмас. Бунга ишончи комил бўлган полвон тик тепаликни танлар экан, бу билан Элгелдини танага яқинлаштирмасликни ва бошқа чавандозларни ҳам чув туширишни режалаштирганди. Худди кутганидай бўлди, юздан ортиқ от унинг ортидан хезлаб келар, улардан ҳали ажралиб чиқиш амри-маҳол эди. Айниқса, туркман чавандозларининг четки қочқи отларидан узоқлашиб кетиш иложсиз. Ана, чаққон жуйруklar тепаликни айланиб ўта бошлади. Мақсад аниқ – улар полвонни тепаликнинг пастида, ярим белида қарши олмоқда. Унда эса тарлон анча чарчаган бўлади. Шу пайтда Элгелдининг: «Тепалик ярмидан кўшилиңлар, олдиға отни кўндаланг ташланглар» – деган ҳайқириғи ҳам эшитилди. Полвон унинг мақсадини аниқ англаб, «тушиб бўпман сенинг қопқонингга, мени содда ўйланинг ўзингга душман бўлади ҳали» дея тик тепаликнинг энг чўққисига чиқди. Баҳайбат-баҳайбат улоқчи отлар унинг орқа томонида анча қуюқлашиб қолганини ва аксари олд тарафда тўпланганини, туркман қорабайирлари тепаликнинг ярим белида, пастда тўпланаётганини кўрган полвон мийиғида бир кулиб, Тарлонни шиддат билан пастга бурди. Барча

улоқчи отлар унинг ортидан эргашди. Тик тепалик энди тугай деганида эса шахт билан отни орқага буриб, «Ё, Султонхон пирим, ўзинг қўлла!» дея ҳайқирганча отнинг чотиға бир қамчи урди. Тарлон бир силкиндию, бўйнини чўзиб, орқа оёқларини тираб, олд туёқлари билан ерни ўйиб кириб, шитоб билан тепаликка қайта кўтарилди. Тепаликдан эниб келаётган, бир-икки қамчи зарбини еган жуйруклар эса сувлиғи уртини йиртиб юборар даражада тортилишига қарамасин, ўзларини тўхтата олмай шиддат билан пастга эниб борарди. Уларнинг ортга қайтиши ҳам иложсиз эди, чунки отлар тезликни ҳаддан оширганди. Тезкор четгир туркман қорабайирларининг деярли барчаси пастга тушиб бўлган, баъзи отлар эса эндигина энаётган ёки қайрилиб тепаликка чиқишга уринарди. Тарлон тепаликка осон ва тез кўтарилди, совринни айириш яқинлигини сезган жонивор Худойқул полвоннинг ишорасини кутиб турмай, тепадан пастга, юзлаб қирчанғи, чўбир, ғўнонлар орасидан осонгина ёриб ўтди. Худойқул полвон «Чух, жониворим, тулпорим!» дея ҳайқирди. Тарлон кенг ялангликда якка ўзи узун бўйнини олдинга чўзганича шамолдан ҳам тез чопар, ёли чавандоз томонга эгилган, думи шамолда ҳилпираб, учи сони тўғрисиғача кўтарилган, деярли барча отлиқлар бу манзарага маҳлиё бўлиб қолган эди.

Тарлон яна ярим чақирим якка ўзи гердаийб, кўкрагини адл кўтариб чопди. Худойқул полвон

унинг усулига қойил бўлиб, анграйиб қолган баковулнинг атрофини бир айланди. Полвоннинг жуганни қаттиқ тортганини сезган заҳоти тулпор олдинги оёқларини баланд кўтариб, қаттиқ кишнади. Сўнгра олд туёқларини ерга тушириб, шу заҳоти шиддат билан олға интилди. Бундай ҳолни умрида кўрмаган баковул нима дейишини билмай, каловланиб қолди. Полвон тарлоннинг бошини қайириб, баковулнинг олдига келди-да, «Ҳалолми!?» дея ҳайқирди. Баковул эс-хушини йиғиб олди-да, эгарнинг устида бир қимирлаб, икки қўлини баланд кўтарди ва «Полвон! Ҳалол! Ҳалол!» дея ҳирқироқ овоз билан ҳайқирди. Худди шу маҳал Тарлоннинг орқасидан бошқа тулпорлар ҳам етиб келди.

Худойқул полвон: «Тўранинг оти! Совринни Тўранинг тарлони айирди! Бу Ғузор тўрасининг тулпори!» деган ҳайқириқ ва овозларни эшитдию, отдан тезлик билан тушди-да, Тарлоннинг бошига бошини қўйиб, ўмганини аста силади, сўнгра отнинг жиловини қўйвориб, ўзи одамлар орасига кириб кетди.

Бироздан кейин уни тўрага рўбарў қилишди. Тўра Худойқул полвоннинг тўла гавдасига, баланд бўйига, туртиб чиққан яноқларига, томирлари бўртиб-бўртиб, мушаклари пир-пир учаётган чандир билакларига, рапидадай кафтларига қаради-да ярим жилмайиб, мулойимлик билан, овозида эркалаш оҳанглари билан сўради:

– Қўнғиротмисан?

– Ҳа.

– Кимлардансан?

– Қамайликман, исмим Худойкул.

– Ие, қамайликмисан. Обрули жойдан экансан. Полвон, сен Ғузорнинг доврўғини амирликка ёйдинг, оримизни бермадинг. Бундан буён сен Қамайнинг ишбошисан. Агар адолатли иш юритсанг, айтганинг айтган, деганинг деган. Сеники доим урал!..

* * *

Содиқ чавандоз анча пайт жим қолди. У ҳозиргина ўзи гапирган воқеанинг раисга қандай таъсир қилганини ҳузур билан кузатар, унинг нима дейишига қизиқарди. Раис эса жим. Содиқ чавандоз раиснинг хаёлидан шу йил қиш чилласида ёшлар билан бўлиб ўтган кўпқари воқеалари кечаётганини қаёқдан ҳам билсин.

... Етимқўл билан Қизилқўл оралиғидаги кўпқари учун жуда қулай жой. Пастдаги шу кенг майдонда улоқ чопиляпти. Томошабинлар атрофдаги кичик-кичик тепаликлардан жой эгаллаган. Содиқ чавандоз Раисга ишора қилди:

– Раис, ҳув анави чавқарни кўряпсизми? Гавдаси келишган, чиройли от. Лекин тўдага киришга юраги бетламаяпти. Қамчи зарби ҳам таъсир қилмаяпти. Бунақалар тўдага ярамайди, яхшиси четгир улоқчи от қилиб тарбиялаш зарур уни.

– Мен ҳам фаҳмладим, чавандоз. Анави жийрон қашқага эътибор беринг. Ўмгани билан су-





зиб, тўданинг у томонидан бу томонига бемалол ўтпти. Худди сувда сузгандай. Кучли от.

– Ҳа, худди шу дўнонни тарбияласа, катта кўп-карига ярайдиган жуйрук от бўлади. Раис, мен сизга айтсам, беш юз, минг отлиқ кўпкарида улоқ айириш учун отнинг ва чавандознинг маҳорати бир-бирига уйғун бўлиши шарт. Аслида улоқни айириш учун чопағон тулпорнинг муғомбирлиги, шиддати, сезгирлиги ва чавандознинг чайирлиги жамулжам бўлиши керак.

– Ие, чавандоз, отнинг ҳам муғомбири бўлади-ми?

– Бўлади, раис, бўлади! Отнинг соддасидан арава тортгич чиқади, минишга ярайди. Муғомбири улоқ айиради. Кўпкарида чавандоз билан тулпор бир-бирини тушуниб, битта гавдага айлангандагина совринни ҳалоллаб олади. Отининг қилиқларини, феълини, қувватини чамалай олган, ўз имкониятларини билиб, ундан унумли фойдаланган чавандозгина машхур бўлади.

Раис шу воқеаларни хаёлидан ўтказар экан, ўшанда Содиқ чавандознинг нақадар ҳақ эканига Худойқул эшабошининг амирлик кўпкарисида бош совринни қўлга киритишдаги маҳорати мисолида яна бир бор ишонмоқда эди.

Раис ниҳоят секин гап бошлади:

– Чавандоз, бу, эшабоши кучли ва дадил, чайир йигит бўлган эканда-а? Қойилман! Ҳа, айтмоқчи, чавандоз, сиз Ғузор тўрасининг полвонга ишбошилиқни берганини айтдингиз.

Қамайликларнинг уни эшабоши дейиши шундан экан-да?

– Ҳа, у ишбоши бўлган, айтилишда «эшабоши» бўлиб кетган-да, «эшабоши»нинг айтилиши қулай, талаффузи ҳам чиройли, шунинг учун бўлса керак.

– Уни жуда зўр, ҳайбатли полвон ҳам бўлгани ҳақида ҳар хил гаплар юради. Шу гапларнинг ҳаммаси ростмикан ёки уйдирмаси ҳам борми?

– Раис, шубҳангиз бўлса мен сизга яна бир воқеани айтиб берай. Ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам ўзингизга ҳавола.

– Э, айтинг, чавандоз, айтинг, қани эштайлик-чи.

Раис ёнбошлаган жойидан сал сурилиб, қулай ўтириб олди.

Содиқ чавандознинг учинчи ҳикояси

... Қамайнинг катта даштида мингдан ортиқ чавандоз йиғилган. Зўр кўпкарини кўриш иштиёқида от минганлар ҳам анчагина. Томошабинлар ясси дўнгликларга жойлашган.

Ўзур тўраси ва Худойкул эшабоши от устида ёнма-ён гаплашиб туришибди. Майдондан келаётган «яқинлаш», «пойчасидан торт», «жонинг борми?», «эгарнинг бошига қайирма», «тақимга олсанг-чи», «қамчини бос», «ўмганингни кўтар,» «ё, пирим» деган ҳайқириқлар туфайли уларнинг гапи атрофга эшитилмай-

ди. Бир вақт тўдадан саман қашқа отилиб чиқди-да, шитоб билан олға интилди. Эгарда ўтирган барваста чавандоз тақимига олган таканинг оғирлигидан ўнг томонга қийшайиб, қамчини оғзига тишлаб олган. Шу пайтда уни таъқиб қилаётган бошқа бир йигит жаҳл билан отга орқадан беш-олти қамчи урдию, такани тақимлаган чавандознинг тулпори кутилмаганда йўналишини ўзгартириб, Ғузор тўрасининг отини туртиб ўтди. Тўра от устида бир мункиб ўзини ўнглаб олган бўлса-да, бошидан салласи пастга тушиб чувалашиб қолди. Бунни кўрган Худойқул эшабоши отининг сағрисиغا икки қамчи уриб, шитоб билан чавандозга етиб олди. Бу вақт чавандоз рақибидан такани айириб, «Сеники ҳалол!» ҳайқириғи остида ўзича гердайиб, қамчисини тишлаганча икки қўлини юқорига кўтариб силкитаётганди. Худойқул эшабоши чавандознинг эгари тагидан қўллариини ўтказиб олди-да, «Ху, пирим!» дея куч билан силтаб тортди. Отнинг айили ҳам, пуштани ҳам «қарс» этиб узилди. Эшабоши чавандозни отнинг устидан эгар билан бирга адл кўтариб, олдига ўтқазди-да, отини орқага қайириб, яна қамчи урди. Чавандоз нима бўлаётганини ҳам тушуниб улгурмай Худойқул эшабоши Ғузор тўрасининг олдига келиб, отини тўхтатди-да, чавандозни эгари билан ерга қўйди:

– Тўрам, сизга беодоблик қилди, жазосини ўзингиз беринг.

Тўра бир Худойкул эшабошига, бир айил, пуштани узилган эгар устида оёқларини узатганча ҳангманг турган чавандозга қарар, ҳайратини яшира олмасдан «Э, балли, балли! Ҳай, қўнғирот-ай...» дерди. Сўнг салласини қайта ўраётиб деди:

– Зотни ҳалол айиргани учун чавандозга жазо йўқ. Зотни беринглар!

* * *

Содиқ чавандоздан бу воқеани эшитган раис бошини бир-икки чайқаб, кулди:

– Чавандоз! Лофга ҳам анча борсиз-да! Эгарни отнинг белига қалин чармдан қилинган пуштан маҳкамлаб турган бўлса, жабдуқнинг устидан айил боғланса, ҳам айилни, ҳам пуштонни узиб, энг камида саксон кило тош босадиган норғул йигитни эгари билан кўтариш учун билакда қанақа куч бўлиши керак? Тасаввур қиляпсизми, чавандоз?! Лофни ҳам қотирасиз-да...

– Бу воқеани отам раҳматлидан эшитганман. Отам буни ўз кўзи билан кўрган. Элмурод чавандоз ҳам буни билади. Аввал мен ҳам худди сиздек ишонмаганман. Ёш бола эдим. Худойкул эшабошининг ғалла солинган қопларни аравага ортаётганини кўрганман. Ҳар бир қопнинг оғирлиги ғалласи билан 60-70 кило тош босарди. Эшабоши чап қўли билан қопнинг боғланган учидан ушлаб, ўнг қўлини қопнинг тагига қўйиб, бир силкишда аравага ташларди. Ўшанда эшабошининг сочлари оқарган эди. Ана куч, раис!

– Э, раҳмат, чавандоз! Ажойиб воқеани гапирдингиз. Қаранг-а! Назаримда, эшабошидай кучли ва чайир йигитлар ҳозир Қамайда йўқдиров... Фаҳмимча, замона илгарилагани сари бундай зўр полвонлар тобора камайиб бораётгандек ёки сал бошқачароқмикан-а... Мисол учун Қамайда Худойкул эшабошидай полвон борми?

Раис шундай дедию, жим қолди.

Содиқ чавандоз ҳам узоқларга тикилиб, нималарнидир хаёлидан ўтказар, яна нималарнидир илҳом билан гапиргиси келар, гурунг завқини оширишни истарди.

Содиқ чавандознинг ҳикояларидан кейин Раиснинг отга бўлган меҳри тобора ортиб борар «Эҳ, отда сеҳр кўп экан-да, жонивор фақат гапирмасканда-а» деб ўйлаганича қашқа йўрғага тасодифан бир-икки қамчи урганларини эслаб, ичида ундан астойдил узр сўраётган эди. Шу кезде нима сабабдандир хаёлига ғаройиб бир фикр келди ва Содиқ чавандозга ўгирилиб сўради:

– Ҳа, айтмоқчи, чавандоз, ҳар бир жониворнинг кучли ва кучсиз тарафи бўлар экан. Мисол учун, фил сичқондан қўрқади дейишади, илон типратикандан. Чавандоз, сиз буни жуда яхши биласиз, отнинг энг кучсиз жойи қаерида, у нимадан қўрқади?

– Раис, синчи бўламан деяпсизми, нима бало? Ҳай, майли, қўймадингиз қўймадингиз-да! Менимча, шу отлар тўғрисида бугун ҳамма нарсани билиб олгингиз келаяпти, шекилли. Саволингиз-

дан менинг ҳам гаштим келди. Завқим ошаяпти. Ҳалигача ҳеч ким билан бунчалик берилиб суҳбатлашмагандим. Энди гали келиб қолди. Жуда қизиқ. Боболаримизнинг топқирлигига тан берасиз. Жойлашиб ўтиринг, раис, ёки ёнбошланг. Бу узоқ тарих. Эшитинг...

Содиқ чавандознинг тўртинчи ҳикояси

...Султон Алп Арслон чодирига кирар экан, чалкаш хаёллар оғушидан қутула олмас, боши лўқиллаб оғрирди. Турли ташвишлар уни қаттиқ исканжага олган, бу ҳолатдан ёруғ юз билан чиқиб кетмоқ учун ошиғич чоралар кўриш зарурлигини яхши англади. Салтанатнинг ривожига ёки инқирози унинг закоси ва тадбирига боғлиқ. Уруш майдонида чиниққан, айёр, аммо такаббур, ўзига бино қўйган ёғий унинг оз сонли, бироқ салоҳиятли қўшинига нега тўғридан-тўғри рўбарў келмаяпти? Ахир ёғий аскарлари унинг қўшинидан ўн тўрт баробар кўп-ку? Ёки Алп Арслон отлиқ қўшинларининг жанг қилиш маҳорати уларни ваҳимага солаётганмикан? Йўқ! Бундай эмас! Бу ерда бир сир бор! Улар бизнинг маҳоратимиз нимадан иборат эканини жуда яхши билади. Қолаверса, тўқнашувга уларнинг ўзи бизни мажбур қилмоқда. Сулҳ таклифи билан уч марта обрўли элчиларимни жўнатдим. Охиргиларини зиндонга ташлашди... Хўш, олти ойдан бери бу тўқнашувга тайёргарлик кўраётган, отлиқ жангчиларини ҳам

жуда яхши қуроллантирган Император Рамео II нега энди бу тўқнашувни ўзи орқага сурмоқда?

Тўғри, Алп Арслон навкарларининг оти учқур, илдам, уруш ҳийласи уларга роса ўргатилган. Эгарда ўтирган жангчининг ҳар бир ишораси, товуши, узанги тепкиси, қамчининг бўйнига, чап ёки ўнг сағрисига тегишида от учун ўзига хос ишоралар бор. Аммо бу афзаллик кўп сонли кўшин олдида ҳеч нарса эмас-ку! Демак, бу ерда бошқа бир муҳим сабаб бор. Ёғий нимадандир ютмоқчи, вақт уларнинг фойдасига ўйнаяпти. Мана шуниси ҳақиқатга яқин. Улар қандайдир фириб ишлатиб, осонгина ғалаба қозонмоқчи. Бунга мумкин қадар оз қурбон билан эришмоқчи ёғий. Аммо қандай қилиб? Бу қандай тадбир?

Алп Арслон қанча узоқ ўйлагани сари хаёллари шунчалик чувалашиб борар, хаёлига бирон жўяли фикр келмагани боис ўзининг ношуд эканидан, жиддий муаммоларни ҳал қилиш салоҳиятига эга эмаслигидан изтироб чекарди. Ўзини ожиз сезгани сари шижоати сўнаётгандек туюлар, қалбини аллақандай тушуниб бўлмас ваҳима чулғаётгандек эди.

У бу каби хаёллар қутқусига асир бўлаверса кўнгли ваҳима гирдобига буткул чўкмоғи мумкинлигини бутун борлиғи билан ҳис қилди-да, бу аянчли ва хатарли ҳолдан халос бўлиш учун чодирни тарк этди.

Ой ёғдуси атрофга ҳукмрон. Юлдузлар ҳам ой ёғдусининг асирига айланган. Фақат олис юлдуз-

лар Алп Арслонга кўзини қисгандай жимирлар эди.

Алп Арслон оҳиста қадам босиб, тўлин ой ёруғида кўзга ташланмаслик учун соялаб-соялаб саман қашқанинг олдига етди. Буни пайқаган от у томонга қараб қаттиқ пишқирди, депсинди. Пишқиргани сайисга таъсир қилмади, шекилли, от яна депсиниб, олд туёқлари билан ер тирнади. Алп Арслон сайиснинг ўрнидан тураётганига эътибор ҳам қилмай, саманнинг нўхтасини қўлига ўраб ушлади-да, куч билан бир силтаб қозикдан узиб олди. Бир сакраб тулпорнинг яйдоқ белига минди, отнинг оёғига ёпишиб, бўйнидан қучоқлади, этигининг пошнаси билан қорнига аста туртди, тиззалари билан саманнинг танасини сиқди. От кунчиқар тарафга қараб шиддат билан кўзгалди. Алп Арслон тулпорининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олган бўлса-да, отнинг тезлиги ошгани сари унинг сағриси томон сурилаётганини, қашқа яна биров шу ҳолда югуришини давом эттирса, сирғалиб тушиб қолиши мумкинлигини сезди-да, тиззалари билан отнинг кўкрагини, болдирлари билан қорнини қаттиқ сиқди. Саман тезлигини баттар авж олдирди. Алп Арслон бундан жуда хурсанд бўлди: ҳа, оти ўрганибди, яна ҳам тез чопмоғи учун қамчи уришнинг ҳожати йўқ. Отнинг кўкраги ва қорни оёқ билан сиқилса, тамом, қанот чиқаради. Алп Арслон жангчилари ҳам отларини шу усулга ўргатган. Тўғри-да, жангчининг қўлида қамчи эмас, яроғ ўйнаши керак.

Тан соқчилари изимдан от чоптириб келиш-маяптимикан дея орқасига қараган Алп Арслон шамолнинг кучидан отнинг думи бодпарақдай хилпираётганига кўзи тушди. Бирдан фикри тиниқлашди:

– Султоним! Ёғий жангчиларининг кўпчилиги анча вақтдан бери қаттиқ чилвир ва юмшоқ арқон аралашмасидан кўшиб, темирдан илгак тайёрлаб, уни отнинг устига аниқ ташлаш машқи билан овора. Илгак ташлаш олдидан отларини аямай савалашади. Отлари тезликни оширгани заҳоти, қаттиқ товуш билан ҳайқириб, илгакларни олд томонда чопаётган отлар устига улоқтиришмоқда. Кўп кузатдим, аммо бунда нима маъно бор ҳеч тушунмадим...

Хуфияси шу гапларни айтганида Алп Арслон аввалига бироз ўйланди, аммо кейин бу тадбирда бирон-бир мантиқ йўқлигига имон келтирди. Бу илгаклар от устидан жангчиларни қулатиш, ағдариш мақсадини кўзлаган бўлса, бунинг амалга ошмаслиги аниқ. Чунки жангчилари буни бар-тараф қилиш тадбирини аллақачон эгаллаган...

... Алп Арслон боболари Тўғрилбек ва Чоғрилбеклардан жанг қилиш усуллари тўғрисида тинмай сўрайвериб, саволлар беравериб, уларни ҳатто безор қилиб юборган, ҳар бир жанг тафсилотини икир-чикиригача сўраб суриштиришдан эринмас, сўнгра ўзи холи жойда якка қолиб, жанг манзараларини кўз олдига келтириб, тасаввурида тиклар, мушоҳадага берилиб кетар, қай ҳолда

хужум қилса кам талафот эвазига узил-кесил ға-
лаба қилиш мумкинлиги ҳақида ўйларди.

Алп Арслон бир жангда эътибор берди: кўп
моҳир жангчилар арқон ташлаб, ўзидан сал ол-
динда ёки ёнбошида кетаётган ёғийни отдан
ағдаради-да, ерда юмалаётган жангчига эътибор
ҳам бермай бошқасига ҳамла қилади. Ерда ўрма-
лаётган жангчи энди сафдан чиқди, жангни ку-
затувчи бир томошабин. Баъзан арқон ташлаган
навкарнинг ўзи қувроқ, бақувватроқ рақибнинг
куч билан тортиши натижасида отдан сирғалиб
тушиб қолади. Нега?

Алп Арслон жанг манзарасини тасаввур қилиб
ўйлар экан, бирдан фикри равшан тортди: ёғийга
қилич ёки найза билан зарб беришда фақат қўл
кучи сарф бўлади. Мушакларни таранглашти-
риб, гавда билан ҳам ҳаракат қилинса, зарб анча
кучли бўлади-ку, ахир! Бунинг учун оёққа таянч
зарур. Худди мана шуни топмоқ керак! Агар шу
таянч манбаи топилса, жангчининг ўзи сирғалиб
тушиб қолмайди.

Бу мужмал ва мураккаб тугунни ечмоқ илин-
жида кўп ўйлаганидан Алп Арслоннинг боши
лўқиллаб оғрий бошлади. Бир пас дам олмоқ ис-
тагида тўшакка ёнбошлади. Кўзи илиниб, туш
кўрибди: Тўғрилбек бобоси Қорабайирни етак-
лаб кетаётганмиш. Қорабайирга жуган солинган,
эгарланиб, устига хуржун ташланган. Эгар усти-
да каттакон лочин ўтирганча оёқларини хур-
жуннинг кўзига солиб, таранг тортаётганмиш.

Алп Арслон лочиннинг оёқларига диққат билан тикилибди: унинг панжалари ялтироқ гумбазсимон ҳалқанинг таглигига тиралган. Лочин панжаларини тагликка тираб-тираб эгар устидан беш-олти марта кўтарилди. Таглик эса жойидан қимирламай қолаверди.

Алп Арслон уйғондию, тушининг таъбирини ўйлай бошлади. И-е, ахир, бу уни ўйлантирган муаммонинг аниқ жавоби эмасми?! Хуржун ўрнига пишиқ арқонни ҳалқасимон тугиб, эгар устидан икки томонга ташлаб, этикни ҳалқага киргизилса, жангчига бу мустаҳкам таянч бўлади-ку, ахир!

Алп Арслон шитоб билан ўрнидан турди. Сабри чидамай, фақат жабдуқ ёпилган отга ўйлаганидай ҳалқали арқон ташлади-да, этиклари тумшуғини ҳалқага киритиб, қорабайирга ирғиб миндию қамчи босди. Катта тезликда чопаётган от устида этикларини арқон ҳалқасига тираб тиккалади, ўтирди, танаси билан чапга, ўнгга чалқайди, ўзини орқага ташлади, бурилиб отининг думини ушлади, қулоқларидан тутиб эркалади. Ҳар томонга чалқайиб, қўлидаги қилич билан ҳавони сермади, зарб билан найза ўқталди. Аҳ-ҳа, оёққа тиргак бўладиган халқа билан от ва навкар ягона вужудга айланаркан, жанг қилиш имкони кучайиб, ёғийга даҳшатли рақиб бўлар эркан. Битта маҳоратли жангчи ўнта ёғий навкари билан беллаша олади. Фақат халқа оёқни қисяпти, этик юпқалик қияпти. Агар халқа темирдан қилинса-чи? Ўнгга, чапга чайқалганда арқон

жабдуқ устида сирғалиб оғяпти. Эгар бўлганда ҳам шундай бўлур. Агар темир ҳалқа арқон ёки қайиш билан эгарнинг ёнбошларига маҳкамланса-чи?

Алп Арслон дунёни қайтадан кашф қилган мисоли тулпор устида мағрур ҳолда, бўлажак ғалаба ишқида манзилга қайтар экан, шу бугуноқ темирчиларга таглиги тўғри, гумбазсимон кенг оёқ кийгичлар ясашни, эгарнинг чилгир устидаги таглигидан камар киритишга ярайдиган, четлари мустаҳкамланган тешик ҳосил қилишни буюриш ниятини кўнглига тугди.

Орадан бир неча кун ўтди ҳамки, румликлар тарафидан ҳужум аломатлари сезилмади. Ҳа, улар ҳали ўзларининг фириб машқини охирига етказиб улгурмаган. Улар биздан қўрқаётгани ёки ҳадиксираётгани йўқ. Тўғри-да, ўн беш минг навкар икки юз минг яхши жанг аслаҳаларига эга лашкарга қарши нима ҳам қила оларди. Ҳарбий фириб ишлатсанг, шиддат билан жангга кириб, ёғийнинг хаёлига ҳам келмаган усул ёрдамида уларни танг қолдириб, ғалабага бўлган ишончини батамом сўндирсанг, руҳан маҳв этсанггина ғалаба сен томонда бўлиши мумкин. Бунинг учун эса ёғий ҳеч бир кутмаган жойда ва вақтда, улар қалбида ваҳима қўзғаб, кўнглига ғулу солиб, қўққисдан ҳужум қилиш керак. Агар ёғий навкарларини улар умрида кўрмаган ва эшитмаган қойилмақом усулни қўллаган ҳолда маҳв этсанг, бунинг хабари ёғий лашкарлари орасида бир зумда

тарқалади, уларнинг дилига ғулу ва қўрқув солади. Бунинг учун эса, тушида кўрганидек, таглиги бор гумбазли ҳалқага этикларини киргизган ҳақиқий лочинлар от эгарига ўтириши керак. Лочинлар эса бор!

Ўша кун ҳам етиб келди. Алп Арслон хос навкарларини сафга тизди ва уларнинг кўз ўнгида эгарга боғлаб маҳкамланган, таглиги бор гумбазсимон ҳалқага чап этигининг учини тикиб, отга чаққон минди. Сўнг дарров ўнг этиги учини ҳам ўнг ҳалқага тикди-да, тулпорнинг жуганини қаттиқ силтаб тортиб, зарб билан сағрисиغا қамчи урди. Оқ саман олд оёқларини баланд кўтариб сакради, қаттиқ кишнаб, зарб билан олдинга интилди. Шамол тезлигида чопаётган тулпор устида Алп Арслон эгардан адл кўтарилиб, ўзини гоҳ чапга, гоҳ ўнгга, гоҳ орқага, гоҳ олдинга ташлар, отининг думидан, қулоқларидан ушлар эди. У тулпор устида қимирламайдиган қилиб маҳкамлангандек хоҳлаган ҳаракатини қила олар, истаган тарафга чалқаяр, қайишар, узалар ва буриларди. Айниқса, у гавдасини эгардан чап тарафга ташлаб, сурув четида югураётган қўзини икки қўллаб кўтариб олиб эгар бошига қўйганида навкарлар донг қотди, ҳатто ҳайратларини овоз чиқариб изҳор этишдан ҳам ожиз қолишди. Хос навкарлар саркарданинг от устида туриб қилишни зарб билан уришини, найза ўқталишини, ёғийни ағдариш учун арқон ташлашини, орқага роса бурилиб ўқ-ёй билан нишонга беҳато текки-

зишини ҳам худди шундай завқ ва ҳайрат билан томоша қилишди.

Алп Арслон юзидаги маржон-маржон терларни кўлининг орқа тарафи билан сидириб ташлади-да, хос навкарлари олдига келиб, оёқларини темир ҳалқага тираб, эгар устидан қоматини баланд кўтарди:

– Ҳаммангиз гувоҳ бўлганингиздек, отнинг устида енгил кўтарилишимга, ҳеч қийинчиликларсиз чалқайишимга, от устидан сирғалиб тушиб кетмаслигимга эгарга маҳкамланган ҳалқа сабаб бўлди. Унга оёқларимни тираганимда хоҳлаганимча узашиб, зарб билан қилич уришим, найза санчишим, арқон ташлаб ёғий аскарини отдан ағдаришим жуда осон ва қулай. Шунингдек, гавда ҳаракатим билан ёғийнинг қилич ёки найза зарбасидан ҳам осон қоча оламан. Бунинг барчаси шу оёқ кийгичга таяниб турганимдан. Шунинг учун ҳам уни «узанги» деб атайлик. Ҳамманинг отига узанги тақилмагунича бу тўғрида оғиз очманглар. Ҳаммада узанги бўлгач, маҳоратимизни оширамиз...

... Алп Арслон содиқ хуфиясининг маълумотлари сабаб бугун яна ўша кунларни эслади. Хуллас, бу томондан унинг кўнгли тўқ.

Аммо шу дамда унинг хаёлига яна бир дангал фикр келдию, қувончдан «Аҳ-ҳа!!» деб ҳайқириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Чунки назарида у хаёлини бир неча ҳафталар давомида бутунлай банд этган тугуннинг ечимини топгандек эди!

... Ёшлик ғайрати танасига сиғмаган дамлар. Амакисининг ҳай-ҳайлашига қарамай, тўриқни миниб, айғирдан энди қочган байтални етаклаб, кунботар томондаги олис қишлоққа жўнади. Ўша кечаси ой айна булутлар ортига яширинган пайтда отларга бўри галаси ҳужум қилди. Бўриларнинг кўплиги Алп Арслонни сал шошириб қўйди. Уч-тўрттасини чопиб ўлдиргани билан қутулиб бўлмаслигига кўзи етгач у тезлигини энди ошираётган байтални етакдан қўйиб юборди. Нўхтасидан бўшалган от олдинга сакраб жон-жаҳди билан шундай тезликда чопиб кетдики, ёли бўйнидан тикка кўтарилиб, думи хаданг бўлди. Бўрилар ҳам от изидан кува бошлади. Айниқса гавдали бир бўри гала ичидан алоҳида ажралиб чиқиб, от билан деярли кетма-кет борар, бироқ отга ташланмасдан, фақат қувишда давом этарди. Ниҳоят у отнинг думини тишлаб олди. Бир пас югургач, бўри орқа ва олд оёқлари билан ерга тиралди. Отнинг тезлиги пасайиб, кучанганча олдинга интилаётганида эса бўри бирданига думни қўйворди. Шу заҳоти от олди оёқлари қоқилиб мункиди-да, думалаб йиқилди. Бўрилар галаси бирдан унинг устига ташланди. Бечора от қаттиқ кишнашга улгурди, холос. Алп Арслон ўшанда бу манзарани қочмасдан кузатган, сўнгра отига қамчи уриб қарама-қарши томондаги қишлоққа кетган эди...

... Бугунги ёғийнинг нияти ҳам шу, кам куч сарфлаб, оз талафот кўриб, Алп Арслон жангчи-

ларини қириб ташлаш, асир олиш. Албатта, ўша бўри усули билан. Демак, уларнинг «бўри усули» машқи қиёмига етгани йўқ, тўқнашувни шу сабабли кейинга сурмоқда.

То қўриқчилари етиб келгунича Алп Арслон хаёлан бўлажак жанг режасини тузди. Мабодо ўзгача вазият рўй бергудек бўлса, отлар сафини тезда қайтадан тузиш, чекиниш, яна қайта ҳужум қилиш, ёғий сафини ёриб ўтиш мўлжалини пишитиб олди.

Жанг куни ҳам етиб келди.

– Эй менинг ғайрати ичига сиғмаган ботирларим! – хитоб қилди Алп Арслон жангчиларга қарата. – Биз ўзимиздан ўн тўрт баробар кўп ёғий қўшини рўпарасидамиз. Шиддатли ва оғир жанг бўлиши тайин. Она юртимиз, элимиз тақдирини ҳал қилувчи жанг. Ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз ва қизларимизнинг умиди биздан. Шу оғир жанг олдидан кимнингдир кўнглига қўрқув тушаётган бўлса, оти билан беш қадам олдинга чиқсин. У жангдан озод, ҳеч қандай жазо берилмайди, тўрт томони қибла...

Ҳеч ким ғиқ этмади.

– Балли, азаматларим! Энди, эшитинг! Ҳаммангиз учқур от устидасиз. Буйруқ шуки, от ёлини энг тубидан, думини эса бир қарич пастидан аямасдан кесинг. Сўнг думларни худди бугун эрта-лаб ўргатилганидай пишиқ қилиб қайта жойига тикинг. Қаттиқ тайинланган тадбир ва ишораларни ҳаргиз ёддан чиқарманг!

Ёғийнинг хуфиялари бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, отларнинг думи ва ёлини қирқишни Алп Арслон эрталабга қолдирган эди. Унинг йигитлари бу вазифани бажариб, отларини толиқтирмаган ҳолда ёғий қўшини томон ҳаракатлана бошлади. Ёғий отлиқларининг худди мўлжалдагидай сафланганини узоқдан кўриб, Алп Арслон қувонч билан «Ўйлаганимиздай!» дея ҳайқирди. Туманбошилар бу ҳайқириқни такрорлашди. Ҳайқириқ маъноси бир пасда барча жангчиларга маълум бўлиб, уларнинг жанговар руҳи кўтарилди. Алп Арслонга худди мана шу керак эди.

Шунда, кутилганидек, орқа томондаги пис-тирмадан, тоғ чўққиси ортидан ёғий жангчиларининг аввал темир учли дубулғалари, сўнгра отлари кўринди. Улар аллақандай тартибсиз ҳайқириқлар билан яқинлашиб келарди. Сафлар худди Алп Арслон ўйлаганидай: ҳаммаларининг оёғи отнинг икки тарафида, шалпиллаб осилиб, фақат тинмай отнинг қорнига тепиш билан овора. Демак, узангиси йўқ. Буни кўриб Алп Арслон наъра тортди: «Отлар ниқтаб ҳайдалсин! Секин-аста тезликни оширинг!»

Алп Арслон ўз тадбирининг тўғри чиқаётганидан шодланиб, наъра тортар экан, бу сўзлари жангчилари қалбига жасорат ва шижоат олиб кираётганини ҳам фаҳмлади. Ҳийланинг амалга оширилиш вақти яқинлашгани ва унинг ғалабага элтишига ишонч жангчиларга аллақандай сеҳрли руҳ бахш этаётгани уларнинг жарангдор

овозда бир-бирларига султони айтган сўзларни қайтараётганиданоқ англашилardi.

Алп Арслон жангчилари энишга яқинлашганида ёғий отлиқлари уларга қарийб етиб келди. Шу онда Алп Арслон йигитлари отларни қамчилади. Отлар сафи шиддат билан олға интилди. Ёғий жангчилари орқадан жуда яқинлашганида отлиқлар тезликни янада оширишди. Қаршидан эсаётган кучли шамол ва тезлик боис отларнинг думи сони тўғрисиғача кўтарилди. Ёғий жангчилари ҳам ҳайқиришиб, уловларини аямай қамчилашар, отлар анча толиққан бўлишига қарамай қамчи зарбидан шиддат билан олға интиларди.

Ёғийлар яқин келишлари билан, кутилганидек, «бўри усули»ни қўллашди – олдинда чопаётган Алп Арслон жангчилари отларининг думига моҳирлик билан илгак ташлай бошладилар. Айни пайтда бу усулдан кўп нарса кутган ёғий аскарларининг ҳайқириғи оламни тутди. Бу ҳийланинг натижаси нима билан тугашини яхши билган Алп Арслон ва жангчиларига эса ёғийнинг бундай бевақт қувончидан янада руҳланишар, жасоратларига жасорат қўшилиб борарди.

Кутилган вақт ҳам келди. Бир қатор саф тортган Алп Арслон жангчиларининг отлари айни эниш тугаган жойга етганда, ёғийнинг рўпарадаги навкарларига 50 қадамча қолганда, душманининг орқадаги аскарлари олдда шиддат билан югураётган отларнинг думига маҳкам илашган илгакларни куч билан ўзларига тортди. Аммо от-

лар мункимади, аксинча уларнинг думи юлиниб келди, холос. Ёғийнинг отлиқ аскарлари нима бўлганини тушунмай ҳангу манг бўлиб қолган, отлари эса шиддат билан пастга чопишда давом этарди.

Шу пайт Алп Арслоннинг «Шунқорларим!» деган ҳайқириғи эшитилди. Бу аввалдан белгиланган топшириқ эди. Уни эшитишлари билан бир қаторда бораётган жангчилар дарҳол уч қаторли саф ҳосил қилишди, яъни ўртадаги жангчининг бири олд тарафга, бири орқага сурилди. Натижада қаторлар оралиғи анча кенгайди. Бу сафланиш шунчалик тез амалга оширилдики, ҳали ўзига келиб улгурмаган ёғий отлари узилган думларни судраганча ана шу ораликдан шиддат билан ўтиб кета бошлади. Натижада ўзларининг рўпарадаги жангчиларига урилиб аралаш-қуралаш бўлиб кетди, сафлари бузилди.

«Ана, олтмиш минги кетди, энди навбат қолганларига» деб ўйлади Алп Арслон ва баланд ҳайқириқ билан «Тепаликка!» дея наъра тортди. Чап тараф отлиқлари ўз лашкари билан аралаш-қуралаш бўлганидан қаттиқ изтироб ва хавотирга тушган ёғий бошлиқлари каловланиб қолган эди. Жанг тақдирини тез ва шиддатли ҳужум ҳал қилишини тушунган ва шундай қилиш ҳақида кўрсатма олган Алп Арслон жангчилари шу пайтда наъра тортганча ёғийнинг тепаликда саф тортган отлиқлари сафини бузиб, пораканда қилишга тушди. Улар тезда қайта сафланиб, тепа-

даги биродарларига ёрдамга ошиқаётган, лекин уюшган ҳолда жанг қилишни уддалай олмаётган ёғий жангчилари томон от суриб, шиддат билан ёпирилди. Устунлик Алп Арслон йигитлари томонда. Чунки ёғий навкарлари узунгиси бўлмагани боис энгашиб қиличлашишга мажбур. Алп Арслон жангчилари эса ўнг томондаги рақибга қилич сермаб, чапдагисини қалқони билан бошига уриб, отдан ағдармоқда эди. Тепаликка кўтарилаётган отларни ҳам бошига қилич билан уриб йиқитар, бу отлар устларидаги жонсиз ёки ҳушидан айирилган ёғий жангчилари билан пастга юмалатиб кетмоқда эди. Энишдаги текис майдондан ёғий навкарларининг фарёди, отларнинг қаттиқ кишнаши, Алп Арслон жангчиларининг эса «олдини ўра», «тиккасидан иккига бўлиб ташла», «орқасидан қувма», «ўраб олинглар» деган наъра ва ҳайқириқлари эшитиларди. Улар ёғий жангчиларининг ўнг қанотини тор-мор қилиб, чап қанот сари интилганларида душман аллақачон жанг майдонидан жуфтакни ростлаб қолган эди...

Ёғийнинг марказий лашкари нега жангда иштирок этмаётгани сабабини ўйлаётган Алп Арслон уларнинг ўнг қанот билан сўл қанот жангчиларини айириб турган катта кенг тепалик ортида пайт пойлаб турганини фаҳмлади. Аммо Румнинг айёр ва тажрибали саркардалари ўнг ва сўл қанот жангчиларининг бу тарзда жуда тез тор-мор бўлишини асло кутмагани, 100 минг-

лик отликларимиз уларнинг суробини қисқа вақт ичида тўғрилаб қўяди, ҳатто бизнинг жанг майдонига киришимизга ҳам ҳожат бўлмас деб ўйлагани аниқ. Жангнинг ҳозирги ҳолати эса уларни ҳам саросимага солгани аён, бироқ ҳали ёғий катта куч. Алп Арслон шуларни ўйлар экан, диққат билан разм солди: марказий лашкарнинг ўз сафларини бузмасдан, бир текис бўлиб, бўйига 100 қатордан сафланиб тепадан тушиб келиши худди қоп-қора булутнинг ерга тушиб, энди пастга энганича юмалаётганига ўхшайди. Алп Арслон ҳал қилувчи жанг энди бошланажагини ҳис этар, худди билгандай, бу ҳолни туманбошилар билан аввалдан келишиб олганидан хурсанд эди. Чунки улуғ бобоси Оттила усулини қўллаш фурсати келган эди! Алп Арслоннинг «Иккитадан сафлан!» деган буйруғи янгради. Босиб келаётган булут-қўланка олдида Алп навкарлари икки қатор бўлиб сафланишди. Булут-қўланка ёйнинг ўқи етар масофадан ҳам яқинроқ келганида биринчи қатордагилар аниқ нишонга олиб, ёйларидан ўқ ёғдирган заҳоти отлари бошини кескин орқага бурганча иккинчи қатордагилар орқасига ўтишар ва тезликда ўқ-ёйни ҳозирлаб, отишга тайёрланиб олишар эди. Жанг худди шу тартибда давом этар, ёғий жангчилари билан туркийлар ўртасидаги масофа деярли ўзгармай қолаётган эди. Алп Арслон аскарларининг ўқ ёмғири ёғийнинг олдинги сафдаги аскарларини ёки уларнинг отларини қулатар, орқадагилари эса қулаган от-

лар ёки ярадор ва ўлган жангчилар танасига суринар, душман сафида парокандалик юзага келган эди. Ана шу кезде Алп Арслоннинг қўлидаги қизил дурра ҳилпиради. Туркийлар қўшини энди найза ва қиличлари билан қаттиқ наъра тортиб ёвга ташланди. Шунини кутиб турган Рум аскарлари уларни икки тарафдан ярим ҳалқа бўлиб ўраб ола бошладилар. Шунда Алп Арслон қўлида энди яшил дурра ҳилпиради. Бу ишорадан сўнг туркийлар қўшини отлар бошини орқага буриб, тезликда чекина бошлади.

Рум аскарлари бунини ғолиблик деб билиб, қичқирганча туркийларни қувишга тушишди. Шу алпозда улар икки тарафи торайиб келган катта дарага тушиб, энига минг қаторлик сафлари беш-олти марта кичрайиб сафланишга мажбур бўлиб қолишди. Бунинг устига, ғолиб бўлди деган ҳайқириқ орқадагиларга етиб бориб, хурсандчиликдан сафланиш қондасини ҳам унутганча аскарлар бир-бирларини қутламоққа киришди.

Бу аини муддао эди. Орқага тартибсиз чекинаётган Алп Арслон навкарлари эса ёғий ана шундай ғалабага роса ишонган бир пайтда йўл-йўлакай қайта сафланиб олиб, узангига оёқларини тираганча, от устида ортга бурилиб, яқин масофадан орқадаги душманни ўққа тута бошлашди. Бунини кутмаган ёғий аскарлари кетма-кет отдан қулай бошлади. Дара ичи бир пасда Рум аскарларию отларининг ўлган, юмалаган, йиқилган таналарига тўлиб кетди. Бу ҳол эса

уларнинг туркийларни таъқиб этишига халақит бера бошлади.

Алп Арслон навкарлари ўқлари тугагунича шу тарзда ҳам қочиб, ҳам душманни ўққа тутиб боришди. Кейин эса бирданига отларининг ҳам бошини кескин ортга буришиб, қалқон билан химояланганча рўпарама-рўпара жангга киришди. Улар узангига оёқларини тираб олиб, ўнга, чапга, орқага, олд тарафга бемалол узанган ҳамда эгар устидан гавдаларини адл кўтарган ҳолда Рум аскарларига қилич солар, найза санчар, отдан ағдарар, ўзларини эса уларнинг хужумидан осонлик билан олиб қочиб, ёғий аскарлари бошига ҳатто қамчилари билан ҳам зарба беришар эди. Натижада кўп талафот кўрган Рум аскарлари ортга бурилиб қоча бошлади. Иккала оёқларини отининг белида таянчсиз осилтириб, ўзлари от бўйнига ётиб олган ҳолда қурол-яроғларини деярли ишлата олмай тартибсиз қочаётган Рум аскарларига етиб олган туркийлар эса уларни найзаси билан туртиб ёки бўйнига арқон ташлаб отдан осон йиқитишар эди. Шу тахлит жанг румликларнинг тўлиқ мағлубияти билан тугади.

... Алп Арслон жангчилари айланасига тўрт қатор бўлиб сафланган. Саф шундай текис, қаторлар шунчалик равон эдики, бундан саркарданинг ўзи ҳам суюнди. Кўнгли тўлқинланиб, жангчиларига меҳри юз чандон ортди, бу меҳрни қай йўсинда изҳор этишни билмай «Биз енгдик!!!» дея

хайқирди. Ҳар томондан «Енгдик! Енгдик!» деган товушлар гумбирлаб эшитилди.

Шу кез айлана сафдан йўлак ҳосил бўлди-да, император Ромео II кириб келиб, тўғри Алп Арслон томонга юрди. Дам-бадам депсиниб, пишқириб, ғайрати танасига сиғмаётган оқ тулпорини сал тинчитиш учун жуганини тез-тез тортиб кўяётган Алп Арслонга яқинлашган император ғолиб саркардага енгил таъзим қилди.

Алп Арслон Ромео II га бошдан-оёқ разм солди-да, ҳайбатидан, кўзларининг тик боқишидан жасур киши эканини фаҳмлади. Кейин салмоқ билан гап бошлади:

– Император жаноблари! Бир неча бор уруш қилмайлик дедик. Бунга розилик бермадингиз. Мана оқибати – асиримсиз. Айтинг-чи, тақдир тақозоси билан мабодо мен сизга асир тушсам, сиз менга қандай жазони муносиб кўрардингиз?

– Энг аввало, Алп Арслон жаноблари, сизни ғалаба билан қутлайман. Менинг устимдан сизнинг жангчиларингиз эмас, чопқир тулпорларингиз ғалаба қилди. Отларингизга қойил! Бизнинг усулимизни ўзимизга қарши ишлатдингиз, тасанно! Агар мен Сизни асир туширганимда, ўзидан ўн тўрт баробар ортиқ қўшин билан юрагингиз дов бериб тўқнашганингиз учун ҳам, тўрт томонингиз қибла, деб озод қилган бўлардим.

– Мард экансиз. Шу сўзингиз ўзингизга сийлов. Сизнинг асир тушган жангчиларингизнинг ҳам тўрт томони қибла!

Сўнг аскарларига буюрди: Уларни озод қилин-
лар!

Бу сўзлар шунчалик таъсирчан эдики, нафақат император, ҳатто саркарданинг ўзининг киприк-ларига ҳам ёш қалқди. Аммо буни иккисидан бошқа ҳеч ким сезмади.

* * *

– Ана шундай, раис. Боболаримиз рақиблари-ни ҳамиша топқирликлари билан енгиб келиш-ган. Энди, қиссадан ҳиссага кўчсак, билгандир-сиз, отларнинг энг кучсиз жойи думи бўлади. Шунинг учун ҳам улар бўридан қаттиқ қўрқади. От бўрини кўрганида ёки сезганда унинг бутун танаси, бадани дириллай бошлайди. Жон-жаҳди билан қочиб қутулишга ҳаракат қилади. Бўрига эса худди мана шуниси керак: думидан тортиб, кейин кўйиб юборади. От ўмбалоқ ошиб кетиб йиқилади. Қолгани аён.

– Э, раҳмат, чавандоз! Воқеани жуда қизиқ ҳикоя қилдингиз. Жуда ажойиб! Узангини ким ўйлаб топгани, бу кашфиётнинг ғалабани таъминлашдаги аҳамияти тўғрисида энди тўлиқ та-саввурга эга бўлиб турибман. Тасанно! От тўғри-сида ҳам ҳали билганимиздан билмаганимиз кўпроқ экан. Яна отга берган меҳримиз ҳозирги-дан ўн чандон баланд бўлмоғи зарур эканини ҳам англадим.

– Шундай, раис. Ҳақ гапни айтдингиз.

– Сиз билан отлар ҳақида яна қанча суҳбатлаш-

са ҳам тўймайди одам, аммо идорага боришим керак-да, ишлар кўп.

– Иш адо бўладими, раис. Доим бир нарса топилиб туради. Шунини ўйлаб инсон ўзи асли меҳнат учун яратилмаганмикан деб қоламан.

– Энди-и, буёғи фалсафа, чавандоз! Ҳа, айтмоқчи, Маҳаттепа пастадаги беда етилган эди, ўрилдими?

– Ҳа, раис, ўриб олиб, ўтпояга бирданига сув ҳам қўйдик.

– Яхши қилибсизлар. Майли, ҳали от ҳақида яна бир алоҳида суҳбатлашармиз. Бу борада сизнинг билганларингиз бир дунё.

– Насиб қилса, албатта гаплашамиз, биз доим тайёр, раис.

– Бўпти унда, чавандоз.

Парда раис йўрғага миниб йўлга тушиши билан хаёлга берилди. Содиқ чавандознинг ҳикояларини мушоҳада қила бошлади: «Гулистон билан Қашқа йўрғанинг кишнаши сабабини энди тушундим. Улар бир-бирининг ҳидини узоқ масофадан ҳам билишар эканда-а. Ҳа, биз инсонлар отнинг феъли, қилиқларига яраша муомала қилмоғимиз учун аввало уларни синчиклаб ўрганишимиз керак экан. Ахир мен ўн йилдан бери бирга юриб ҳам Қашқа йўрғамнинг феъл-атворини тўлиқ билмайман!»

Шундай хаёллар билан Парда раис Мирзапўчоқ қишлоғига кириб келгани, идорага қачон етиб олганини ҳам сезмай қолди. Дарвоза олдида уни қоровул кутиб олди:

- Ассалому алайкум!
- Ва алайкум ассалом!
- Раис бова! Райкомнинг биринчи котибига шу бугун, иложи борица тезроқ учрашар экансиз. Шофёри виллисда келиб айтди.
- Бошқа ҳеч нарсa демадими?
- Йўқ! Бошқа хўжаликларга ҳам хабар бериши керак, шекилли, Қорабоғ томонга қараб кетди.
- Майли. Мен идорага кириб, у-бу ишларни жойлаштириб чиқай-чи...

Раис Қашқа йўрғанинг жilовини қоровулга тутқазди-да, идорага йўналди. «Нега чақирди экан? Чигит ташланадиган ерни тўлиқ шудгорлаганмиз. Қиш ва баҳор яхши келди, совлиқларимизнинг кўпи эгизлаган. Ҳар юзидан бир юз беш-бир юз олтитадан қўзи олсак керак. Кўпроқ бўлсин деб талаб қилишмаса эди, ишқилиб... Зуғум қилишмас? Борини берамиз-да.... Балки бедага кўпроқ ер ажратганимиз маъқул келмадимикан? Ахир пахтага ажратилган ер ҳисобидан эмас-ку! Кузги буғдойимиз гуркираб ўсаётган бўлса... Гўшт топширишни ҳам ортиғи билан бажардик. Хўш... Яна нима бўлиши мумкин?»

Парда раис ўйлаб ўйининг тагига ета олмади. Идорадан ҳорғин чиқди-да, дарвоза томонга юрди. Ўнг тиззаси зирқираб оғрий бошлади, бунинг устига чап чакка бош томири ҳам лўқилларди. Бунинг устига райкомга чақирилиш сабабини тахминан бўлса ҳам фаҳмлай олмаётгани уни оғриқдан ҳам баттар безовта қилар, ҳатто бироз

хавотирга ҳам солмоқда эди. Ҳатто сал таҳликага тушаётганди. Райком котибининг шофёри келганида ўзининг бу ерда бўлмагани ҳам яхшилик аломати эмасди.

От туман маркази томон йўрғалаяптию, Парда раиснинг хаёллари миясини тинимсиз пармалайди: «Балки менинг ўрним керак бўлгандир?.. Ахир бунини хўжалик идорасига келиб дангал айтса ҳам бўларди-ку! Мен шу мансабга ёпишиб олганим йўқ-ку! Ўтган сафар: «Энди мени шу лавозимдан бўшатсангиз, анча йил ишладим. Аризамни ёздим. Сиздан илтимос», – деганди. Ўшанда райком котиби: «Бу сизга бир қоп картошкани омборхонага бўшатгандай осонгина иш эканда-а! Ҳамма хаёлига келган нарсани қилаверса, жамиятнинг жамиятлиги қоладими, раис?! Партия бор. Қолаверса, раҳбаримиз... Сиз партия аъзосисиз. Демак, партия нима ва қандай ишни буюрса, сўзсиз адо этишга мажбурсиз. Шунини унутманг, раис! Боринг, энди ишингизни бажараверинг», – деб сўзининг охирида беўхшов ишшайиб ҳам қўйган. Унинг ўзини бундай тутиши унга «Сен ким бўлибсан, барча айтганимни бажаришга мажбурсан-да... Қани айт-чи, бунга қарши нима ҳам қила олардинг? Сал-пал иддао қилиб кўрчи, қандай қора кунларни кўрар экансан...» дегандек туюлганди. Ўшанда оддий одамларнинг ҳам ғурури борлигини билдиргиси келиб оғиз жуфлаган бўлса-да, гап қайтариш ўта бефойда эканлигини англаганлигидан дардини ичига ютиб қўя қолганди. Ҳозир ҳам жиддий бир нарсани сезгандай нохуш кайфиятга

тушган раис ёмон хаёллар исканжасидан ўзини
чалғитиш учун ўз маромида енгил тебраниб, аста
ва майин йўрғалаётган қашқа йўрғанинг егарига
яна-да қўлайроқ жойлашиб олди-да, оёқларини
узангига тираб, юмшоқ, бироз ҳазин товуш билан
ҳиргойи бошлади:

*Майсанинг титрар жони бор,
Унда ўзбекнинг қони бор,
Душманига ҳам нони бор,
Жоним элим, жон элим-а!*

*Ёмғири тупроқнинг қони,
Мардлиги – шуҳрати, шони,
Сўзида йўқ ҳеч ёлғони,
Жоним элим, жон элим-а!*

*Мардлик асли бор қонингда,
Учқур қанотинг ёнингда,
Орият метин шаънингда,
Жоним элим, жон элим-а!*

*Меҳнатингдан қўлинг чайир,
Отинг дулдул, қорабайир,
Қўрингда йўқ нокас, ғайир,
Жоним элим, жон элим-а!*

*Бағри кенглик сенга мерос,
Тананга сиғмас эҳтирос,
Кўнгли бўш, соддасан, холос,
Жоним элим, жон элим-а!*

*Бирлигингни овушмайсан,
Оғалардек товушмайсан,
Бирдам бўлиб қовушмайсан,
Жоним элим, жон элим-а!..*

Шу онда бир шоирнинг шеъри ёдига тушди.
Атрофга бир қараб олиб, пичирлабгина ёддан
ўқий бошлади:

*Эрурсан сен суюкдан суюк,
Тарихинг бор муқаддас, буюк,
Тарқоқ элим – сочилган дондай,
Шундан менинг юрагим куюк.*

*Қаддинг букик, қалбинг тўла ғам,
Йиллар ҳорғин ташлайсан қадам,
Қувончни-ку бермаслар, ҳайҳот,
Лек бошингда туҳматлар ҳар дам.*

*Сўзинг туҳмат демагил бироқ,
Бу фикрдан йироқман – йироқ,
Лекин, дўстлар, сафсата нечун,
Заҳар еса бу она тупроқ?!*

*Бу ўтгинчи ҳол эрур, аммо,
Мени қийнар бир муаммо,
Аждодларинг шуҳрати буюк,
Нега бугун дониш камнамо?!*

*Ҳақиқатга босилган тўғон,
Беллар майиб, занжирлар йўғон,
Биродарлар! Бирдамлик қани?
Хаёлимда саволлар ғужғон.*

*Эрусан сен шунчалар суюк,
Тарихинг бор тоғлардан буюк,
Бирлашмасдан юрибмиз тўзиб,
Шундан менинг юрагим куюк.*

«Майли, аъзомиз. Аъзо бўлгандан кейин бажарамизда, ахир! Олдимизда порлоқ келажак. Муносиб ҳисса қўшишимиз керак, албатта».

Раис райком котиби қабулхонасига кириши биланоқ котиба қиз унга «кираверинг» ишорасини қилди.

Райком котиби кутиб турган эканми, саломлашмасдан ҳам ўтиришга имо қилди. Раис «ҳаҳ, бугун имо-ишорага куним қолибди-да», деб хаёлидан ўтказди-ю, «Ассалому алайкум, яхшимисиз...» дея кўрсатилган жойга ўтирди. Райком котиби стол устида бетартиб ётган қоғозларни биров титкилаб, ниманидир қидирган бўлди, тополмади шекилли, бир пас жим қолди. Унинг нимадандир безовта экани юз ифодасидан шундоққина билиниб турар, буни раис ҳам сезганини фаҳмлаётган эди. Котиб ғаладонидан йўғон қалам олди-да, гапни нимадан бошлашни билмай қийналдими, қаламни бир пас ўйнаб туриб, анчадан кейин салмоқ билан гап бошлади:

– Раис! Юқоридан муҳим топшириқ олдим. Хабарингиз бор, Рязань области чорвадорлари бир йиллик гўшт топшириш режасини уч баробар зиёди билан уддалади, азаматлар. Партия топшириғини аъло даражада бажаришибди, қойил!

Хўш, улардан бизнинг нимамиз кам! Керак бўлса, устунмиз, устун!

Биласиз, районимиз давлатга гўшт топшириш режасини кечадан олдинги куни муваффақиятли уддалади. Биринчининг раҳматини олдим. Қўлимни қаттиқ сиқди. Айни пайтда муҳим топшириқ ҳам берди. Ўзингиз биласиз, районимиз олдингилар сафида. Ўрнимизни бошқаларга бўшатиб бергимиз йўқ. Бермаймиз ҳам. Бу бизга ярашмайди. Ана шундан келиб чиқиб, бизга шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилди. Давлатга гўшт топшириш режасини 200 фоизга бажаришимиз шарт. Имкониятларимиз етарли. Ваъда бердим. Ваъдани бажармаслик партия аъзоси учун жиноят! Бажариш эса юксак шараф! Биз сизни уялтириб қўймаймиз дедим Биринчига. Хуллас, бугундан шу вазифани бажаришга партия аъзоси сифатида киришасиз.

«Гўшт» сўзи тилга олиниши билан раиснинг кўз ўнгидан Етимкўл, Қизилкўл, Қорақўтонкўл атрофларида диркиллаб ўйнаётган қўзилар, уларнинг ўйинига жағини қимирлатиб ҳайрат билан тикилаётган совлиқлар, бузоқчаларининг қашқасини тиллари билан силаётган сигирлар, боласининг тўйи учун боққан ҳўкизини топширганда ҳеч кимга билинтирмай, чеккага қараб йўталиб, дастрўмоли билан кўзёшини артган қариялар ўта бошлади. Ҳиссиётларини яшириш учун раис ўзида куч топа олмади, юзлари қизарди, нафас олиши тезлашди:





– Ўртоқ райком секретари! Ахир гўшт топшириш режасини бажариш учун барча ҳўкиз ва тоналарни элтиб бердик. Энди улар йўқ! Нима қиламиз?! Қандай маслаҳат берасиз?

Бу гапларни айтар экан, раиснинг пешонасини тер босди. Оёқлари дармонсизланди. Бармоқлари қалтирай бошлаганини сездирмасликка, бепарвороқ кўринишга ҳаракат қилди.

Шу вақт райком котибининг сўзлари қулоқ пардаларини тешар даражада гулдиради:

– Раис! Гап қайтаряпсизми?! Партия аъзосимиз-а?! Лаббай деб жавоб бериш ўрнига чайналасиз. Мендан маслаҳат сўрайсиз. Бу нима деган гап?!

Парда раис таҳдид ва зуғум тўла сўзларни эшитар экан, кўнглидан минг бир гап ўтди. «Планни бажарсанг бир бало, бажармасанг минг бало. Бир қадам олға юрган эдим, балога гирифтор бўлдим. Энди икки қадам орқага кетишим керакми? Бу нима деган гап, қандай замон, ахир?!». Шу кезде чакка томирлари лўқ-лўқ ура бошлади, танаси бармоқларининг учигача қизарди, нафас олиши янаям тезлашди. Костюмининг тугмаларини ечиб, кўйлагининг ёқасини кенгайтирди. Аммо ўйлаганларини гапириш учун энди оғиз жуфтлаганида котибнинг сўзлари жаранглади:

– Ўзингизни босиб олинг, раис! Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги остида яшаяпмиз, ишляапмиз. Демак, биз ҳам шунга яраша жавоб беришимиз кераклигини наҳотки сиздай онгли ва етакчи партия ходими тушунмаса?!

– Тушунаман. Тушуняпман!..

Раис пешонасидан оқаётган терни рўмолчаси билан артар экан, изтироб билан ўйлади: «Ахир жамоа хўжалиги ўтириб қолади-ку! Ҳар йили тобора орттириб берилаётган топшириқдан резервларимиз тугаяпти-ку! Режани бажариш учун топширилаётган қора ва ушоқ моллар сонидан туғилаётганлари камроқ бўлса!» Раиснинг миясидан қайсидир бир аллома айтган сўз липиллаб ўтди: «Деҳқончилик уч йилда, чорвачилик қирқ йилда тикланади. Йўқотилган илм эса юз йилда ҳам тикланмас!» Шундоқ эди чоғи, ёки сал бошқачароқмиди? Эҳ, хотира ҳам кетибди!

Райком котиби раиснинг аҳволини тушунди, шекилли, чойнакдан пиёлага чой қўйди-да, аста юриб келиб унга узатди:

– Ўзингизни қўлга олинг, раис! Бу сизга ярашмайди-я! Катта обрўйингиз бор.

«Агар шу обрў бўлса, бўлмагани минг аъло эди. Ахир одамларга нима дейман!? Партиянинг топшириғи десам, сиртларида индашмаса ҳам, ичларида «ҳе, топшириғинг билан қўшмозор бўл, жондан ўтиб кетди-ку сон-саноксиз топшириқларинг» дейишлари тайин. Нима қилдик? Нима қилсак бўлади?...» Раиснинг кўз олди қоронғилашиб, бармоқлари билан бирга энди қўллари то тирсаккача қалтирай бошлади. Ичини бамисоли каламуш кемирар, юрагини эса нимадир тимда-лаётгандай. Боши худди бўм-бўш идишдай ғувул-лаб қолди. Пиёлани икки қўллаб ушлаб, чуқур на-

фас олди-да, чойдан бир хўплади. Лекин чойнинг иссиқ-совуқлигини сезмади. Фақат тишлари пиёла четига такиллаб урилганинигина эшитди.

– Раис, энди гап бундай. Бу шарафли вазифани бажариш учун бор имконимизни ишга солишимиз зарур ва шарт. Партиянинг сўзи – сўз. Айтилдим, тамом, у қонун. Қонун олдида ҳамма жавобгар, айниқса, партия аъзолари.

– Тушунаман. Биламан. Аммо...

– Мана шу «аммо» сизга ярашмайди.

– Имкониятларимиз...

– Имкониятларингиз бор. Фақат ўзингиз билмаяпсиз, холос.

– Ахир хўжалик ўтириб қолади-ку!?

– Йўқ, ҳеч ҳам ўтирмайсиз. Айтинг-чи, хўжалигингизда нечта шахсий от бор? Парда ортига беркинмай, тўлиқ маълумот беринг-чи, раис! Маълумотни сохталаштириш жиноят эканини яхши биласиз...

Раиснинг назарида райком котиби туман орасида қолгандек, унинг сўзлари ёқимсиз гулдираб, фақат қулоқни шанғиллатарди. Гапларининг қай томонга оғаётганини фаҳмлаш учун базўр эс-хушини йиғиб олишга интилар экан, котибнинг ўзи сўз бошлаб қолди:

– Биз хусусий мулкка қаршимиз. Биласиз-а! Шахсий отларни гўштликка топширасиз.

– Отларни?.. Отларни дедингизми?! Нима учун?! Отлар ҳам гўшт бўладими? Улар йигитларимизнинг қаноти-ку!

– Ҳа, йигитларнинг қанотини! Энди қанот-сиз юраверишади йигитларингиз! Эй, менга қаранг, нима, коммунистик партия сизларга қанот эмасми?! Биринчи бўлиб ўзингиз бошлаб бера-сиз. Йўрғани гўштликка топширасиз. Эрта-индин сизга кераги бўлмай қолади барибир.

– Владимир Захарович! Ахир планни бу йил ортиғи билан бажардик. Шу... икки баравар қилиб бажаришни янаги йилга қолдирсакмикан? Партия аъзоси сифатида ваъда бераман. Хўжалигимиздаги барча партия аъзоларининг ҳам кафиллигини олиб бераман. Ваъдам қатъий, Владимир Захарович! Жоним оғам! Отларга те-гинмайлик...

– Ҳу, Парда раис! Сиз катта оғага қарши чиқ-моқчимисиз?! Катта оғага-я? Сизнинг мана бун-дай гердайиб юришингизнинг асосий сабабчиси ким?! Шонли партия сафида юриб, фаровон ҳаёт кечираётганингизни писанда қилаётганим йўқ, раис! Катта оғалар бўлмаса юрардингиз босмачи замонида... Мен ҳали унутганим йўқ, раис! Пах-тани суғориш ўрнига одамларинг томорқаси деб сувни исроф қилганинг учун аллақачон сени қа-моқда чиритишим керак эди. Аввалги йили пах-та топшириш режасини бир ярим баравар қилиб уддалаганинг учун сени аядим. Ижроқум раиси Жўра Ғозиев ҳам сенинг тарафингни олмаганида ҳолинга вой бўларди. Ўтирмасдинг ҳозир шу ерда гердайиб...

– Ахир..

– Ахир-пахирни йиғиштиринг. Партбилетингиз ёнингиздами? Айтмоқчи, бир ҳафтадан кейин райкомнинг пленуми бўлади. Аъзо бўлмасангиз ҳам қатнашасиз. Ўзим айтаман. Топшириқ эса ба-жарилиши шарт. Ўйлашга ҳожат йўқ!

Райком котиби шундай деб жойига ўтирди. «Сизга рухсат, энди чиқиб кетаверинг» ишорасини илғаган раис ўрнидан аранг турди ва эшик томон юра бошлади.

– Раис! Раис, бошқа томонга юрдингиз. Эшик бу ёқда қолди.

Раис тескари тарафга юриб, эшик тавақасини аранг илғади, чиқаётганида эса қулоғига «Пленумгача хайр» деган гап эшитилди. Гандирак-лади, кўз олди қоронғилашиб, суйрига ўхшаш аллақандай оқ-сарик тусдаги оловли нарсалар уча бошлади. Эшик тавақасига суянганча ташқарига қадам қўйиши билан кўнгли беҳузур бўлиб, бир-икки марта ўқчиди. Кўзини амаллаб очиб ўтиришга жой қидирди. Аммо ҳеч нарса кўрмади, аксинча шифт айлана бошлади. Унинг гандираклаганини кўриб, котиба югириб келди. «Ие, раис бова, сизга нима бўлди», дея унинг қўлтиғидан олиб, диванга ётқизди.

– Қизим, бир пиёла сув бер, илтимос, ичим куйиб, ҳаво етишмаяпти.

Котиба шошиб бир пиёла сув келтирди, деразаларни ланг очди. Парда раис сувни ютоқиб ичди-да, чуқур нафас олди. Бироқ ичидаги олов баттар алангаланди. Яна бир пиёла сув сўраб ол-

ди-да, куйлаги ёқасидан куйиб юборди. Шундан сўнг нафас олиши бироз енгиллашиб, кўз олди сал-пал ёришгандай бўлди. Дераза ёнига бориб, кўкда тўпланаётган бир тўп қора булутга узоқ тикилди-да, бор кучини тўплаганча «Уҳ!» деди. Бу «уҳ»да фақат ўзигина тушунадиган алам бор: энди ҳисобчиликни бошлаганида камоматни ёпди-ёпди қилиш топшириғини бажармагани учун қамалгани, қамоқ машаққатлари, ғурурини поймол этган мазахлар, саккиз ойдан кейин туҳмат фош этилиб, озодликка чиқиши, ҳаммаси бирма-бир кўз олдида намоён бўлди. Тилинган бағридан отилиб чиққан бу инграш фарёд тўлқини эди. У райком котибининг «барча имкониятни ишга солишимиз зарур» ... «Пленумгача хайр» деган сўзлари замирида қандайдир даҳшат шарпаси борлигини, бу шарпа балою қазо каби нафақат раиснинг ўзига, балки хўжаликнинг баъзи фаолларига ҳам туҳмат бўлиб ёғилиши мумкинлигини англамоқда эди. Баланд тепалик устида бошларини адл кўтариб, думларини гижинглатиб ўйнаётган ғўнон, чўбир, оғот, бўзот, бурул, жийрон, саман, қуранг, тўри, чавкар, чибор, шапоқ, қорақашқа айғирларнинг ўз байталларини ёнига олиб, унга умид билан тикилиб тургани кўз олдидан ўтди. Улардан баъзиларининг кўзида оғир мунг, айримларининг кўзида эса ёш...

Раис алам билан хўрсиниб, яна бир чуқур уҳ тортди-да, сўнгра «ҳе, топшириқларинг билан...»

дея тишларини ғижирлатди. «Улло, агар эркин бўлганимда пешонасига зарб билан бир мушт урардим занғарнинг», – дедию, диван орқасига туфлади. Чўлоқ оёғи тиззасидаги оғриқдан кўра, дилидаги алам қийноғи зўрроқ бўлса ҳам, ирода кучига ишонган ҳолда, уни енгишга уриниб хонадан чиқди.

Парда раис қандай қилиб райком биносидан чиқдию, қай ҳолда Қашқага минди, буни эслай олмайди, эшлашга мадори ҳам йўқ эди. Отнинг ёлига бошини маҳкам босиб олди, эгар ботган кемирчагининг оғриғини ҳам деярли ҳис этмади. Қалбининг энг тўридаги аччиқ ситам фарёдга айланиб борар, буни атрофдагиларга сездирмаслик учун пастки лабларини қаттиқ тишлаб олган эди. Аммо устки лаблари тинмай титрар, сал оқарган ёноқлари пирпираб учар, жуган тутган бармоқлари титрар эди. Бунинг устига раиснинг ички туғёни кўз ёши бўлиб, титраётган лабларига оқиб тушарди. Ана шу кўз ёшлари чакка томирларининг лўқиллашию қулоғининг шанғиллашини бироз камайтираётган эса-да, руҳияти ҳали зарба таъсиридан чиқиб кета олмаётганди. Қалбида нотинчлик ҳукмрон, ўй-хаёллари чувалашган, юраги ҳам кутилмаганда тўхтаб қоладигандек безовта эди. Бу ҳолдан чиқиш учун раис ўзини овутадиган сабаб излар, «балки ҳали нажот бордир, шунча отни гўштликка топширмай сақлаб қолишнинг чораси топилиб қолар, оқсоқоллар билан маслаҳатлашиш керак» дерди қайта-қайта.

Қашқа ҳам ҳар доимгидек илдам йўрғаламас, бошини қуйи солганича ирғаланиб қадам ташламоқда. Ҳар-ҳар замонда эгасига далда бермоқчи бўлгандек эгилган бошини баланд кўтариб олар, аммо ўттиз-қирқ қадам юргач, яна қуйи туширарди. Парда раис отни юқоридаги тўғри ва кенг йўлга эмас, паст ялангликдаги ёлғизоёқ сўқмоққа бурди. Нега шундай қилганини ўзи ҳам тушунмас эди.

«Агар мамлакатнинг бирон ерида уруш кетаётган бўлса ёки очарчилик бошланса режани икки баравар ошиқ бажаришни тушунса бўлар. Ахир бундай эмас-ку! Бўлмасин ҳам! Халқ фаровонлиги учун деб, аслида эса тескарисини қилиб одамларни руҳан эзиш қандай мантиққа сиғади?! Руҳи чўккан фуқаронинг меҳнатида барака бўлмаслиги аниқ-ку, ахир! Эл-юрт тўй қилиб кўпкари берса, йил бўйи чинакам ҳалол меҳнатининг чери-ҳордиғини чиқарса, бунинг нимаси ёмон? Ҳеч бўлмаса, янаги йили режани икки баравар ортиғи билан бажариш шарт дейилса, ҳозирдан бошлаб шунга тайёргарлик кўрилади-ку! Ахир улоқ-кўпкари халқимизнинг азалий удуми-ку! Наҳотки партия буни билишга ожиз бўлса! Бизни отларимиздан атай жудо қилишмоқчимиз ё?!»

Парда раиснинг хаёлида бундан уч йиллар илгари обком котиби Ғулом Маннонов билан бўлиб ўтган суҳбат гавдаланди. Махсус чақириқ билан эрталаб қабулхонага бориб, диванга энди ўтирган ҳам эдики, шахдам ва дадил қадамлар билан обком котибининг ўзи кириб келди. Парда раис

тезда ўрнидан туриб салом берди. Ғулом Маннонов саломга алик олди-да, қаттиқ тикилиб: «Сиз кимсиз? Эрталабдан келибсиз, нима хизмат?» деб сўради. Ўзини таништиргач эса ўн минутлардан кейин ҳузурига киришини тайинлади.

Парда раис роппа-роса ўн минутдан кейин обком секретарининг ҳузурига кириб, рўпарасидаги стулга ўтирди.

– Бир масалада чақиртирган эдим. Хўш, аввало, сиз менга айтинг-чи, давлат плани йил ўтган сари олдинга илдамлайдими ёки орқага кетадими?

– Фақат олдга қараб ўсади.

– Ҳа, балли! Нега шундай бўлади?

– Чунки янгидан янги резервларни излаб топамиз. Иккинчидан, бизда планлаштириш биринчи ўринда, шу асосда ривожланамиз. Учунчидан, бизда конкуренция йўқ. Бу эса ривожланиш учун катта омил.

– Раис, бу айтганларингиз тўғри. Аммо масаланинг бошқа бир томони бор. Йиллик ҳисоботингизни ўқидим. Саволга жавоб беринг. Ўтган йили ҳар юз совлиқдан нечтадан қўзи олдингиз?

– 105 тадан.

– Ҳа, яшанг! Биламан, йил чорва учун жуда қулай бўлди. Кўп совлиқлар эгиз қўзилади. Ана энди менга айтинг-чи, янаги йили ҳар юзидан 106 тадан, кейин 108, борингки 110 тадан... Хўш, йиллар ўтган сари охирги натижа нима бўлади? 200га чиқадиими? Тасаввур қиляпсизми?!

– Ҳа... – ишончсизроқ жавоб берди раис.

– Чайналманг-да, раис! Хўжалигингизда етим-есир йўқми?! Бировнинг ўғли армиядан келмайди-ми? Ёрдамга кўз тикиб турган оила тўй қилаётган бўлса-чи?! Ёки муҳтож бир оила ўз боқувчисини йўқотди дейлик. Шундай вазиятларда икки бармоғингизни бурнингизга тикиб, индамай томошабин бўлиб тураверасизми? Ахир уларга хўжалик ёрдам бериши керак эмасми? Шундай қилинса бу хўжаликнинг обрўйи-ку! Хўжаликка, давлатга меҳри ортадимми? Фақат қилинган ишларни бошқа раҳбарлар билан маслаҳатлашган ҳолда хўжалик дафтарига қайд этиш керак, холос. Тўғрими?

– Тўғри.

– Агар тўғри бўлса, боринг, ҳисоботни қайтадан тўғрилаб ёзиб келинг. Билиб қўйинг, раис, битта хўжалик давлатни тўйдира олмайди, фақат намуна бўлиши мумкин, холос. Одамларга меҳрибончиликни унутманг!

Раис шу суҳбатни эслар экан, ўзига ўзи ғўдранди: «Ҳа, ўша одамлар келажакни кўра билган экан. Номи Ғулом бўлса-да аслида бек, мард инсон экан! Владимир Захарович тўғрисида ҳам шундай фикрни айтиш мумкинми? У фақат буйруқни аъло даражада бажарувчи... Мансабни сақлаб қолиш учун ҳар хил қиёфага кираверади... Куни-миз шундайларга қолди-да! Эй, тавба, нималар бўляпти ўзи? Халқ фарованлиги, ёрқин келажак тўғрисида оғиз тўлдириб гапирамиз. Аслида-чи? Сўз ва иш бирлиги қани?»

Аслида гап нимада эканлиги ҳамда нималар бўлаётганини тўғри ва ҳаққоний тушуниб олишига «Совет халқининг етакчи кучи» бўлган шонли партиянинг аъзоси эканлигию «совет халқи» деган тушунча доирасидан чиқа олмаслиги туғаноқ бўлаётганини баъзан сал-пал англаб ҳам қоларди раис. Зеро, унинг миясида «Владимир Захаровичдек мансабга ёпишган, ундан айрилиб қолишни фожеа дея тушунадиганлар партия топшириғини онгли равишда эмас, балки юқоридаги раҳбарлардан мақтов олиш учун бажаради. Ана шундай югурдаклар ҳаммасини барбод қилмоқда, шунинг учун халқнинг бири икки бўлмаяпти, бу эса партиянинг обрўсини тушурияпти» деган ақида маҳкам ўрнашиб олган эди. Бу ўйларнинг аслида қолип эканлигини энди тушунгандай ва тушунаётгандай бўлди. Ўзи ҳам билмаган ҳолда хаёлига сатрлар қуйилиб келди. Бу сафар сатрлар баралла янгради:

*Сайрамас булбуллар, қичқирар бойқуш,
Сохта ўғитларга зўр ҳамду сано.
Баҳор тафти қисқа, қақшатар қиш,
Унгай ҳасратларим – сен ғалат дунё.*

*Мафтункор оламдан басир, бебаҳра,
Гап билган майналар бўлдилар даҳо.
Сариқ булутлардан сарғайган чехра,
Куйгай фурқатларим – сен ғалат дунё.*

Мусича инграйди, елкаси қисиқ,
Чўққани санарлар дунёда танҳо.
Бургут парвозига қўярлар тўсиқ,
Ёнгай тоқатларим – сен ғалат дунё.

Синди қанотларим кўзларимда ёш,
«Нега?» деб ҳайқиргим келади гоҳо.
Нечундир бизларга хирадир қуёш,
Сурнай ғурбатларим – сен ғалат дунё.

Маънисиз тириклик – ўтмоқда умр,
Тинч қўярми дея бу тўймас Юҳо.
Қачон бу зулматда уйғониб Темур,
Қайтгай шуҳратларим – сен ғалат дунё.

Аччиқ, изтиробли хаёллар ботмон-ботмон тош
каби бағрини эзаётган раис эски тегирмоннинг
тўғрисига келганида бу безовта ва кўнгилэзар
хаёллар гирдобидан холос бўлишни истаб, юрак
санчиғи даф бўлармикан деган ниятда йўрғадан
тушди-да, нухтасини қозиққа боғлади. Йиғла-
моқдан бери бир ҳолатда тегирмон олдига келиб
тўхтади-да, кўкрагини тўлдириб-тўлдириб нафас
олди. Сал ўзига келгандек бўлгач, дадил эшикни
очди:

- Ассалому алайкум, Тожи бова!
- Э... э.., э... ва алайкум ассалом, раис! Қандай
шамоллар учирди? Келинг, келинг.
- Ҳорманг энди...
- Бор бўлинг.

– Кунботардан совуқ шамол эсиб, кўкрагимга урилди. Юрагим эзилди. Далда бўлар деган умид-да қора тортиб тегирмонингизга келяпман.

– Хўп қипсиз! Қани, ўтиринг, раис. Бир пиёла кўк чойни иссиқ-иссиқ ичсангиз, эзилган юрак яйрайди. Одамларимизнинг кайфияти яхши, раис. Уйида беш-олти қоп буғдойи бўлса деҳқоннинг кўнгли тўқ-да. Унга бошқа нима керак яна? Мана ўтган йилги ҳосилнинг ғалласини ун қил-япмиз.

– Тожи бова, айтинг-чи, от нимага керак?

Тегирмончи Парда раиснинг гапидан ҳайрон бўлиб, «тинчликми» дегандай назар билан қаради, бу саволга хотиржам жавоб беришга киришди:

– От – йигитнинг қуввати. Кенг ва тоза ҳовлингизда тулпор боғлоқлиқ турса, кўнглингиз тоғдай кўтарилади. Кўпқарида отингиз бир зот айирса, бир йиллик хордиғингиз чиқади. От – умрнинг безаги. Кўнглинг нимадандир пайсалласа от мингин, деярди қарияларимиз. Бу гапда кўп хосият бор.

– Яхши айтдингиз, Тожи бова. Энди бизга рухсат.

– Яна бир пас ўтирсангиз бўларди, раис, энди гурунгимиз чўғ олаётганди..

– Иш кўп, Тожи бова. Уддаламасанг бўлмас. Чой учун раҳмат. Умрингиздан барака топинг.

– Майли, келиб туринг, раис. Оппоқ ун билан сийлаймиз.

– Раҳмат, Тожи бова...

Кўнгли сал ёришгандай бўлган раис йўрғага миниб, жilовини бўш қўйди. Ихтиёри ўзига ташланганини фаҳмлаган қашқа ёлғизоёқ йўл билан пастга эна бошлади. Унинг бир маромда йўрғалашига ҳеч ким ва ҳеч нарса халақит бермас, сўқмоқнинг икки тарафидаги ўтлар отнинг тиззасига, қорнига тегиб ўтар, ўтлардан таралаётган хушбўй ифор қашқанинг қувватини янада оширмоқда эди. Сўқмоқнинг шундоққина ёнидан ҳар ўн-ўн беш қадам олдинда беданалар парр этиб кўтарилиб, зумда кўздан узоқлашади. Аҳён-аҳёнда улар кетидан тўрғай ҳам учиb, сал нарига қайта қўнади-да, отнинг кўзидан ўзини пана қилади. Қашқанинг эса на бедана, на тўрғай билан иши йўқ, ҳатто оёқлари тагидан сакраб учаётган чигирткаларга ҳам заррача парво қилмайди. У бир текисда олға интилиб, йўлнинг ўнқир-чўнқирлари, дўнгу пастликларида ҳам йўрғасининг маромини бузмай, эгасини ортиқча чайқалтирмай бораверади.

Чигирткаларнинг чириллаши, беданаларнинг пириллаб учиши, осмон тубида, бир нуқтада тўрғайнинг сайраши, қизил, оқ, сариқ, кўк, аралаш рангдаги капалакларнинг гулдан гулга учиb-ўйнашлари, бир-биридан мафтункор гуллардан бўса олишга ошиқаётган асалариларнинг визиллашлари, тераклари осмонни кўтариб турган боғ томонга учаётган гала-гала чумчуқларнинг шовқини – раисни ҳамиша мафтун қилиб келган бу гўзалликларнинг би-

рортаси бугун унинг отларни ажалдан қутқариш муаммосини ҳал қилиш борасидаги чалкаш ҳаёлларини тарқата олмасди.

Қашқа Элмурод чавандознинг ҳовлиси тўғрисида келганида, одатга кўра, у тарафга қараб икки бор кишнаганидагина Парда раис ўзига келиб, атрофга разм солди. Шу пайт от бирдан йўрғасини тўхтатиб, бошини адл кўтарганча ҳовли томонга қараб такрор кишнади. Чунки унинг аввалги кишноғига ҳар галгидек жавоб бўлмаган эди. Парда раис эса йўрғанинг бу қадар аччиқ ва ғалати кишнашини илк бор эшитётган эди. Бундан унинг юраги баттар таҳликага тушди, ноҳуш бир ҳолни кўнгли сезиб, беихтиёр Қашқанинг бошини ҳовли томон бурди. Чавандоз билан ҳам анчадан бери кўришгани йўқ ўзи. От ҳам шуни кутгандек, йўрғаламай, сапчиб-сапчиб лўкиллади. Дарвозани юзлари сўлғин, пастки қовоқлари шишган Элмурод чавандоз очди.

– Ҳа, полвон, ғамгинсиз? Гулистон кишнамади? Оғзи тўрвадамиди?

– Э... эй... раис, нима десам экан, гўлмиз, ҳам чўлмиз. Гулистондан айрилдик...

– Нега? – шошиб сўради раис, энтикканидан овози ҳам бошқача чиқди. Раис бўғзига тиқилиб келган нимарсани йўқ қилмоқ учун ютинди. Бунидан урдамай олмаган бўлса ҳам, зўриқиб овоз чиқарди: – Ахир кечагина кишнаб жавоб қилди-ку! Овози дадил ва жарангдор эди!..

«Гулистон емдан заҳарландимикан? Кимдир экиш учун дориланган арпани келтирганмикин?» деган ўй ўтди хаёлидан.

Элмурод чавандознинг иккинчи ҳикояси

Бугун тушгача машъум ҳол юз берди.

Барига ўзим айбдорман.

Раис, чавандоз Жовли Каримни биласиз. Гумаштаси унинг баҳайбат байталини олиб келган экан. Гулистондан қочириш учун. Яхши зотли тўл тушсин деган-да. Байтални кўриб менинг ҳам ҳавасим келди. Келишган, ҳайбатли чавкар, худди улоқчи отлардек тик қарайди. Яғринлари жуда кенг, бизнинг отимизга мос. Гулистоннинг қизларидан бўлмасин тағин деб ўйладим. Икки пол ёки уч пол ошган бўлса ҳам барибир Гулистон танийди ва чопмайди. Буни аниқ биламан. Хавотирим шундан бўлди. Йўқ дейин десам Жовли Каримни жуда ҳурмат қиламан. Кўпқариларда бир-биримизга жуда кўп ёрдам қилганмиз. Ҳе, ўл-е, қурумсоқ экансан-ку деб айтиши аниқ. Ўйлаб-ўйлаб, фириб ишлатдим. Қандай денг?..

Гулистон ҳидидан ҳам ўз аждодини сезади. Бунинг йўли бор. Катта ва кенг тўрва тикдим-да, аввал унинг ичини исириқ тутуни билан роса тўлдирдим. Кейин тутундан озгина қолдириб, Гулистон байтални кўрмасин ҳам, сезмасин ҳам деб, унинг бошига тўрва ёпиб қўйдим.

Гулистоннинг айғирлашган маҳали... Кўзи қонга тўлиб турган эканми, тезда байталга ирғиди. Ҳаммамиз хурсанд эдик. Аммо бу хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. Байтал сал узоқлашсин деб кутаётгандик, ғафлатда қолибмиз, уйинг буғдойга тўлгур, умринг узун бўлгур катта ўғлим Мейли, отимнинг бошида нега тўрва осилган, деб сўрамай-нетмай олиб ташлабди! Гулистон деворнинг ёриғидан етакланган байтални кўриб қолди. Ҳали байтал унча узоқлашмаган эди. Гулистон байтал тарафга тикилиб-тикилиб қаради. Бошини баланд кўтариб қаттиқ кишнади. Кутиб турди. У томондан ҳам кишнаган овозни эшитиб, бирдан тисарилиб йиқилди...

Биз уни тийғаниб йиқилди, ҳозир ўрнидан туради дея чопиб олдига бордик. Бундай бўлиб чиқмади. Аксинча, кутилмаган ғаройиб ҳодиса рўй берди! Кўриб ёқамни ушладим! Гулистон бошини олд оёқлари орасидан ўтказди-да, орқа оёқлари билан бошини қисиб олиб орқага тортди ва иягини қорнига тиради. Яна бир қайрилиб, қаттиқ силкинди-да, ҳали совуб улгурмаган авратини тишлаб узиб ташлади! Шу кезде мен «қирс» этган товуш эшитдим. Чамаси жулуни узилиб кетган бўлса керак. Кейин у бир кишнади-да оёқлари тўғриланди. Бўйни эгилганича қолди. Кўзи очилганича жон берибди. Кўзларида шашқатор ёш. Аввал мол дўхтирни чақириб акт қилдик. Мана акти. Улло, агар бундай бўлишини аввалдан бил-

ганимда ўлсам ҳам бунга рухсат бермасдим. Нима қилай, хом сут эмган бандаман-да...

* * *

Элмурод полвон елкаларини силкитиб-силкитиб йиғлар, Парда раис уни нима деб юпатишни билмас, эртага бундан-да оғирроқ юмуш кутаётганини тўлиғича тасаввур қила олмас, ўта мушкул ҳолатда эди.

...Катта майдон лиқ тўла одам. Бошқаларга халақит бермасин учун кўплар телпак, қалпоқ, ҳатто саллаларини ҳам бошдан олиб, вагонларга чиқарилаётган отларни кузатмоқда. Милиция ходимлари вагон ва отларни эмас, балки одамларни зийраклик билан назорат қилаётир.

Отларнинг вагонга чиқишини осонлаштириш учун ердан вагон полига қадар зич қилиб тахталар терилган. Эгалари яланғочланган отини вагонга чиқаради-да, нўхтасини ечиб, ирғаланиб, отига қарай-қарай пастга тушади. Кўпчилиги от бошидан нўхтасини олаётганда йиғлаб юборар, баъзилари эса тахтадан пастга кўз ёшларини қўллари билан артиб энарни. Айрим кўнгли бўшлари отининг бўйнидан кучоқлаб йиғлар, кўз ёшларини отнинг ёлига артаркан, қайта-қайта: «Кечир мени! Кечир...» дер, агар вагон ичидаги милиционер тушишни буюриб дағдаға қилмаса, отидан осонликча айрилмайдиган ҳолатда эди.

Вагоннинг сурма эшиги ёпилиб, тахталар бошқа вагонга кўчирилганида йиғлаётганлар сони

яна кўпаяр, ҳар замонда «Кўргилик-да, йиғини бас қилинг энди», деганга ўхшаш гаплар эшитиларди. Шу дам ўнг томондан «Отимнинг ўрнига ўзимни гўштликка олсаларинг бўлмасмиди?» деган овоз эшитилди, унинг изидан эса «Бас!» деган қулоқ пардаларини йиртар даражадаги буйруқ жаранглади...

Одамларнинг аччиқ фарёди юракларнинг энг тубида қўзғалаётган исённи билдирар, дардини ошкор айтиш иложини топа олмай руҳан эзилган кўнгилларнинг ҳеч нарса билан овутиб бўлмайдиган ниҳоятда оғир изтиробини англатар эди.

Тўпланганларнинг олдинги сафида турган Парда раис ўзини партиянинг мутлақ муте аъзоси деб билмаса-да, бу ҳолатдан чиқишнинг иложини топа олмаганидан афсусу аламда эди. Райком котибининг «Қани, йўрғани ўзингиз олиб чиқинг» дегандек ишорасидан кейин аввалига нима қилишни билмай каловланиб турди. Сўнгра сал ўзини тутиб олгандек бўлиб, йўрғанинг нўхтасини ечиб қўлига олар экан кўзолди қоронғилашди. Отга суянганича юрагини чангаллаб, зўрға ортга бурилди, йиқилсам ҳам олдга қараб йиқилай деган ўйда сал энгашиб, олдинга базўр қадам ташлади. Шу палла Содиқ чавандознинг:

– Раис, дадил бўлинг! – деган овоз қулоғига чалинди. Ичида: «Ҳа, иродангни ишга сол, Бекназар!» деганча қия энлик тахтадан аста пастга туша бошлади.

Ҳадемай поезд жўнайди. Отларни қаерга оборишади, неча кун вагонда бўлади, уларнинг ҳолидан хабар олувчи борми, буни ҳеч ким билмайди. Ҳайвон зотига ҳам шунчалик шафқатсизлик бўладими? Бир нарсани айтай, сўрай деса тили йўқ...

Бу бедодлик қанчадан-қанча йигитларнинг қалбини вайрон қилиб, руҳини чўктирди!

«Отсиз йигит бамисоли қаноти қирқилган бургут. Бошини адл кўтаришга уялади. Бундан баттарини ҳам бошимиздан ўтказдик, раис. Энди кўкрагимизни кериб юролмай қисинарканмиз-да...» Элмурод чавандоз бугапларни айтганида минг бор ҳақ эди. Тўғри айтади. Бу кўргулик ҳам бор экан-да бошимизда! Пахта режасини бажарсак, ғалла топширишни керагидан ортиқ уддаласак, гўшт топшириш бўйича берилган вазифани қойиллатсак, яна нима керак экан бу еб тўймас партияга?! Ахир ҳамма нарса ҳам эви билан-да! Шўринг қурғур колхозчилар кечани кеча, кундузни кундуз демай, пешонасидаги шўрини ўз терлари билан ювиб, сидқидилдан ҳалол меҳнат қилсаю, ҳеч бўлмаса қишда, қор ёққан пайтларда чарчаганлик ҳовури-ни чиқариш учун ҳатто улоқ ҳам чопа олишмаса... Кўпкарида бир марта ҳалол зот айириш ҳузури бир йиллик чарчоқ ва кўнгилхираликларни кетказиб, кишига қанчалик қувонч бағишлашини бу партия тасаввур қила олармикан ўзи!?

Одамларнинг орасига кириб, аҳволинг қандай, нима камчилигинг бор, биргаликда ҳаракат қи-

либ, фаровон яшайлик, деб дилидагини билиш йўқ, бироқ нуқул топшириқ берилади. Ҳар йили шу аҳвол. Бундай ҳақсизлик билан коммунизм куриб бўлармикан?! Ёки мен билмаган ҳақиқатлар ҳам борми? Ким топиб беради ўша эгилмайдиган, синмайдиган ҳақиқатни?!

Шундай азобли хаёллардан қайналаётган Парда раиснинг қулоғига вагондан тарақлаган товуш эшитилди. Ялт этиб қаради. Шу пайт вагоннинг раисга яқин турган икки тахтаси қарсиллаб синиб тушди. Ҳосил бўлган тирқишдан пешонаси қонга бўялган отнинг аввал калласи, сўнгра бўйни чиқди. Парда раис йўрғани дарров таниди! Отнинг ёш сизиб чиққан кўзларидан изтироб шарпаси сезилиб турарди. Раис ўзини тута олмади, тез-тез ва чуқур нафас олиб, бор қувватини оёқларига йиғдию, чўлоқланганча поезд изидан ўтиб, йўрғанинг бўйнидан қаттиқ кучоқлаб олди. У кўз ёшларини тия олмас, ўкириб йиғлашдан бутун иродасини ишга солганча ўзини аранг тийиб турган бўлса-да, елкаларининг силкиниши ва бошининг тебранишидан унинг аччиқ алам билан унсиз йиғлаётганини пайқаш мумкин эди. Шу пайт у бўйнида йўрғанинг кўзёшларини ҳам ҳис этди. Раиснинг бу пайтдаги кечинмалари, ичида аланга олган ҳасрат оловини сўз билан тасаввур қилиб бўладиган эмасди...

Паровознинг қичқириғи ва Элмурод чавандоз билан Содиқ чавандозларнинг: «Бўлди, раис... Бошқаларнинг ҳам юрагини эздингиз... Чидай-

миз-да бу кўргуликка!» деган сўзларидан сўнггина раис отнинг бошига бошини қаттиқ босганча эшитилар-эшитилмас ингроқ товуш билан «Хай...р.., Йўр...ғам! Хонўғлоним!» дея олди, холос...

Паровознинг кетма-кет қичқириғи майдонда йиғилганларнинг бағрини тилка-пора қилди, вагонлар ўрнидан жилди. Парда раис туманлашган кўзлари билан Қашқа йўрға томон ўгирилиб қарар экан, отнинг ҳам бўйнини унга томон қайириб тикилаётганини кўриб, беихтиёр унга томон икки қадам босди. Бироқ чўлоқ оёғининг тиззасидаги қаттиқ оғриқ, кўкрагининг чап тарафидаги санчиқ уни тўхтатиб қолди.

Шу пайтда Қамай тарафдан дўмбира овози эшитилди. Неча йиллик чўбиридан айрилган Ҳазратқул бахши оқ дўмбирасини қўлига олиб, дўмбира торини узиб юборгудай куч билан куй бошлади. Дўмбира аввал булбулдай сайради. Бора-бора бу сайраш нолага алмашди. Парда раис назарида, дўмбира торлари шамолдай гувиллар, шарқироқ сойдаи шовуллар, дардли кўнгилдай инграрди... Бари йиғилганлар дардини янгилаб, ярасини тирнаб-тирнаб ўтди, аксарининг кўзлари қайта ёшланди. Тарқалишга тайёрланаётган одамлар бахшининг атрофига йиғилди. Бундан хавотирланган икки отлиқ милиционер Ҳазратқул бахшининг қўлидаги дўмбирани тортиб олмоқчи бўлганида эса оломон бир қалқди. Ҳамма бир овоздан «Бахшига тегманглар!» дея ҳайқирди. Одамларнинг бирдамлигидан ҳайиқдимиди, бошқа сабабми,

отлиқ милиционерлар ҳам шаштларидан қайтиб,
бахшини тинглаётганларга қўшилишди. Ҳаз-
ратқул бахши эса дўмбиранинг товушини янада
баландлатиб, куй оҳангини ўзгартирди ва хирқи-
роқ овоз билан қўшиқ бошлади:

*Бўғзим тирнар куюк сўзларим,
Кўр бўлсайди ёшли кўзларим,
Шувут бўлди ёруғ юзларим,
Гўштга кетган бўз отларим-а,
Қайга етгай бу додларим-а!*

*Ай, жўралар бўлдик жамулжам,
Дилларимиз эмас хотиржам,
Тилимиз лол, ўзимиз мулзам,
Қайга кетар бўлди отларим,
Ҳаволарда қолди додларим!*

*Энди қайда Лангарнинг сели,
Йиғлар бўлди Қамайнинг эли,
Йўқ, синмагай полвонлар бели!
Гўштга кетган юз отларим-а,
Қайга етган минг додларим-а!*

*Осмонимиз булутга тўлди,
Бошлар эгик, қўнғлимиз сўлди,
Тулкиларча ёсуман кулди,
Гўштга кетар бўлди отларим,
Ҳайрон-ҳайрон не бир зотларим!*

*Путур етди иймонларга
Сапчир эдинг осмонларга,*

Айландинг-ку армонларга
Гўштга кетган Тарлон отларим,
Кимга етгай оху додларим?!

Қорабайир! Номдорсан машхур,
Чопар эдинг далангда сен хур,
Кетмоқдасан – кимгадир хузур,
Гўштликкадир Қорабайирим,
Энди шодлан, айёр ғайирим!

Соғинармиз отда юрганни,
Отга миниб кўкрак керганни,
Йўқотдинг, ай, ботир, жуганни,
Қайга етгай, ай, додларим-а,
Йиғлаяпти тоқатларим-а!

Завқим эдинг, қашқа, сен йўрға,
Йиғламоқдан бериман зўрға,
Энди кўзинг чўқирма қарға?!
Қандайларин йўрға эдинг-а,
Йўрғаликда дарға эдинг-а!

Эзилди-я тана жигаринг,
Бўзлаб қолди алп Ёдгоринг,
Ёдгор бўлиб қолди эгаринг,
Гўштга кетган тулпорларим-а,
Қайга етган оҳ-додларим-а?!

Бағрим тешар оловли бир ўқ,
Кимларнингдир бундан кўнгли тўқ,
Тобутингга ёпилар жабдуқ,

Гўштга кетган бўз отларим-а,
Тингланмаган сўз отларим-а!

Нелар бўлар сенинг охириг,
Бизлар бўлдик энди сағиринг,
Қайда энди сенинг ғамхўринг,
Гўштга кетган саман отларим,
Қайга етгай зору додларим?!

Сени қайдан кўргаймиз ғунон,
Мард бўлсак-да додимиз достон,
Иргада зор йиғлайди пуштон,
Гўштга кетган зўр отларим-а,
Кимга етгай мум додларим-а?!

Аё, дўстлар қўшиғим қалтис,
Қанотимдан айрилган боис,
Йиғлаяпсиз, сиз, Парда раис,
Бўзлаб кетган юз отларим-а,
Бағрим доғлаб бўз отларим-а!

Менинг бўшанг эй, дардмандларим,
Сўлиб бўлди гул чаманларим,
Хайр энди, той, саманларим,
Гўштга кетган бўз отларим-а,
Кимга етгай бу додларим-а?!

Букилиб қолган бахши ўзгача ситам, ўзгача
ғусса билан дўмбирасининг инграшини яна авж
олдирди, баланд ва ҳирқироқ овозда, юраклар-
нинг тубига етадиган, кўнгил торларини черта-
диган оҳангда ирлашни давом этдирди:

*Хунғиротим, азалдан мардсан,
Отсиз энди мунис дардман(д)сан,
Ғиротларга кўп орзумандсан,
Дармонидан жудо элим-а!*

*Қачонлардан жигарпорамиз,
Бугундан биз юзи қорамиз,
Отсиз қандай, қандай юрамиз,
Зотли отдан жудо элим-а!*

*Сўзларимни йўйманг ёшликка,
Бир йиғлоқи кўнгли бўшликка,
Бўзлаб кетар бўлди гўштликка,
Отларидан жудо элим-а!*

*Бунча қуюқ дилда туманим,
Капалаксиз хазон чаманим,
Неча кунинг қолди саманим,
Саманидан жудо элим-а!*

*Кўз ёшимга менгзар ёмғирим,
Мен билмайман недир охирим,
Сен йиғлайсан нега, айғирим,
Айғиридан жудо элим-а!*

*Айриларсан ўтлоқларингдан,
Кенг дала-дашт, гиёҳларингдан,
Чавкар, ўпай туёқларингдан,
Човкаридан жудо элим-а!*

*Тепкиланди йўғу боримиз,
Тикланаркан қачон оримиз,*

*Бўлармикан ҳур диёримиз,
Тулпоридан жудо элим-а!*

Ҳазратқул бахши куйлар экан, кўз ёшларини ҳам тия олмасди. Зеро, айтаётган қўшиғи қалбини ўртаётган аламини тўла ифодалай олмаётган эди. Унинг икки ёнида гуё бахшини қўриқлаётгандек турган милиционерлар ҳам рўмолчаларини кўзларига босиб, ўзларининг йиғлаётганини бошқалардан бекитмоқчи бўлар, бироқ елкаларининг силкиниши бу сирини ошкор этиб турарди.

Қашқа йўрғанинг пишқириши, депсиниши, изтиробли кишнашини кўз олдига келтириб, қалби мумдай эриб турган Парда раис ниҳоят хушёр тортди. Ахир у элнинг оқсоқоли, бошқаларга сабри, матонати билан ўрнак бўлиши керак. У чўлоқланганча бахшининг олдига бориб, елкасига қўлини қўйди:

– Бахши бова! Ҳаммани йиғлатдингиз, бўлди! Иложимиз йўқ. Не қилайлик. Кейин қайрилиб, одамларга мурожаат қилди:

– Биродарлар, тарқалайлик! Энди тарқалмай туришимиздан ҳеч қандай фойда йўқ. Зарари бўлиши мумкин. Хўп денг, оғайнилар, тарқалайлик!

Ҳамма аста уй-уйига кета бошлади.

Парда раисни ҳувиллаган ҳовли кутиб олди...

Ўғли Абдуназар «Отни сақлаб қололмадингизми, энди нима қиламиз?» дегандек Қашқа йўрға боғланадиган қозиққа йўғон калтак билан уриб-уриб қўярди.

Раис бир пас унга қараб турди-да, дийдаси юмшаб, титроқли товуш билан деди:

– Уйга кир, ўғлим. Қозиққа тегма! Худо хоҳласа, ҳали керак бўлади...

Шу палла ҳовлиққанча кимдир кириб келди. Раис Аллабердини дарров таниди. Унинг товуши безовта эди:

– Раис бова, ҳо раис бова!

Раис чўлоқланиб у томон юрди:

– Ҳа, Аллаберди! Ука, кел! Нега бунчалик ҳовлиқяпсан?! Сен ҳам отингдан айрилдинг-а... Ҳаммамизга оғир бўлди-да...

– Ҳа, шундай... Энди бу ёғини эшитинг, раис бова! Зарур иш билан Қаршига бораётган эдим. Ғузордан ўтиб, Шўртанга яқинлашганимда поезд мени қувиб ўтди. Бироқ сал ўтиб тезлигини пасайтириб тўхтади, форма кийган қандайдир одамлар вагондан бир отни ташқарига чиқариб ташлашди. Яқинлашдим, кўриб юрагим «шув» этди, у Қашқа йўрғанинг ўлиги экан!

– Қашқа йўрға дейсанми?!

– Ҳа, синчиклаб қарадим. Танидим! Ясси ва ялпоқ туёғидан танидим. Қашқасининг... қашқасининг бир текислигидан танидим. Пешонаси оппоқ, кўзларининг оқи ўзгармаган, қорни ва териси ҳам сал оқарган. Қашқанинг юраги ёрилиб ўлибди!

– Ука! Аллаберди! Адашмаяпсанми?!

– Йўқ, раис бова! Бу аниқ. Гаров бойлашиб ютқазганимда мен унинг ҳар бир белгисига эъти-

бор берганман-да! Отнинг юраги ёрилиб ўлибди.
Қони кўкрагининг ичида йиғилган экан!

Парда раис турган жойида қотиб қолди!

...Парда раис, Содик чавандоз, Тожи бова, Ҳазратқул бахши, Аллабердилар Қашқа йўрға лошини Мирзапўчоқ қишлоғининг Ғузор тарафидаги тепаликка элтганларида тупроғи ҳали қуриб улгурмаган қабрнинг ёнида, эндигина қазилган чуқур тепасида белкуракка суяниб турган маҳзун Элмурод чавандоз билан унинг ўғли Мейлига кўзлари тушди.

Ҳеч ким ҳеч нарса демади.

– Йўрғани мана шу чуқурга, Гулистоннинг ёнига кўмамиз. – деди қатъий Парда раис...

Одамлар ҳаракатга тушиб кетди.

– Аллаберди, ука! Чавандозларим! – деди ҳаммани ҳайратга солиб бирдан Парда раис, пайдо бўлган икки дўнгчага қараб. – Агар ўлсам, мени ҳам... Гулистон билан Қашқа йўрға ўртасига кўмасизлар!..

– Мени ҳам! – деб юборди тўлиқиб турган Элмурод чавандоз шу палла! Барча унга ялт этиб қаради.

– Эсингизда тутинглар! – давом этди Парда раис. – Аммо... ҳали ўладиган гўсхўр йўқ! Ҳали иш кўп! Ҳа... иш кўп! Тушундим, энди мен бошқача ҳаракат қиламан!

Раис охирги сўзларни айтганида қўллари мушт бўлиб тугилган эди. Бироқ бу ҳаракатнинг ўзи нима эканини, унинг қандай кечишини ҳозир

тасаввур эта олмасди. У шу алфозда уйига қайтар экан, йўл-йўлакай Ҳазратқул бахшининг «Замон келар, ой бўлар яхши...» термасини беихтиёр ҳиргойи қила бошлади.

Раис шу кайфиятда кета туриб кунчиқар тарафдан кўтарилаётган чарақлаган юлдузга кўзи тушди. Парда раис юлдузга тикилиб қаради. Унинг ёғдуси ичра бир одам кўрингандай бўлди. Кўзларига ишонмай юмиб очди. Ростдан ҳам қир ортидан ёруғлик томон бир отлиқ чиқиб келаётган эди. Бироздан кейин отлиқ тиниқ уфқ томон бурилди. Уфқнинг нуқра жилосида отнинг қашқаси ёрқин товланди. «Қашқа йўрға-ку!» дея ҳайқириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди раис. Эгар устида ўтирган невараси Нурдилни ҳам таниди. Шундагина бу от Қашқа йўрғанинг эндигина минги бўлган боласи эканини англади. Унинг ҳам тез ва текис йўрға чиқарганини кўриб, кўнгли тоғдай кўтарилди. «Ҳали келажаги порлоқ замонда яшаймиз, ҳали зафарлар қучамиз» деган ўй ўтди кўнглидан.

Ҳадемай тўлин ой чиқади, тонгда эса албатта қуёш чарақлайди.

2013 йил 26 декабрь

МУНДАРИЖА

Инсон ва табиат уйғунлиги	
тараннуми. <i>Адҳамбек Алимбеков</i>	3
Қашқа йўрға	7

Жуманазар Бекназар

ҚАШҚА ЙЎРҒА

Мухаррир: Нурбек ТОШНИЁЗ
Бадий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ
Техник муҳаррир: Алимардон АҚИЛОВ
Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ
Мусахҳиҳ: Элбек ЖУМАНОВ

*Китобда рассомлар Хурсаной Инагамова
ва Шоиста Инагамованинг
асарларидан фойдаланилди.*

Нашриёт лицензияси: AI №134, 27.04.2009
Теришга берилди: 07.04.2016 й.
Босишга рухсат этилди: 16.05.2016 й.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84х108^{1/32}.
Cambria гарнитураси. Офсет босма.
Ҳисоб-нашриёт т.: 1,25. Шартли б.т.: 1,62.
Адади: 3000 нусха.
Буюртма №169.

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^а-мавзе 42-уй.

Тел.: (+99871) 217-16-77
e-mail: info@akademnashr.uz
web: www.akademnashr.uz

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп этилди.
100096, Тошкент шаҳри Бунёдкор шохкўчаси 44-уй.